

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУНЧИЛИК  
ТЎПЛАМИ

30-сон  
(1154)  
2024 йил  
июль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Иккинчи бўлим

252. «Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги ПФ–103-сон Фармони
253. «Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириш ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 июлдаги ПФ–104-сон Фармони
254. «Республикада ов қилиш ва овчилик хўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 июлдаги ПФ–105-сон Фармони

### Учинчи бўлим

255. «Интеллектуал мулк соҳасида назорат харидини амалга ошириш тарти-

- би тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 23 июлдаги 441-сон қарори
256. «Криминологик фаолиятни илмий таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 июлдаги 445-сон қарори
257. «Бадий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 июлдаги 451-сон қарори

### Бешинчи бўлим

258. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 4-iyundagi 129-son "O'zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti (15-sonli BHS) "Xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvlari"ni tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 22-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3532*)
259. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 140-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (17-сонли БҲМС) «Капитал қурилишнинг пудрат шартномалари»ни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 23 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3533*)
260. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил 24 июндаги 16-сон «Наслдор эркак хайвонларни текшириш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2585-1*)
261. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 136-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (10-сонли БҲМС) «Давлат ёрдамнинг ҳисоби ва у тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш»ни тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3534*)
262. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 137-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (11-сонли БҲМС) «Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича харажатлар»ни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3535*)
263. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 19-iyuldagi 23/4-son "Mikromoliya tashkilotlari tomonidan islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlarni ko'rsatish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi

qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 26-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3536*)

264. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 135-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (8-сонли БҲМС) “Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби”-ни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 26 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3537*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## 252 Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлар тўғрисида\*

Пахта-тўқимачилик кластерларининг молиявий барқарорлигини ва пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлаш узлуксизлигини таъминлаш ҳамда соҳада ҳисоб-китоб интизомини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Пахта-тўқимачилик кластерларини (кейинги ўринларда — кластерлар) молиявий соғломлаштиришга қаратилган қуйидаги чоралар белгилансин:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) кредит ресурслари ҳисобидан 2023 йилги пахта хом ашёсини етиштириш харажатлари учун тижорат банклари томонидан ажратилган имтиёзли кредитларни 2024 йил 1 декабрга қадар тўлиқ қайтарган кластерларга ушбу кредит бўйича фоиз тўловлари (банк маржасидан ташқари) 2025 йил 1 январга қадар Жамғарма ҳисобидан қайтариб берилади;

2023 йилги пахта хом ашёсини етиштириш харажатлари учун кластерларга ажратилган имтиёзли кредитларнинг, мос равишда Жамғарманинг тижорат банкларига ажратган кредит ресурсларининг қолдиғини қайтариш муддати тижорат банкларининг ижобий хулосаси асосида 2025 йил 1 апрелга қадар узайтирилади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари ва қишлоқ хўжалиги вазирига:

кластерларни ташкил этиш ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни уларга бириктиришда талабгорларнинг пахтачилик соҳасидаги тажрибаси, моддий ва молиявий салоҳияти инобатга олинмаганлиги;

кластер фаолияти доирасида тузилган битимлар бўйича ўз мажбуриятларини сурункали равишда бажармай келаётган, тижорат банклари олдидаги кредит қарзларини мунтазам қайтармаётган, ўз молиявий салоҳиятини инобатга олмасдан юқори кредит юкини юзага келтирган, фермерлар билан 2023 йилги пахта хом ашёси учун ҳанузгача тўлиқ ҳисоб-китоб қилмаган кластерлар билан ишлаш ва тегишли чораларни кўришда сусткашлик ва масъулиятсизликка йўл қўйилганлиги;

кластерлар зиммасига турли йўналишдаги самарасиз лойиҳаларни, уларнинг тўғридан-тўғри фаолиятига боғлиқ бўлмаган тадбирларни амалга оширишни юклаш орқали кластерларнинг молиявий ҳолатига путур етказилганлиги;

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 23 июлда эълон қилинган.

электрон тарози орқали қабул қилинган пахта хом ашёси ва ишлаб чиқарилган пахта толасини автоматлашган мажбурий ҳисобга олиш тизимини жорий қилиш ва уни «Агроплатформа» ахборот тизимига интеграция қилиш бўйича ишлар якунланмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Белгилансинки, 2024 йил 1 августдан бошлаб Жамғарма кредит ре-сурслари ҳисобидан тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича кластерлар таъсисчиларининг шахсий кафиллиги қўшимча равишда расмийлаштирилади.

4. Қуйидагиларга розилик берилсин:

а) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олинган ва сотиб олиш қийма-тининг 35 фоизи ва ундан юқори қисми тўланган пахта тозалаш заводлари ва пахта қабул қилиш масканларини (кейинги ўринларда — мулкый мажмуа) жалб этиладиган кредит бўйича мулкый мажмуа сифатида гаровга қўйишга рухсат бериш. Бунда:

мулкый мажмуаларни сотиб олиш бўйича тўловларнинг қолган қисмини амалга ошириш таъминоти сифатида суғурта компаниясининг тўловни амал-га оширмаслик суғурта полиси ва (ёки) учинчи шахс кафиллиги ёхуд бошқа банк кафолати тақдим этилади;

кредит қарздорлиги ҳисобига мулкый мажмуалар гаров мулки сифатида тижорат банклари тасарруфига ўтказилганда, мулкый мажмуани савдоларга чиқариш уларнинг фаолият турларини сақлаб қолиш шарти билан амалга оширилади;

б) тугатилаётган «Ўзпахтасаноат» АЖнинг мулкый мажмуаларини сотиб олиш бўйича кластерлар билан тузилган олди-сотди шартномаларида белгилан-ган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга узайтириш.

5. Ҳисоб палатаси бошчилигида Бош прокуратура, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Ички ишлар вазир-лиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳо-кимликлари, Солиқ қўмитаси, Жамғарма, тижорат банклари вакилларидан иборат Мажбуриятларни бажармаган пахта-тўқимачилик кластерларининг фаолиятини тартибга солиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов) бир ҳафта муддатда Ишчи гуруҳнинг асосий вазифаларини белгилаб берсин ва унинг фаолиятини мувофиқлашти-риб борсин.

Ишчи гуруҳ икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ад-министрациясига амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот киритсин.

6. Кластерларнинг тўловга қобилиятсизлиги иштирокчи сифатидаги шахснинг айби туфайли вужудга келган бўлса, кластернинг мол-мулки етар-ли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкинлиги маълумот учун қабул қи-линсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-ило-вага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари ҳамда қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов кластерларнинг пахта хом ашёсини қайта ишлашдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган қувватлари самарали ишлашини таъминлаш ҳамда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриб борсин.

Фармон ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 22 июль,  
ПФ–103-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 22 июлдаги  
ПФ–103-сон Фармониغا  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–6179-сон Фармонида:

а) 4-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишинча учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисобласин;

б) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

пахта хом ашёси, буғдой етиштириш харажатлари ҳамда пахта хом ашёси хариди якуний ҳисоб-китобларини кредитлаш;

мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, маккажўхори дони, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш харажатларини кредитлаш;

мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишда талаб этиладиган айланма маблағларни тўлдириш учун «револьвер» кредитлар ажратиш;

янги узумзорларни барпо қилиш, кўчат тайёрлаш ва «in-vitro» лабора-

торияларини ишга тушириш лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банкларига кредит ресурсларини жойлаштириш;

ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш учун зарур ҳажмдаги буғдойни бозор нархларида харид қилиш ва биржа савдоларига қўйиш;

замонавий ва юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникаларини имтиёзли лизинг шартларида етказиб беришни молиялаштириш;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилган маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги техникаси лизинг ёки кредит шартларида харид қилинганда уларнинг фоиз харажатлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаси ва лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислаш агрегати қийматини қисман қоплаш учун субсидия бериш;

тижорат банкларига жойлаштирилган мақсадли кредит ресурслари ва қарз маблағларидан фойдаланишни мониторинг қилиш;

қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ва ҳисоб-китоб тизимини рақамлаштириш учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

ривожланган хорижий давлатларнинг аграр соҳани молиялаштириш бўйича тажрибасини ўрганиш ва уларни мамлакатимизда жорий қилиш»;

в) 6-банднинг «б» кичик банди иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«пахта хом ашёси, буғдой, мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, маккажўхори дони, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш харажатларини ҳамда пахта хом ашёси хариди якуний ҳисоб-китобини кредитлаш, шунингдек, мева-сабзавотларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишда талаб этиладиган айланма маблағларни тўлдириш учун «револьвер» кредитлар ажратиш ҳамда янги узумзорларни барпо қилиш, кўчат тайёрлаш ва «in-vitro» лабораторияларини ишга тушириш лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банкларига ресурс жойлаштириш»;

г) 13-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Жамғарма томонидан компенсация ва субсидияларни тўлаш Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртмалари асосида» сўзлари «Жамғарма томонидан субсидия тўлаш Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг «Субсидиялар» портали орқали» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 1-илованинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги  
ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-  
қувватлаш жамғармаси кенгашининг  
ТАРКИБИ**

1. Ж.А. Қўчқоров — Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири, Кенгаш раиси



2. Ш.М. Ғаниев — Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси, Кенгаш раисининг ўринбосари
3. Ж.А. Ходжаев — Бош вазир ўринбосари
4. И.Ю. Абдурахмонов — қишлоқ хўжалиги вазири
5. А.А. Хаитов — Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
6. А.А. Исроилов — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини бошқариш департаменти директори, Кенгаш котиби»;

е) 2-иловадаги «Қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни молиялаштириш шуъбаси 2» блоки «Қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни молиялаштириш бўлими 2» блоки билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 декабрдаги «Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–205-сон Фармони 5-бандининг «б» кичик банди биринчи хатбошисидаги «кластерларга» сўзи «кластерлар ҳамда пахта хом ашёсини қайта ишлаш ва ип калава ишлаб чиқариш занжирига эга тўқимачилик корхоналарига» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 19 июндаги «Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатларини молиялаштиришнинг узлуксизлигини таъминлаш тўғрисида»ги ПФ–98-сон Фармонининг 1-бандидаги «12 ой» сўзлари «24 ой» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4633-сон қарори 2-банди «б» кичик бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) республиканинг барча ҳудудларида фермер хўжаликларининг ихтиёрӣ кооперациялари ташкил этилади».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги «Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4634-сон қарорининг 6-банди «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Жамғарма кредит ресурслари ҳисобидан тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари, ижара ҳуқуқи мавжуд бўлган ер участкасида буғдой етиштирувчилар ва уруғчилик хўжаликларининг буғдой етиштириш харажатларини кредитлаш учун 12 ой муддатгача буғдойнинг норматив ҳосилдорлиги умумӣ қийматининг:

40 фоизгача йиллик 10 фоизда (шундан, банк маржаси 2 фоиз);

50 фоизгача йиллик 12 фоизда (шундан, банк маржаси 2 фоиз) кредитлар ажратилади.

Бунда фермер хўжаликлари, ер майдонларига эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган буғдой етиштирувчилар ва уруғчилик хўжаликлари агротехник тадбир-



лардан келиб чиқиб, кредит маблағларидан эркин фойдаланади ҳамда моддий ресурслар етказиб берувчиларни ихтиёрий танлайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 5 апрелдаги «2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–113-сон қарорига 4-илованинг 20-позицияси «Ижро муддати» устунидаги «2023 йил» сўзлари «2023 — 2026 йиллар» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**253** Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириш ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Заргарлик саноатини янада ривожлантириш ва республиканинг етакчи тармоқлардан бирига айлантириш, заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий қилиш, маҳсулотларни экспорт қилиш кўрсаткичларини ошириш ҳамда уларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида:

1. Савдо-саноат палатаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда «Ўзбек-заргарсаноати» уюшмасининг:

2024 — 2026 йилларда «Ўзмиллийбанк» АЖ иштирокида Бухоро ва Наманган вилоятларида биттадан ҳамда Тошкент шаҳрида иккита заргарлик марказларини ташкил этиш;

заргарлик марказларида тадбиркорлик субъектлари учун зарур инфратузилмани (ишлаб чиқариш ва савдо майдончалари, «шоу-рум»лар, қимматбаҳо металллар захиралари, уларнинг асиллик даражасини аниқлаш бўйича лабораториялар) яратиш;

2025 йил якунига қадар қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг (кейинги ўринларда — заргарлик буюмлари) йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларини 1 миллиард АҚШ долларига ва экспорт кўрсаткичини — 100 миллион АҚШ долларига етказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Марказий банк билан биргаликда:

2025 йил якунига қадар «Ўзмиллийбанк» АЖ тажрибасидан келиб чиқиб, республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам заргарлик марказларини ташкил этсин;

2025 йил 1 январга қадар заргарлик марказларини ташкил этиш учун давлат кўчмас мулк объектларини яхлит мулк сифатида ёки лотлар (қисмлар ва хоналар)га бўлган ҳолда тадбиркорлик субъектлари ва тижорат банкларига узоқ муддатли ижарага ёки мулк ҳуқуқи асосида, қийматини бўлиб-бўлиб тўлаш шартларида реализация қилиш чораларини кўрсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, ушбу Фармонга мувофиқ ташкил этиладиган заргарлик марказларида фаолият юритаётган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга қимматбаҳо металлларни кечиктириб тўлаш шарти билан сотишда:

90 кун ичида амалга оширилган тўловлар қисмига — фоиз ҳисобланмайди;

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 25 июлда эълон қилинган.

91-кундан бошлаб 180-кунгача амалга оширилган тўловлар қисмига — йиллик 3 фоиз миқдорида фоиз ҳисобланади.

4. Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларнинг қимматбаҳо металлларга бўлган талабини қондириш мақсадида шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

а) заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар «Олмалиқ КМК» АЖ ва «Навоий КМК» АЖ томонидан узлуксиз равишда зарур миқдордаги қимматбаҳо металллар билан таъминланади.

Бунда давлат буюртмасида назарда тутилган қимматбаҳо металлларнинг йиллик ҳажмлари муддатидан олдин сотилганда, «Олмалиқ КМК» АЖ ва «Навоий КМК» АЖ томонидан кейинчалик биржа савдолари ва тўғридан-тўғри шартномалар орқали реализация қилиш учун қўшимча қимматбаҳо металллар ҳажмлари ажратилади;

б) «Олмалиқ КМК» АЖ ва «Навоий КМК» АЖ томонидан «Ўзмилийбанк» АЖнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий филиаллари омборхоналарида қимматбаҳо металллар захиралари шакллантирилади.

Бунда заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга биржа савдолари ва тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиб олинган қимматбаҳо металлларни «Олмалиқ КМК» АЖ ва «Навоий КМК» АЖга бормасдан бевосита «Ўзмилийбанк» АЖнинг омборхоналаридан олиш ҳуқуқи берилади;

в) 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб:

«Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасига аъзо бўлган аффинаж корхоналарига «Олмалиқ КМК» АЖ ва «Навоий КМК» АЖдан тўғридан-тўғри шартномалар асосида 100 фоиз олдиндан тўлов шартларида қимматбаҳо металлларни сотиб олиш ва кейинчалик уларни қулай бўлган шакл ва миқдорларга келтирган ҳолда заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга сотиш ҳуқуқи берилди;

заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга ўзлари ясаган ярим тайёр заргарлик буюмларини бошқа заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга реализация қилишга рухсат этилади;

г) 2024 йил 1 октябрдан 2027 йил 1 октябрга қадар:

заргарлик саноатида ишлатиладиган лигатура маҳсулотларини импорт қилишда махсус турдаги товарлар импорти учун лицензия олиш талаби бекор қилинади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ва заргарлик саноатида ишлатиладиган лигатура маҳсулотлари божхона божидан озод этилади;

д) қимматбаҳо металлларни чегирмаларни қўллаган ҳолда сотишда:

заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилиши лозим бўлган иш ўринларига қўйилган талаблар енгиллаштирилади ҳамда чегирма олиш бўйича аризаларни кўриб чиқиш муддатлари қисқартирилади;

қимматбаҳо металлларни биржа савдолари билан биргаликда тўғридан-тўғри шартномалар асосида ҳам чегирмаларни қўллаган ҳолда сотиб олишга рухсат этилади.

5. Белгилансинки, заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларни молия-

вий ресурслар билан таъминлаш, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва миллий брендларни жаҳон бозорларида илгари суриш мақсадида:

а) Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 100 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги мақсадли ресурслари тижорат банкларига уларнинг буюртмаларига асосан 5 йил муддатга Марказий банкнинг асосий ставкасидан 3 фоиз бандга паст фоиз ставкада депозитга жойлаштирилади. Бунда:

тижорат банклари томонидан депозитга жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмларини харид қилиш ҳамда айланма маблағларни тўлдириш мақсадларига 2 йиллик имтиёзли давр билан 5 йилгача бўлган муддатга Марказий банкнинг асосий ставкасида (шундан 3 фоиз банк маржаси) миллий валютада кредитлар ажратилади;

депозитга жойлаштирилган маблағларга нисбатан Марказий банкда шакллантириладиган мажбурий резерв талаблари қўлланилмайди;

б) 2024 йил 1 августдан бошлаб хорижий кўргазма ва ярмаркаларда намойиш этиш учун олиб чиқиладиган тайёр заргарлик буюмларини «вақтинча олиб чиқиш» божхона режимига жойлаштиришда божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун йиғим базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида ундирилади. Бунда тадбиркорлик субъектларига:

ушбу заргарлик буюмларини кўргазма ва ярмаркаларда сотиш ҳамда уларни инвойс асосида «экспорт» божхона режимига жойлаштириш;

заргарлик буюмларини кўргазма ва ярмаркаларда сотишдан тушадиган маблағларни Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ўз ҳисоб рақамларига, шу жумладан банк ўтказмалари орқали ёки нақд пул шаклида киритиш ҳуқуқи берилади;

в) 2024 йил 1 октябрдан 2027 йил 1 октябрга қадар:

белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ҳамда заргарлик соҳасида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, қадоқлаш ва этикеткалаш маҳсулотлари божхона божидан озод этилади;

«Uzbek Jewellery Fair» халқаро кўргазма савдоси доирасида Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан республика ҳудудига вақтинча олиб кириладиган ҳамда кейинчалик қайтариб олиб чиқиладиган заргарлик буюмларига нисбатан божхона ҳужжатларини расмийлаштиришда божхона йиғимлари ундирилмайди.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги 2025 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасининг Кимберли жараёнига қўшилиши бўйича зарур чораларни кўрсин ва ушбу жараённинг сертификатлаштириш схемасида назарда тутилган қоидаларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилинишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш соҳасида самарали назорат тизимини жорий этиш ҳамда уларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш мақсадида:

а) 2024 йил 1 октябрдан бошлаб Давлат асиллик даражаси назорати

инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлимларига (кейинги ўринларда — Асиллик инспекцияси) қуйидагиларни амалга оширишга рухсат этилади:

заргарлик буюмлари билан чакана савдо қилиш, уларни тамғалаш ва асиллик даражасини аниқлаш қоидаларига риоя этилишини текшириш билан боғлиқ назорат тадбирларини Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда ўтказиш;

назорат тадбирларини ўтказиш жараёнларига «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси мутахассисларини жалб қилиш;

заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ёки уларни сотиш фаолиятини бошлаш (тугатиш) тўғрисидаги хабарномаларни қабул қилиш, мазкур соҳада лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларига риоя қилмасдан фаолият юритаётган шахсларни аниқлаш ва уларга зарур ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича кўмаклашишга оид функцияларини аутсорсинг асосида Савдо-саноат палатасига бериш;

б) 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб:

чет элда ишлаб чиқарилган заргарлик буюмларини, башарти улар бўйича божхона тўловлари амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса, сотувга қўйиш ва чакана савдода реализация қилиш ман этилади. Бунда ушбу тартиб бухгалтерия ҳисоби қонунчилигига мувофиқ 2024 йил 1 сентябрга қадар расмийлаштирилган (кирим қилинган) заргарлик буюмларига нисбатан татбиқ этилмайди;

қимматбаҳо металлларнинг ҳамда қимматбаҳо металллар билан қопланган металлларнинг чиқиндилари ва парчалари лицензия асосида экспорт қилинадиган махсус турдаги товарлар рўйхатига киритилади;

Асиллик инспекциясининг хулосаси бўлмаган ярим тайёр заргарлик буюмларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш ман этилади;

жисмоний шахсларга оғирлиги 200 граммгача бўлган қумушдан ҳамда 65 граммгача бўлган олтин ва бошқа қимматбаҳо металллардан ясалган тайёр заргарлик буюмларини йўловчи божхона декларациясини тўлдирмасдан, ушбу микдорлардан ортиқ бўлганларини йўловчи божхона декларацияси асосида Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсат берилади;

2027 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган тайёр заргарлик буюмларига нисбатан импорт божхона божлари 20 фоиздан 10 фоизгача камайтирилади.

Асиллик инспекцияси 2025 йил 1 январга қадар Тошкент шаҳри, Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида заргарлик буюмларининг асиллигини тезкор текшириш бўйича хизматларни кўрсатувчи шохобчалар фаолиятини йўлга қўйсин.

7. Заргарлик соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳри, Наманган ва Самарқанд вилоятларида заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш, уларни реализация қилиш, геммология, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларга ишлов бериш ҳамда улар-

ни сайқаллаш йўналишлари бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилсин. Бунда:

а) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Тошкент шаҳар, Наманган ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда 2025 йил 1 январга қадар қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига қулай бўлган таълим муассасаларидан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида зарур бино ва хоналар ажратилишини таъминласин;

б) Савдо-саноат палатаси «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда 2025/2026 ўқув йили бошланишига қадар:

Туркия, Хитой, Ҳиндистон давлатларидан ўқув курсларига юқори малакали хорижий ўқитувчи ва мутахассисларни жалб қилсин;

ўқув курсларини лозим даражада ташкил этиш ҳамда таълим муассасаларини ўқув-методик мажмуалар, лаборатория ускуналари ва хом ашё билан таъминлаш учун Савдо-саноат палатасининг Тармоқларни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан зарур маблағлар ажратсин.

8. Савдо-саноат палатасининг «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш ва унинг асосий вазифаларини 1-иловага мувофиқ қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасига заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорларни ҳамда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни олтин изловчилар усулида қазиб олувчи тадбиркорлик субъектларини ҳам аъзоликка қабул қилишга рухсат этилади;

б) 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб 2027 йил 1 сентябрга қадар:

«Хунарманд» уюшмаси аъзолари учун белгиланган солиқ имтиёзлари «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасига аъзо бўлган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги тадбиркорларга ҳам татбиқ этилади;

«Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасига аъзо бўлган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган кўчмас мулк объектлари ҳамда ер участкалари мол-мулк солиғи ва ер солиғидан озод этилади;

в) 2024 йил 1 августдан бошлаб олтидан ясалган заргарлик буюмларини чакана савдода сотганлик учун йиғим суммаси Савдо-саноат палатасининг Тармоқларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирилади;

г) 2026 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ёки уларни сотиш фаолиятини юритишнинг қўшимча шартлари сифатида киритилади:

Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган малака имтиҳонларини муваффақиятли топширган ва тегишли сертификатни олган камида бир нафар мутахассиснинг мавжудлиги;

заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ёки уларни сотиш учун зарур бўлган моддий-техник база, ускуналар ва бошқа техника воситаларининг мавжудлиги ва ушбу ҳолат Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланганлиги.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу Фармонда белгиланган вазифаларнинг лозим даражада бажарилишини таъминлаш учун 2025 йилги Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Савдо-саноат палатасининг Тармоқларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига 100 миллиард сўм маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

Белгилансинки, ушбу бандга асосан Давлат бюджетидан Тармоқларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиладиган маблағлар 2-иловада кўрсатилган чора-тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

10. Заргарлик саноатини ривожлантириш бўйича республика кенгаши (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) 3-иловага\* мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

заргарлик соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш ҳамда бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

заргарлик соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, улар етарли миқдордаги хом ашё билан таъминланиши учун зарур шароит яратиш;

заргарлик марказларини ташкил этиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш учун давлат мулки объектларининг ўз вақтида қулай шартларда ажратилишини таъминлаш;

қимматбаҳо металлларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

заргарлик саноатида инновацион ишланмалар жорий этилишини ҳамда маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологик жараёнларининг халқаро стандартларга мувофиқ доимий янгиланишини таъминлаш.

11. Қуйидагилар:

2024 — 2027 йилларда заргарлик саноатини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 4-иловага\* мувофиқ;

2024 — 2027 йилларда заргарлик саноатини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Республика кенгашига ушбу Фармоннинг 4 ва 5-иловаларида назарда тутилган чора-тадбирларни сифатли ва тўлиқ ҳажмда бажариш ҳамда мақсадли кўрсаткичларга эришиш юзасидан жавобгарлик юклансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Савдо-саноат палатаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Савдо-саноат палатаси раиси Д.А. Вахабов белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш ҳамда ижро учун масъул идора-

\* 3 — 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



лар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 23 июль,  
ПФ–104-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 23 июлдаги  
ПФ–104-сон Фармониغا  
1-ИЛОВА

**«Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасининг асосий вазифалари**

1.	Заргарлик саноатига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, тайёр заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва сифатини яхшилаш бўйича ишларни самарали ташкил этиш.
2.	Халқаро талабларга мувофиқ заргарлик маҳсулотларини сертификатлаштириш ва стандартлашни таъминлаш, сифат менежментининг замонавий усулларини кенг жорий этиш.
3.	Заргарлик соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омилларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўриш.
4.	Заргарлик буюмларини сотиш бозорларини кенгайтириш бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, миллий брендларни жаҳон бозорларида илгари суриш, ишлаб чиқариш жараёнига илғор инновацион технологиялар, ноу-хау, дизайнерлик ишланмаларини кенг жорий этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро кўргазмаларда муносиб иштирокини таъминлаш.
5.	Заргарлик саноати учун профессионал кадрлар тайёрланишини йўлга қўйиш, таълим муассасаларининг ўқув дастурларини тармоқнинг замонавий ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш, соҳада илмий-тадқиқот фаолияти ва халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш.
6.	Махсус ваколатли органлар билан биргаликда заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш соҳасида самарали назорат тизимини ташкил этиш, ушбу буюмларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва айланмасининг олдини олиш, бунга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, қалбаки, асиллик даражасига мувофиқ бўлмаган заргарлик буюмлари сотилишига барҳам бериш.
7.	Давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари, истеъмолчилар ҳамда заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 23 июлдаги  
ПФ–104-сон Фармониغا  
2-ИЛОВА

**Давлат бюджетидан Тармоқларни қўллаб-қувватлаш  
жамғармасига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан  
молиялаштириладиган чора-тадбирлар  
РЎЙХАТИ**

1.	Қимматбаҳо металллар ва заргарлик буюмларининг асиллик даражасини, шунингдек, ишлов берилган ва ишлов берилмаган қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларнинг геммологик хусусиятларини аниқлаш бўйича лабораториялар фаолиятини йўлга қўйиш.
2.	Заргарлик саноатида фойдаланиладиган қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларнинг геммологик классификаторини ишлаб чиқиш.
3.	Заргарлик соҳасида талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўқув курслари ҳамда малакаларни баҳолаш марказини ташкил этиш, ушбу йўналишда кадрлар тайёрлайдиган таълим ташкилотларини зарур асбоб-ускуна, хом ашё материаллари ва ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш.
4.	«Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси ҳузурида «Заргарлик буюмлари бўйича уста», «Заргарлик буюмлари савдоси бўйича мутахассис», «Геммология», «Қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларга ишлов бериш ва уларни сайқаллаш» ҳамда «Қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар ўймакорлиги» йўналишлари бўйича кадрларни тайёрловчи ўқув марказини ташкил этиш.
5.	Заргарлик соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига хориждан жалб қилинган дизайнер, технолог ва маркетингларга иш ҳақи тўлаш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш.
6.	Вақтинча олиб кириш тўғрисидаги конвенцияга мувофиқ зарур тўловларни (аъзолик бадалларини) амалга ошириш.
7.	Заргарлик саноатининг ягона электрон платформасини ишлаб чиқиш.
8.	Маҳаллий мутахассисларни хорижий таълим ва ишлаб чиқариш ташкилотларига малака ошириш ва стажировкага юбориш.
9.	Маҳаллий заргарлик брендларини хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш ва уларнинг рекламасини ташкил қилиш юзасидан тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмак кўрсатиш.
10.	Заргарлик саноатида халқаро стандартларнинг жорий этилишини таъминлаш ва соҳанинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**254 Республикада ов қилиш ва овчилик хўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда ов қилиш ва овчилар тайёрлаш тартибини тизимлаштириш ва такомиллаштириш, соҳага илғор технологияларни татбиқ қилиш, овчилик хўжаликларида биохилма-хилликни кўпайтириш, ов туризми инфратузилмасини ривожлантириш орқали маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 январдаги «Республикага хорижий туристлар оқимини кескин ошириш ҳамда ички туризмни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–9-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг (кейинги ўринларда — Экология вазирлиги) 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб овчилик хўжалигини ташкил этишнинг қўйидаги тартибини ўрнатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

а) ов қилиш фақат овчилик хўжаликлари ҳудудида амалга оширилади ва овчилик хўжаликлари ҳудудидан ташқарида ов қилишни амалга ошириш тақиқланади (табiiй сув оқимларида, шунингдек каналларда ва коллектор-дренаж тармоқларида умумий фойдаланиш тартибида жисмоний шахслар томонидан балиқ тутиш, ёввойи ҳайвонларнинг сонини тартибга солиш мақсадида ов қилиш ҳамда Экология вазирлиги томонидан белгиланган тартибга асосан эркин ов қилиш ҳудудларида ов қилиш бундан мустасно);

б) овчилик хўжалиklarини ташкил этиш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ҳамда ўрмон фонди ерларидан 10 гектаргача ер участкаси овчилик базалари ва 100 гектаргача ер участкаси питомниклар барпо этиш учун битта лот сифатида инвестиция ва шартномавий мажбуриятларни белгилаган ҳолда юридик ва жисмоний шахсларга электрон онлайн-аукцион орқали 49 йил муддатга қўйидаги босқичларда ижара ҳуқуқи асосида ажратилади:

биринчи босқичда — 10 йил муддатга;

инвестиция ва шартномавий мажбуриятларни бажариш натижаларига кўра:

иккинчи босқичда — 10 йил муддатга;

учинчи босқичда — 29 йил муддатга.

Бунда, икки йил муддат ичида ёввойи ҳайвонларни етиштириш ва такрор кўпайтириш бўйича питомниклар инфратузилмаси ёки такрор кўпайтириш участкаси ташкил қилинмаса, ижара шартномаси бекор қилинади;

в) электрон онлайн-аукцион қолиби бўлган юридик ва жисмоний шахсларга овчилик хўжалиklarига (овчилик базалари ва питомникларга) туташ ҳудуддаги ов қилиш жойлари Экология вазирлиги билан тўғридан-тўғри ту-

\* Ушбу Фармон «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 26 июлда эълон қилинган.

зиладиган ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартномага асосан овчилик хўжалигини юритиш учун бириктириб берилади. Бунда:

бириктирилган ов қилиш жойларидан фойдаланганлик учун ундириладиган йиллик ҳақ миқдори Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда Экология вазирлиги томонидан белгиланади;

электрон онлайн-аукцион қолиби бўлган юридик ва жисмоний шахслар овчилик хўжалигини юритиш учун туташ ҳудуддаги ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартномани тузишдан бош тортган тақдирда, электрон онлайн-аукцион натижалари бекор қилинади ва ер участкалари қайта электрон-онлайн аукцион савдоларига чиқарилади;

г) овчилик хўжаликлари:

Экология вазирлиги томонидан тасдиқланадиган форматда ишлаб чиқилган ва келишилган 10 йилга мўлжалланган техник-иқтисодий асоснома материаллари асосида фаолият юритади;

питомникларда ёввойи ҳайвонларни тўлиқ босқичда етиштиришни йўлга қўйган ҳолда ўзларига бириктирилган ов қилиш жойларига қўйиб юборилган ёввойи ҳайвонлар сонига тенг миқдорида ёввойи ҳайвонларни Экология вазирлиги томонидан белгиланадиган тартиб асосида, уларнинг урчиш пайтларидан ташқари йил давомида ов қилишни ташкил этади. Бунда, ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатнома олиш талаб этилмайди;

д) ёввойи ҳайвонларнинг урчиш пайтлари Зоология институтининг ҳулосаси асосида белгиланади.

2024 йил 1 сентябргача юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўзига тегишли ер участкаларида овчилик базалари ва питомниклар ташкил этилган тақдирда, овчилик хўжалигини юритиш учун ушбу ер участкасига туташ ҳудуддаги ов қилиш жойлари Экология вазирлиги билан тўғридан-тўғри тузиладиган ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартномага асосан 49 йил муддатга бириктириб берилади.

2. Экология вазирлигига қуйидаги ваколатлар берилсин:

овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартноманинг намунавий шаклини тасдиқлаш;

овчилик хўжалигини юритишда техник-иқтисодий асоснома материалларининг форматини тасдиқлаш;

юридик ва жисмоний шахслар билан овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисида шартнома тузиш.

3. Экология вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ҳамда ўрмон фонди ерларини ижарага бериш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ов қилиш ва овчилик хўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

а) 2024 йил 1 октябрдан бошлаб овчиларга овчилик йўлланмаси ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квоталар асосида Экология вазирлиги томонидан

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ишлаб чиқиладиган электрон дастур орқали берилади. Бунда, овчилик йўлланмалари берилганлиги учун тўлов миқдори овчилик хўжаликлари томонидан белгиланади;

б) ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квота ҳайвонот дунёси объектларининг давлат кадастри маълумотлари, ёввойи ҳайвонлар сонини ҳисобга олиш ва тутиладиган ёввойи ҳайвонларни ҳисобга олиш маълумотлари, республикада мавжуд ўрмон хўжаликлари, қўриқхоналар, питомниклар ва шундай фаолият билан шуғулланувчи бошқа жисмоний ва юридик шахслардан олинган ёввойи ҳайвонларни ҳисобга олиш маълумотларидан келиб чиққан ҳолда Экология вазирлиги томонидан ўрнатилади.

Бунда, Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб бораётган ёввойи ҳайвонлар турларини табиий яшаш муҳитидан ажратиб олишга доир ҳар йилги квоталарни тасдиқлашда қўшимча равишда Фанлар академиясининг олиб борилган ва чоп этилган илмий-тадқиқотлар асосидаги тавсиялари ҳисобга олинади;

в) ўлжа ови ташкил этилганда ов мавсумидан қатъи назар ҳафтанинг барча кунларида ов қилишга рухсат берилади;

г) саноат усулида балиқ овлаш учун рухсат этилган тўрларни фақат саноат усулида балиқ овлаш учун квоталар ажратилган балиқчилик хўжаликларига сотишга йўл қўйилади, квоталар ажратилмаган балиқчилик хўжаликларига сотиш тақиқланади.

6. 2024 йил 1 октябрдан бошлаб овчилик гувоҳномасини беришнинг қўйидаги тартиби ўрнатилсин:

овчилик гувоҳномасини олиш учун талабгорларни махсус ўқув курсларида ўқитиш (кейинги ўринларда — ўқув курслар) жорий этилади;

овчилик гувоҳномаси муомалага лаёқатли, ўн саккиз ёшга тўлган, ўқув курсларини тугатган ва тест синовларидан муваффақиятли ўтган жисмоний шахсларга Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали Экология вазирлиги ҳузуридаги Экотуризм ва овчиликни ривожлантириш департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) томонидан 2 йил муддатга берилади;

овчилик гувоҳномаси берилганлиги тўғрисидаги маълумот жисмоний шахсларнинг паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотларига интеграция қилинади;

овчилик гувоҳномасини олиш учун ўқув курслари биохилма-хилликни асраш, ҳайвонларнинг турлари ва анатомияси, ов қилиш қоидалари, ов қилиш этикаси ва ов усуллари ҳамда биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича махсус билимлар ўргатилишини назарда тутган ҳолда Департамент ёки таълим муассасалари томонидан ташкил этилади;

овчилик гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш учун ўқув курсларида қайта ўқиш талаб этилмайди;

овчилик гувоҳномасини расмийлаштирганлик учун тўлов базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида, нафақадаги ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида белгиланади;

овчилик гувоҳномасини бериш тартиби ва овчилик гувоҳномасини олиш учун талабгорларни ўқув курсларида ўқитиш тартиби Экология вазирлиги томонидан белгиланади.

7. Белгилаб қўйилсинки:

а) Экология вазирлигининг Экология жамғармасига (кейинги ўринларда — Жамғарма) ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномани беришдан келиб тушган маблағларнинг:

80 фоизи — ёввойи ҳайвонлар ва ихтиофауна объектларини такрор кўпайтириш ва улар ҳисобини юритиш ҳамда муҳофаза қилиш;

20 фоизи — Департамент таъминоти ва Жамғарма низомида назарда тутилган бошқа мақсадлар учун йўналтирилади;

б) 2025 йил 1 январдан бошлаб Жамғарма маблағлари ҳисобидан овчилик хўжаликларигадаги питомникларда ёввойи ҳайвонларни тўлиқ босқичда етиштириш (кўпайтириш) харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ҳар йили 5 миллиард сўмгача маблағ ажратилади;

в) ов қилиш жойларидан фойдаланганлик учун ундирилган тўловлар, овчилик гувоҳномасини расмийлаштириш, овчилик гувоҳномасини олиш учун ўқув курсларида ўқитишдан тушадиган маблағлар Жамғармага йўналтирилади;

г) 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш жойларини, кичик сафари парклар ва ов туризмини ташкил қилган овчилик хўжаликлари ушбу фаолият йўналишларини ташкил қилгандан бошлаб уч йил муддат мобайнида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва юридик шахслардан олинadиган ер солиғини ушбу солиқлар бўйича белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоизга камайтирилган солиқ ставкалари бўйича, шунингдек, айланмадан олинadиган солиқни 1 фоиз микдоригаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди;

д) овланган ўлжалардан ҳамда табиат инъом этган маҳсулотлардан ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ҳунармандлар «Туризм соҳасида фаолият юритаётган ҳунармандлар реестри»га киритилади ва уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги «Аҳолини ҳунармандчиликка жалб қилиш ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–91-сон Фармони ва 2019 йил 28 ноябрдаги «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4539-сон қарорида белгиланган имтиёзлар татбиқ этилади.

8. Экология вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчаларни назарда тутувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдуҳакимов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар

фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 23 июль,  
ПФ-105-сон



## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 255 Интеллектуал мулк соҳасида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини сифатли истеъмол товарлари билан таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 4 апрелдаги ПҚ–110-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини сифатли истеъмол товарлари билан таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 4 апрелдаги ПҚ–110-сон қарорининг 7-бандида контрафакт товарлар муомаласига барҳам бериш мақсадида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар бўйича назорат харидини амалга ошириш тартиби ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Интеллектуал мулк соҳасида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

назорат харидини ташкил этишни режалаштириш ва уни ўтказишга оид қоидалар;

назорат харидининг натижалари бўйича интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларга риоя этилиш ҳолатини ўрганиш;

интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларга риоя этилганлиги ҳолатини баҳолаш бўйича мезонларни белгилаш;

назорат харидини амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

савдо нуқталарида сотиладиган истеъмол товарлари, дори воситалари, тиббий буюм ва тиббий техника ҳамда муаллифлик ҳуқуқи объектларини реализация қилиш жараёнида интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан тизимли равишда ўрганишлар ўтказилишини;

кенг жамоатчилик ўртасида интеллектуал мулкка нисбатан ҳурмат ҳиссини ошириш ҳамда контрафакт товарларга нисбатан тоқатсизлик муносабатини шакллантиришга қаратилган манзилли тарғибот тадбирлари ўтказилишини таъминласин.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 24 июлда эълон қилинган.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Ж. Ташкулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 23 июль,  
441-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил 23 июлдаги 441-сон қарорига  
ИЛОВА

**Интеллектуал мулк соҳасида назорат харидини  
амалга ошириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом истеъмол товарлари, дори воситалари, тиббий буюм ва тиббий техника ҳамда муаллифлик ҳуқуқи (турдош ҳуқуқлар) объектларини (кейинги ўринларда — товарлар) реализация қилиш жараёнида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш бўйича ўтказиладиган назорат харидини амалга ошириш тартиб-таомилларини белгилайди.

2. Ушбу Низомга мувофиқ назорат хариди Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий муҳофазага олинган интеллектуал мулк объектларига оид ҳуқуқбузарликни аниқлаш мақсадида савдо нукталарида (бозорлар, савдо дўконлари, кўчма савдо шохобчалари, дорихоналар ва бошқалар) реализация қилинадиган товарларни харид қилиш ҳисобланади.

3. Интеллектуал мулк соҳасида назорат хариди жисмоний ва юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятига аралашмаган ҳолда, мазкур Низомга 1-иловада\* келтирилган схемага мувофиқ икки нафар холислар иштирокида амалга оширилади ва бу тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширув ўтказиш ҳисобланмайди.

4. Назорат хариди бу борада юзага келадиган асосларга кўра режали ва режадан ташқари тарзда амалга оширилади.

5. Адлия органлари томонидан режали назорат хариди мазкур Низомга 2-иловада\* келтирилган шаклга мувофиқ тасдиқланадиган режали назорат харидини амалга ошириш графиги асосида амалга оширилади.

6. Режали назорат харидини амалга ошириш графиги, қоида тариқасида, муқаддам интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этилган савдо нукталари ва уларда фаолият юритувчи жисмоний ва юридик шахслар фаолиятини таҳлил қилиш асосида шакллантирилади.

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

График йил ёки йилнинг ҳар чораги учун ишлаб чиқилиб, адлия органининг расмий веб-саҳифасига жойлаштирилади. Графикда назорат харидини амалга оширишнинг аниқ ойлари ва кунлари кўрсатилмайди.

7. Режадан ташқари назорат хариди жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари, шунингдек, давлат органлари томонидан қонунчилик бузилиши тўғрисида тақдим этилган маълумотлар асосида ва уларда ҳолатга ҳуқуқий баҳо бериш учун етарли маълумотлар бўлмаганда ўтказилади.

## **2-боб. Назорат харидини ташкил этиш**

8. Режали назорат хариди мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган графикка мувофиқ ҳамда режадан ташқари назорат хариди мазкур Низомнинг 7-бандида белгиланган асослар мавжуд бўлганда, адлия органи раҳбари томонидан қабул қилинган буйруқ асосида амалга оширилади.

Адлия органи раҳбарининг назорат харидини амалга ошириш ҳақидаги буйруғида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

назорат харидини амалга ошириш учун асос;

назорат харидини амалга ошириш муддати;

назорат харидини амалга оширишга масъул ходимларнинг Ф.И.О. ва лавозими;

назорат хариди амалга ошириладиган савдо нуқтасининг номи;

назорат хариди ўтказилаётган савдо нуқтасининг почта манзили;

назорат хариди давомида ўрганиш учун танлаб олинadиган товарларнинг тури ва миқдори;

назорат харидини молиялаштириш масалалари.

9. Назорат хариди касса чеки ёки белгиланган шаклдаги тўлов амалга оширилганлиги ҳақидаги бошқа ҳужжат расмийлаштирилганда амалга оширилган ҳисобланади.

10. Назорат хариди натижалари бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи далолатнома расмийлаштирилади:

адлия органи масъул ходимининг Ф.И.О. ва лавозими;

холисларнинг Ф.И.О.;

назорат харидини амалга ошириш учун адлия органининг буйруғи;

назорат хариди амалга оширилган савдо нуқтасининг номи ва манзили;

назорат хариди давомида ўрганиш учун танлаб олинadиган товарларнинг тури ва миқдори;

назорат харидини амалга ошириш учун сарфланган сумма.

Далолатномага касса чеки ёки белгиланган шаклдаги тўлов амалга оширилганлиги ҳақидаги бошқа ҳужжатлар ва назорат хариди давомида олинган маҳсулотларнинг фотосуратлари илова қилинади.

Далолатнома назорат харидини амалга оширган адлия органи ходимлари ва икки нафар холислар томонидан имзоланади.

**3-боб. Товарлар бўйича ўрганиш ишларини ўтказиш**

11. Назорат харидида олинган товарлар бўйича интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар бузилиши ҳолатига ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида назорат хариди натижалари бўйича далолатнома расмийлаштирилгандан сўнг ўн иш куни ичида товарларни ўрганиш ишлари (кейинги ўринларда — товарларни ўрганиш ишлари) амалга оширилади.

12. Товарларни ўрганиш ишлари қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

товарларда қўлланилган интеллектуал мулк объектининг рўйхатдан ўтказилган объектлар билан истеъмолчиларни чалғитиш даражасида ўхшашлиги; товарларда муаллифлик ҳуқуқи (турдош ҳуқуқлар) объектларининг такрорланиши ёки тарқатилишида қонунчиликка риоя қилинганлиги;

товарларни ишлаб чиқарувчилар ва ҳуқуқ эгалари ўртасида тузилган лицензия шартномасининг мавжудлиги ҳамда бундай шартномаларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилганлиги, муаллифлик шартномалари бундан мустасно.

13. Товарларни ўрганиш якунлари бўйича интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар бузилганлиги аниқланса, адлия органи томонидан ҳуқуқ эгасига бу тўғрисида уч иш куни ичида хабар қилинади, назорат хариди унинг мурожаати асосида амалга оширилган ҳолатлар бундан мустасно.

14. Хабардор қилинган ҳуқуқ эгаларидан тегишли ҳолат бўйича чора кўриш ҳақида мурожаат келиб тушса, у қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Ҳуқуқ эгалари томонидан ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича адлия органларининг хабарига бир ой муддат ичида муносабат билдирилади. Бундай муносабат билдирилмаган тақдирда, адлия органлари тадбиркорлик субъекти фаолиятини «хавфни таҳлил этиш» тизими натижалари асосида белгиланган тартибда «Ягона давлат назорати» ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли орган билан келишилган ҳолда текширув ўтказиш орқали ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан чоралар кўради.

15. Назорат хариди давомида олинган товарлар адлия органларининг мол-мулки ҳисобланади ва товарларни ўрганиш ишлари тугатилиб, натижаси юзасидан тегишли чоралар кўрилгунга қадар сақланади. Ушбу муддат тугагандан сўнг товарлар белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

**4-боб. Назорат харидини молиялаштириш**

16. Назорат харидида товарларни сотиб олиш адлия органларининг харажатлар сметасида алоҳида кўрсатиб ўтилган маблағлар асосида молиялаштирилади.

Адлия органларининг назорат харидини молиялаштириш учун Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан маблағлар ажратилади.

17. Адлия органларининг назорат харидини амалга оширувчи масъул хо-

димлари корпоратив банк карталаридан мақсадли фойдаланиш учун моддий жавобгар ҳисобланади.

18. Назорат хариди мақсадли корпоратив банк картаси ёрдамида адлия органлари масъул ходимлари томонидан амалга оширилади.

Назорат харидини амалга ошириш ҳақидаги буйруқда назорат харидини адлия органларининг масъул ходимига бериладиган пул миқдорини қайд этган ҳолда нақд пул шаклида ҳам амалга ошириш белгиланиши мумкин.

19. Мақсадли корпоратив банк карталари ҳар бир адлия органи учун алоҳида очилади.

Мақсадли корпоратив банк карталаридан фақатгина назорат харидини амалга ошириш учун фойдаланилишига йўл қўйилади.

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

20. Назорат харидини амалга оширишда юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятига аралашини ҳамда текширувлар ўтказини қатъиян тақиқланади.

21. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

22. Назорат хариди амалга оширилиши ёки унинг натижаларидан норози бўлган томонлар белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**256 Криминологик фаолиятни илмий таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 15 январдаги ПФ–10-сон Фармони ҳамда «Криминология соҳасида илмий-амалий тадқиқот ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 15 январдаги ПҚ–22-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 15 январдаги ПФ–10-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти (кейинги ўринларда — Криминология институти) ташкил этилганлиги ҳамда фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

а) Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ:

Криминология институти фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари ва функциялари;

Криминология институтининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

Криминология институти фаолиятини ташкил этиш, мулки ва молиявий маблағлари;

Криминология институти ходим ва хизматчиларининг илмий фаолиятини баҳолаш тартиби;

б) Криминология соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш методикаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

криминология соҳасида диссертация тадқиқотлари бажарилишини ташкил этиш;

криминология соҳасида ташаббус ва буюртма асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳаларини бажариш;

Криминология институтининг илмий таклифлари бўйича ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар томонидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

«Жамоат хавфсизлиги бўйича ташаббус индекси» (i-indeks)ни юритиш.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 июлдаги 354-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тартиби тўғрисидаги низомга 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 25 июлда эълон қилинган.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 24 июль,  
445-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил 24 июлдаги 445-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот**  
**институти тўғрисида**  
**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институтининг (кейинги ўринларда — Институт) ҳуқуқий мақомини, асосий вазифалари ва функцияларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Институт криминологик фаолиятни илмий ва экспертлик жиҳатдан таъминлашга ихтисослашган, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) ташкилий тузилмасига кирувчи, юридик шахс мақомига эга республика илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

3. Институт ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири буйруқларига, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

4. Институт Вазирлик Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, тузилган шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

5. Институт ўз вазифаларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда амалга оширади, унинг фаолиятига тўсқинлик қилишга, тадқиқот ҳисоботидаги маълумотларни ўзгартириш учун таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди.

6. Институтнинг жорий ташкилий ва ташаббус асосидаги тадқиқотлар харажатлари Вазирликнинг бюджет маблағлари, буюртма асосидаги тадқиқот харажатлари эса давлат органлари (буюртмачилар)нинг бюджетдан ташқари маблағлари, пуллик хизматларни кўрсатиш, миллий ва халқаро грантлар,



шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

7. Институт ўз мулкига, мустақил балансига, ўзининг рамзи (эмблемаси) тасвири туширилган, ўз номи давлат ва инглиз тилларида ёзилган бланк, муҳр ва штампга, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасида шахсий ғазна ҳисобварақларига, банк ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги шахсий ғазна ҳисобварақларига, шунингдек, ўзининг расмий веб-сайтига эга бўлади.

8. Институтнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ — Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти;  
қисқартмаси — Криминология институти;

б) инглиз тилида:

тўлиқ — Research Institute of Criminology of the Republic of Uzbekistan;  
қисқартмаси — Institute of Criminology;

в) рус тилида:

тўлиқ — Исследовательский институт криминологии Республики Узбекистан;

қисқартмаси — Институт криминологии.

9. Институт жойлашган жой (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 243-уй.

## **2-боб. Институт фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари ва функциялари**

10. Қуйидагилар Институт фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

республикадаги криминоген вазиятга оид чуқур тадқиқотларни амалга ошириш, жиноятчилик тенденцияларини тизимли равишда таҳлил ва прогноз қилиш, унинг ижтимоий, иқтисодий, психологик, маънавий-маърифий, ҳуқуқий, тиббий ва ташкилий омилларини комплекс илмий диагноз асосида аниқлаш;

ҳудудлар кесимида криминоген вазиятни барқарорлаштириш чораларининг самарадорлигини илмий жиҳатдан баҳолаш, шунингдек, илмий таҳлил, прогноз ва диагноз ҳулосаларига асосланган ҳолда, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш орқали жиноятчилик омилларини бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш;

илмий-амалий тадқиқот лойиҳаларини бажариш орқали криминологик фаолият амалиётида мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий асосланган комплекс ечимларни ишлаб чиқиш, илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш бўйича зарур чора-тадбирларни ташкил этиш;

жамоатчилик ўртасида шов-шувга сабаб бўлган жиноятларнинг омилларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишда белгиланган тартибда мутахассис сифатида суриштирув ва дастлабки тергов органларига услубий кўмаклашиш;

жаҳон криминологияси ва хорижий давлатлар криминологик фаолият тўғрисидаги қонунчилигининг илғор тажрибаларини доимий ўрганиш ҳамда унинг натижаларини Ўзбекистон Республикаси шароитларида жорий этиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

криминология соҳаси бўйича мустақил изланувчилик шаклида олий ма-лакали илмий кадрларни тайёрлаш, талабгорларни белгиланган тартибда ил-мий даражалар ва илмий унвонларга тақдим этиш.

11. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

жиноятчилик тенденцияларини илмий методлар орқали комплекс аниқлаш, тизимлаштириш ва унинг салбий тенденцияларини бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

жиноятчилик омилларини илмий методлар орқали комплекс аниқлаш, тизимлаштириш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

криминологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш, криминологик фаолият тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

аҳолининг эътирозига сабаб бўлаётган ижтимоий таранглик ҳолатла-рининг юзага келиш омилларини тизимли таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

илмий-амалий тадқиқот лойиҳаларини бажариш орқали криминологик фаолият амалиётида мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий асослан-ган комплекс ечимларни ишлаб чиқиш;

криминология соҳасида илмий тадқиқотларни ташкил этиш ҳамда илмий ишланмаларни криминологик фаолият амалиётига жорий этиш, шунингдек, ушбу соҳада илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчиларни белгиланган тартибда илмий даражалар ва илмий унвонларга тақдим этиш;

криминология соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар, ил-мий-тадқиқот муассасалари билан илмий ҳамкорликни самарали ташкил этиш, шунингдек, қўшма илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш.

12. Институт ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функ-цияларни амалга оширади:

а) жиноятчилик тенденцияларини илмий методлар орқали комплекс аниқлаш, тизимлаштириш ва унинг салбий тенденцияларини бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:

Вазирлик Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар бош мар-кази билан биргаликда ҳисобот даврида яқунланган жиноят ишларига (тер-говга қадар текширув материалларига) доир жиноятлар ҳақидаги маълумот-ларни ҳудуд, туман (шаҳар), маҳаллалар ҳамда жиноят турлари кесимида «E-kriminologiya.uz» ахборот тизимида шакллантиради;

Институтнинг мустақил изланувчиларини туман (шаҳар)ларга бирик-тирган ҳолда жиноятчилик ҳолати, даражаси, тузилиши ва географиясини маҳаллалар кесимида таҳлил қилади, ҳодиса содир бўлган жойга чиққан ҳолда жиноят жойининг географик координаталарини аниқлайди;

«E-kriminologiya.uz» ахборот тизимида жамланган ҳужжатлар (жиноят иши бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми (ажрими), Ўзбекистон Рес-публикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасига асосан чиқарилган

жиноят ишини тугатиш ва жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорлар) асосида жиноятчилик тенденцияларини комплекс таҳлил қилади;

криминология соҳасида ташаббус асосидаги илмий-амалий тадқиқотлар лойиҳалари бўйича тайёрланган тадқиқот ҳисоботларини таҳлил қилади;

ривожланган хорижий давлатлар қонунчилигини таҳлил қилади ва илмий манбаларини ўрганади, жиноятчилик салбий тенденцияларини бартараф этишга доир илғор тажрибаларини аниқлайди ва Ўзбекистон шароитида қўллаш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқади;

жиноятчилик тенденцияларига доир масалалар юзасидан ижтимоий фикр-ни ўрганиш бўйича социологик тадқиқотлар ўтказиши, криминология соҳаси бўйича тажрибали мутахассисларнинг экспертлик фикрини тадқиқ қилади;

жиноятчилик тенденцияларига доир илмий манбалар, оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида эълон қилинган материалларни таҳлил қилади;

туман (шаҳар)ларда ўрганишларни амалга ошириш орқали жиноятчилик салбий тенденцияларини бартараф этиш бўйича кўрилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини илмий жиҳатдан баҳолайди;

яқин, ўрта ва узоқ муддатда жиноятчилик тенденцияларида кузатилиши мумкин бўлган ўзгаришларни илмий методлар асосида прогноз қилади;

тадқиқотлар натижалари асосида ҳар чоракда «Жиноятчилик тенденциялари давлат ҳисоботи»ни тайёрлайди ва кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади;

б) жиноятчилик омилларини илмий методлар орқали комплекс аниқлаш, тизимлаштириш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:

Вазирлик Ҳукуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар бош маркази билан биргаликда ҳисобот даврида яқунланган жиноят ишлари (терговга қадар текширув материаллари) бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 297 ва 298-моддаларига асосан киритилган тақдимномаларга доир маълумотларни ҳудуд, туман (шаҳар), маҳаллалар ва жиноят турлари кесимида «E-kriminologiya.uz» ахборот тизимида шакллантиради;

«E-kriminologiya.uz» ахборот тизимида жамланган ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 297 ва 298-моддаларига асосан киритилган тақдимномалар) асосида барча жиноятларнинг омилларини умумий жиноятчилик ва жиноят турлари кесимида комплекс таҳлил қилади;

Институтнинг мустақил изланувчиларини туман (шаҳар)ларга бириктирган ҳолда жиноятчилик омилларини маҳаллалар кесимида таҳлил қилади;

Институтнинг мустақил изланувчилари билан биргаликда режа-топшириқ асосида ҳодиса жойига чиққан ҳолда жиноятларнинг ташкилий омиллари бўйича маълумотнома тайёрлайди;

криминология соҳасида буюртма асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳалари бўйича тайёрланган тадқиқот ҳисоботларини таҳлил қилади;

ривожланган хорижий давлатлар қонунчилигини таҳлил қилади ва илмий манбаларини ўрганади, жиноятчилик омилларини бартараф этишга доир

илфур тажрибаларини аниқлайди ҳамда Ўзбекистон шароитида қўллаш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқади;

жиноятчилик омилларига доир масалалар юзасидан ижтимоий фикрни ўрганиш бўйича социологик тадқиқотлар ўтказилади, криминология соҳаси бўйича тажрибали мутахассисларнинг экспертлик фикрини ўрганади;

жиноятчилик омилларига доир илмий манбалар, оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида эълон қилинган материалларни таҳлил қилади;

туман (шаҳар)ларда ўрганишларни амалга ошириш орқали жиноятчилик омилларини бартараф этиш бўйича қўрилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини илмий жиҳатдан баҳолайди;

жамоатчилик ўртасида шов-шувга сабаб бўлган жиноятларнинг омилларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишда қонунчиликда белгиланган тартибда мутахассис сифатида суриштирув ва дастлабки тергов органларига услубий қўмаклашади;

криминологик тадқиқотлар асосида жиноятчиликнинг асосий омилларини аниқлайди, ушбу омилларни жиноятларнинг содир этилишига таъсир этиш даражасидан келиб чиқиб тизимлаштиради ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

тадқиқотлар натижалари асосида ҳар чоракда «Жиноятчилик омиллари давлат ҳисоботи»ни тайёрлайди ва кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади;

в) криминологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш, криминологик фаолият тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:

давлат органлари ва ташкилотлари, илмий ва олий таълим муассасалари билан биргаликда криминология соҳаси бўйича чоп этилган илмий, услубий ва ўқув адабиётларини таҳлил қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги билан биргаликда криминология соҳаси бўйича бажарилган илмий-тадқиқот лойиҳалари ҳисоботларини таҳлил қилади;

илмий ва олий таълим муассасаларида криминология соҳаси бўйича ўтказилган тадбирларнинг натижалари асосида тайёрланган илмий хулосаларни комплекс таҳлил қилади;

криминологик фаолият амалиётига жорий этилган илмий ишланмаларни ва уларнинг натижадорлигини таҳлил қилади;

криминологик фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги қонунчиликни қўллаш амалиётидаги тизимли камчилик ва муаммоларни аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқади;

Институт илмий нашрларининг даврий сонларини тайёрлайди, уларни чоп этилишини таъминлайди ва ҳамкор ташкилотларга тақдим этади;

тадқиқотлар натижалари асосида ҳар чоракда «Криминологик тадқиқотлар давлат ҳисоботи»ни тайёрлайди ва кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади;

г) аҳолининг эътирозига сабаб бўлаётган ижтимоий таранглик ҳолатларининг юзага келиш омилларини тизимли таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда уларга келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилиш асосида аҳолининг эътирозларига сабаб бўлаётган масалаларни аниқлайди;

Вазирлик соҳавий хизматлари билан биргаликда ички ишлар органларига келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилади, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал этиш бўйича амалга оширилган ишлар самарадорлигини илмий баҳолайди;

«112» ягона диспетчерлик хизмати билан биргаликда республиканинг барча ҳудудлари бўйича шошилиш ёрдам чақириқларини тизимли таҳлил қилади ҳамда уларни мазмуни бўйича илмий таснифлайди;

Вазирлик соҳавий хизматлари билан биргаликда аҳолининг эътирозларига сабаб бўлаётган ижтимоий таранглик ҳолатларининг омилларини аниқлайди ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

аҳолининг эътирозига сабаб бўлаётган ижтимоий таранглик ҳолатларининг омилларини таҳлил қилиш натижаларини «Жиноятчилик омиллари давлат ҳисоботи»да акс эттиради;

д) илмий-амалий тадқиқот лойиҳаларини бажариш орқали криминологик фаолият амалиётида мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий асосланган комплекс ечимларни ишлаб чиқиш соҳасида:

ҳар йили декабрь ойининг 30-санасига қадар келгуси йилда бажариладиган криминология соҳасида ташаббус асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳалари рўйхатини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Вазирликка киритади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар билан биргаликда ҳар йили декабрь ойининг 15-санасига қадар келгуси йилда бажариладиган криминология соҳасида буюртма асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳалари рўйхатини ишлаб чиқади ва кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритади;

ташаббус ва буюртма асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳаларини белгиланган тартибда ва муддатларда сифатли бажарилишини таъминлайди;

е) криминология соҳасида илмий тадқиқотларни ташкил этиш ҳамда илмий ишланмаларни криминологик фаолият амалиётига жорий этиш, шунингдек, ушбу соҳада илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчиларни белгиланган тартибда илмий даражалар ва илмий унвонларга тақдим этиш соҳасида:

«12.00.15 — Криминология» ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) диссертацияларини бажаришга талабгорларни олий таълимдан кейинги таълимнинг мустақил изланувчилик шаклига қабул қилади, диссертация тадқиқотлари бажарилишини белгиланган тартибда ташкил этади;

талабгорларни «12.00.15 — Криминология» ихтисослиги бўйича катта илмий ходим ва профессор илмий унвонларига белгиланган тартибда тақдим этади;

криминологик фаолиятни илмий ва экспертлик жиҳатдан таъминлашда, жумладан, «Жиноятчилик тенденциялари давлат ҳисоботи», «Жиноятчилик омиллари давлат ҳисоботи», «Криминологик тадқиқотлар давлат ҳисоботи», «Ўзбекистон криминологияси» бўйича янги авлод ўқув дастури ҳамда дарслигини тайёрлашда илмий ишланмалардан фойдаланади;

криминологик тадқиқотлар натижалари асосида тайёрланган таклифларни амалиётга жорий этади, жумладан, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш учун ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларга тақдим этади;

криминологик фаолият амалиётига жорий этилган илмий ишланмалар сони бўйича «Жамоат хавфсизлиги бўйича ташаббус индекси» (i-indeks) юритилишини таъминлайди;

соҳа бўйича халқаро форум ва республика конференцияларини даврий равишда ўтказиши, форум ва конференция материалларини тўплам шаклида чоп этилишини таъминлайди;

республикада жиноятчиликнинг салбий тенденциялари ва омилларини бартараф этиш ҳамда ушбу соҳада мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолати бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида брифинг ва матбуот анжуманларини ўтказиши;

ж) криминология соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан илмий ҳамкорликни самарали ташкил этиш, шунингдек, қўшма илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш соҳасида:

илмий хизмат сафарларини амалга ошириш орқали ўзаро тажриба алмашиш, жумладан, тажриба ортириш, касбий кўникмаларни мустақамлаш учун илмий таркибни хорижий илмий ва олий таълим муассасаларида илмий стажировка ўташга юборишни ташкил этади;

хорижий илмий ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма илмий-амалий тадқиқот лойиҳаларини амалга оширади, шунингдек, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг грантларини олади;

илмий таркибга ижодий ёки ўқув таътили берган ҳолда, илмий стажировкани ўташи ёки магистратурада ўқиши учун ўртача иш ҳақи ва лавозимини сақлаш шarti билан бир йилгача бўлган муддатга хорижий илмий ва олий таълим муассасаларига юборади;

илмий таркибнинг хорижий илмий ва олий таълим муассасаларида криминология фани бўйича ўқув машғулотлари ўтказишини, ушбу муассасалар тадқиқотчиларининг диссертацияларига илмий раҳбарлик (консультантлик) қилишини ташкил этади.

### **3-боб. Институтнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

13. Институт ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмала-



ридан ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ўз ваколатларини бажариш доирасида халқаро, минтақавий ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни, шу жумладан, ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

илмий-амалий тадқиқотлар жараёнига шартнома асосида, шу жумладан, етакчи хорижий илмий-тадқиқот муассасаларидан юқори илмий-таҳлилий маҳоратга эга бўлган малакали мутахассисларни бир йилгача муддатга жалб этиш ва меҳнат бозори конъюнктурасини инобатга олган ҳолда, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида шартнома асосида экспертлик, илмий-тадқиқот, ноширлик, матбаа ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш бўйича пуллик хизматлар кўрсатиш;

етакчи хорижий илмий ёки олий таълим муассасалари билан қўшма илмий-амалий тадқиқотлар лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, илмий кадрларни ўқитиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандум ва битимларни тузиш;

криминология соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини илмий таклиф сифатида ишлаб чиқиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларга тақдим этиш.

Институт қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Институт ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

Институт раҳбарлари ва ходимлари қонунчиликка мувофиқ тарқатилиши чекланган маълумотларни ошкор этганлик, давлат ҳисоботлари ва кримноген вазият бўйича тайёрланган таҳлилий ахборотларда маълумотларни яширганлик ва бузиб кўрсатганлик учун жавоб беради.

#### **4-боб. Институт фаолиятини ташкил этиш**

15. Институт ўз фаолияти бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

16. Институт фаолиятига Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

17. Институт бошлиғи:

Институт ваколатига кирадиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади ҳамда Институтга юкланган вазифалар ва функциялар амалга оширилиши учун шахсан жавоб беради;

Институтда илмий-тадқиқот ва илмий-методик ишлар амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратади;

Институтнинг рамзини (эмблемасини), бланкаси намунасини тасдиқлайди;

давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан муносабатларда Институт номидан иш кўради;



хар йили декабрь ойининг 15-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 январдаги ПҚ–22-сон қарори билан тасдиқланган 2024 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институтини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари бажарилиши ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот киритади;

Институтни ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш учун ҳар йили январь ойида Институтнинг Ҳаракатлар дастурини тасдиқлаш учун Вазирликка киритади ва унинг ижросини таъминлаш чораларини кўради;

Институт ходимлари, хизматчилари ва ишчиларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Институт ходимларига ижтимоий ҳимоя чораларини қўллаш, таътил бериш, уларни хизмат сафарига юбориш, рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини белгиланган тартибда ҳал этади;

Институт номидан хўжалик ва бошқа турдаги шартнома ҳамда келишувлар тузади, молиявий, ҳисоб-китоб ва бошқа турдаги ҳужжатларни имзолайди;

Институт балансидаги мулкни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилади, жумладан биноларнинг бўш хизмат хоналари криминология соҳасида илмий, таълим ёки ўқув фаолияти билан шуғулланувчи бошқа ташкилотларга ижарага берилишини қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этади;

Институт фаолиятини илмий, ахборот-таҳлил, юридик ва бошқа жиҳатдан таъминлаш мақсадида хизмат кўрсатиш бўйича фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида юқори малакали миллий ва хорижий мутахассисларни Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шу жумладан, Вазирлик билан келишган ҳолда Вазирлик ва унинг бўлинмаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳақ эвазига жалб этади;

Институт ходимлари ва хизматчиларининг лавозим бўйича функционал вазифаларини тасдиқлайди;

Институт ходимлари ва хизматчилари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

Институт бошлиғи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Институт бошлиғи ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

18. Институт бошлиғи ўринбосари — Жиноятчилик тенденцияларини тадқиқ этиш маркази бошлиғи:

Институтнинг Жиноятчилик тенденцияларини тадқиқ қилиш маркази ва Илмий-ишлаб чиқариш лабораторияси фаолиятини ташкил этади;

Институт бошлиғи буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

«Жиноятчилик тенденциялари давлат ҳисоботи» тайёрланиши ва кўриб чиқиш учун киритилишини таъминлайди;

криминология соҳасида ташаббус асосидаги илмий-амалий тадқиқот

лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлайди, жумладан, илмий-тадқиқот гуруҳларини тузади, илмий-амалий тадқиқот лойиҳалари талабномалари ва тадқиқот ҳисоботларини тасдиқлайди;

ҳар чорак якунида республикада жинойтчиликнинг салбий тенденцияларини бартараф этиш ва ушбу соҳада мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолати бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги брифинг ёки матбуот анжуманида ҳисобот беради.

Институт бошлиғи ўринбосари — Жинойтчилик тенденцияларини тадқиқ қилиш маркази бошлиғи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Институт бошлиғи ўринбосари — Жинойтчилик тенденцияларини тадқиқ қилиш маркази бошлиғи ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

19. Институт бошлиғи ўринбосари — Жинойтчилик омилларини тадқиқ қилиш маркази бошлиғи:

Институтнинг Жинойтчилик омилларини тадқиқ қилиш маркази, Корея ва Германия криминологиясини тадқиқ қилиш офислари фаолиятини ташкил этади;

Институт бошлиғи буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

«Жинойтчилик омиллари давлат ҳисоботи» тайёрланиши ва кўриб чиқиш учун киритилишини таъминлайди;

Институт ҳузуридаги Халқаро экспертлар кенгашининг фаолиятини ташкил этади, ушбу кенгаш раиси функциясини бажаради;

криминология соҳасида буюртма асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳаларини сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлайди, жумладан, илмий-тадқиқот гуруҳларини тузади, илмий-амалий тадқиқот лойиҳалари талабномалари ва тадқиқот ҳисоботларини тасдиқлайди;

ҳар чорак якунида республикада жинойтчиликнинг омилларини бартараф этиш ва ушбу соҳада мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолати бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги брифинг ёки матбуот анжуманида ҳисобот беради.

Институт бошлиғи ўринбосари — Жинойтчилик омилларини тадқиқ қилиш маркази бошлиғи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Институт бошлиғи ўринбосари — Жинойтчилик омилларини тадқиқ қилиш маркази бошлиғи ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

20. Институт ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Криминология кенгаши, Халқаро экспертлар кенгаши, Илмий даражалар берувчи муассасаларро илмий кенгаш, шунингдек, Институт фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун Институт кенгаши ташкил этилади.

21. Ўзбекистон Республикаси Криминология кенгаши (кейинги ўринларда — Криминология кенгаши) республикада илмий ва олий таълим муассасаларининг криминологик тадқиқотлар ҳамда криминология фанини ўқитиш

соҳасидаги ҳамкорлигини йўлга қўйиш учун Институт ҳузурида тузиладиган маслаҳат ва эксперт-таҳлил органи ҳисобланади.

Криминология кенгаши Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган бланкага эга бўлади.

22. Криминология кенгаши:

«Жиноятчилик тенденциялари давлат ҳисоботи», «Жиноятчилик омиллари давлат ҳисоботи», «Криминологик тадқиқотлар давлат ҳисоботи» лойиҳаларини муҳокама қилади ҳамда маъқуллайди;

илмий ва олий таълим муассасаларига таянч докторант, докторант ва мустақил изланувчи сифатида қабул қилинган шахсларнинг «12.00.15-Криминология» ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) диссертациялари мавзуларини тасдиқлайди;

Институт ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи муассасалараро илмий кенгаш, унинг қошидаги илмий семинар таркибини криминология соҳаси бўйича етакчи мутахассислар ҳисобидан шакллантирган ҳолда тасдиқлайди;

Институт ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи муассасалараро илмий кенгашга диссертация ҳимояларини ўтказиш учун рухсат беради;

«12.00.15 — Криминология» ихтисослиги бўйича малака имтиҳонлари (ихтисослик, чет тили бўйича) дастурларини, шунингдек, малака имтиҳонларини қабул қилиш бўйича муассасалараро комиссиялар таркибларини маъқуллайди;

республика таълим муассасалари учун «Ўзбекистон криминологияси» бўйича янги авлод ўқув дастурини тасдиқлайди, унга мувофиқ тайёрланган дарсликни нашр этишга тавсия этади;

криминологик фаолиятни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари ижроси бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни илмий ва таълим фаолиятида фойдаланиш учун вазирлик ҳамда идоралардан сўраб олади.

Криминология кенгаши қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

23. Криминология кенгашининг календарь йил давомидаги фаолияти бўйича ҳисобот «Криминологик тадқиқотлар давлат ҳисоботи»га киритилади.

24. Республикада криминологик фаолиятни экспертлик ва илмий таъминлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ишларини мувофиқлаштириш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг юридик соҳада илмий даражага эга бўлган вакиллари ҳамда олимлар, хорижий ҳамкор илмий ва олий таълим муассасалари, халқаро ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларидан иборат таркибда Институт ҳузурида Халқаро экспертлар кенгаши ташкил этилади.

Институт бошлиғи ўринбосари — Жиноятчилик омилларини тадқиқ қилиш маркази бошлиғи лавозими бўйича Халқаро экспертлар кенгаши раиси ҳисобланади.

Халқаро экспертлар кенгаши аъзоларининг фаолияти жамоатчилик асоҳида ташкил этилади.

25. Халқаро экспертлар кенгаши:

халқаро ва минтақавий жиноятчилик тенденцияларини илмий таҳлил ва прогноз қилади, унинг салбий тенденцияларини бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқади;

халқаро ва минтақавий жиноятчилик омилларини илмий диагноз қилиш асосида аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклифларни тайёрлайди;

Институтнинг халқаро ҳамкорлик соҳасидаги фаолиятини ривожлантиришга, шунингдек, хорижий грантларни олишга кўмаклашади;

таҳлиллар асосида криминология соҳасида илмий мақолалар тайёрлайди ҳамда уларни миллий, халқаро ва хорижий илмий нашрларда чоп этади.

Халқаро экспертлар кенгашининг календарь йил давомидаги фаолияти ҳақидаги ҳисобот «Криминологик тадқиқотлар давлат ҳисоботи»га киритилади.

26. Криминология кенгаши ва Халқаро экспертлар кенгашининг таркиби ҳамда фаолият юритиш тартиби, ҳисобот ва рағбатлантириш тартиби Вазирлик томонидан тасдиқланади.

27. Институтда «12.00.15 — Криминология» ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) диссертациялари ҳимоясини ягона ёндашув асосида ташкил этиш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг криминология ва бошқа юридик соҳада илмий даражага эга бўлган вакиллари ҳамда олимлардан иборат таркибда Илмий даражалар берувчи муассасалараро илмий кенгаш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

Илмий даражалар берувчи муассасалараро илмий кенгаш ўз фаолиятини илмий соҳадаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Илмий даражалар берувчи муассасалараро илмий кенгаш, унинг қошидаги илмий семинар Криминология кенгаши назорати остида фаолият кўрсатади.

28. Институт кенгаши Институт фаолиятига тааллуқли асосий масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун жамоатчилик асосида фаолият юритадиган коллегиял орган ҳисобланади.

29. Институт кенгаши илмий даражага эга ўн бир нафар аъзодан иборат таркибда (раис, раис ўринбосари, аъзолар ва илмий котиб) шакллантирилади ҳамда Институт бошлиғининг буйруғи билан тасдиқланади.

Институт бошлиғи лавозими бўйича Институт кенгаши раиси ҳисобланади.

30. Институт кенгаши:

криминология соҳасида ташаббус ва буюртма асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳалари, хорижий грант ҳисобидан молиялаштирилган илмий-амалий тадқиқот лойиҳалари бўйича тайёрланган тадқиқот ҳисоботлари лойиҳаларини кўриб чиқади ҳамда маъқуллайди;

Институтнинг илмий нашрлари сонлари лойиҳаларини кўриб чиқади ва уларни чоп этишга тавсия этади;

Институт ходимлари ва хизматчилари томонидан тайёрланган илмий, услубий ва ўқув адабиётлари лойиҳаларини муҳокама қилади ҳамда чоп этишга тавсия этади;

«12.00.15 — Криминология» ихтисослиги бўйича мустақил изланувчилик шаклидаги олий таълимдан кейинги таълимни ташкил этади, шунингдек, Институт ходимлари ва хизматчиларини, шу жумладан, ўриндошлик асосида ишлаётган шахсларни мазкур ихтисослик бўйича катта илмий ходим ва профессор илмий унвонларига белгиланган тартибда тақдим этади;

Институт фаолиятига тааллуқли бошқа масалаларни кўриб чиқади ва ҳал қилади.

31. Илмий котиб Институт кенгаши фаолиятини амалга оширишга доир ҳужжатларни юритади ва унинг қарорлари ижроси бўйича мониторингни амалга оширади.

32. Институтнинг илмий таркиб лавозимлари юридик, психология, социология, педагогика, техника, иқтисодиёт, тиббиёт ва география соҳалари бўйича илмий даражага эга бўлган кадрлар билан жамланади.

33. Илмий даражага эга бўлмаган номзодлар Институтнинг бўш турган илмий таркиб лавозими ҳисобидан илмий ходим-тадқиқотчи лавозимига қабул қилиниши мумкин.

34. Институтда иш ҳужжатлари (китоблар, йиғмажилдлар, ҳисоботлар, кириш ва чиқиш ҳужжатлари) «E-kriminologiya.uz» ахборот тизими орқали электрон шаклда юритилади. Институтда махфий ҳужжатлар билан ишлаш тегишли рухсатномага эга бўлган ходимлар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

35. Институтни қўриқлаш ва унинг маъмурий биносига кириб-чиқишни назорат қилиш Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати томонидан шартнома асосида амалга оширилади.

36. Институтнинг илмий таркиб лавозимларидаги хизматчиларига Вазирлар Маҳкамасининг «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг тегишли базавий лавозим маошлари миқдорлари қўлланилади ҳамда уларга аввалги иш жойи бўйича берилган мартаба даражалари учун белгиланган устама ҳақлари (мавжуд бўлса) сақланиб қолади.

### **5-боб. Институтнинг мулки ва молиявий маблағлари**

37. Институт мулки асосий фондлардан (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқалар), айланма маблағлардан, шунингдек, молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобига сотиб олинган молиявий ресурслар ва бошқа моддий бойликлардан иборат бўлади. Институт мулкининг қиймати унинг мустақил балансида акс этирилади.

38. Институт белгиланган тартибда ўзига бириктирилган мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширади. Институт унга туташ ер майдонига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқига эга.

39. Институт маблағлари қуйидагилар ҳисобидан шакллантирилади:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари;  
Вазирлик ва унинг бўлинмаларининг бюджетдан ташқари маблағлари;  
бююртма асосида амалга оширилган тадқиқотлар учун давлат органлари (бююртмачилар) томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан ажратиладиган маблағлар;

пулли хизматлар кўрсатиш, шунингдек, вақтинча бўш турган бюджетдан ташқари маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш орқали даромад олишдан тушадиган маблағлар;

миллий ва халқаро грантлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

40. Институтда пулли хизматлар кўрсатиш, мол-мулкни ижарага бериш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, шунингдек, вақтинча бўш турган бюджетдан ташқари маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш орқали даромад олишдан тушадиган маблағлар Институтнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади ва Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорида белгиланган тартибда сарфланади.

Бунда моддий-техник базани мустаҳкамлаш тадбирлари учун белгиланган меъёр доирасидаги маблағлар Институтнинг илмий тадбирларни ўтказиш ҳамда хорижий тажрибани ўрганиш тадбирларини молиялаштиришга ҳам сарфланади.

### **6-боб. Институт ходим ва хизматчиларининг илмий фаолиятини баҳолаш тартиби**

41. Институт ходимлари ва хизматчиларининг календарь йил давомидаги илмий фаолияти Институт кенгаши томонидан ҳар йил декабрь ойи якунида баҳолаб борилади.

Институт ходимлари ва хизматчиларининг илмий фаолиятини баҳолаш индикаторлари ҳар йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан тасдиқланади.

42. Институт ходимлари ва хизматчиларининг календарь йил давомидаги фаолияти тўплаган жами баллидан келиб чиқиб қуйидагича баҳоланади:

55 баллгача бўлса — «қониқарсиз»;

56 — 70 балл бўлса — «қониқарли»;

71 — 85 балл бўлса — «яхши»;

86 балл ва ундан юқори бўлса — «аъло».

Институт ходимлари ва хизматчиларининг фаолиятини баҳолаш натижаси бир календарь йил давомида амал қилади.

Календарь йил давомидаги илмий фаолияти «қониқарсиз» деб баҳоланган Институт ходим ва хизматчиларини эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш ёки лавозимида қолдириш масаласи Институт кенгаши қарори асосида ҳал этилади.

43. Институт бошлиғининг буйруғига (Институт бошлиғи учун Ўзбекис-



тон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғига) мувофиқ Институт илмий таркибига баҳолаш натижалари асосида қуйидаги миқдорда бир йил давомида ҳар ойлик қўшимча якка тартибдаги устама Вазирлик ва Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тенг миқдорда молиялаштирилган ҳолда тўланади:

фаолияти «аъло» деб баҳоланган илмий таркибга пул таъминотининг (меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг) 50 фоизи миқдориди;

фаолияти «яхши» деб баҳоланган илмий таркибга пул таъминотининг (меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг) 35 фоизи миқдориди;

фаолияти «қониқарли» деб баҳоланган илмий таркибга пул таъминотининг (меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг) 20 фоизи миқдориди.

Фаолияти «қониқарсиз» деб баҳоланган илмий таркибга қўшимча якка тартибдаги устама тўланмайди.

44. Институт фаолиятини ривожлантиришга ҳисса қўшган давлат ҳокимияти ва бошқарувчи органлари ходимлари, хорижий ва халқаро ташкилотлар вакиллари Институт бошлиғи томонидан Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан рағбатлантирилиши ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланиши мумкин.

### 7-боб. Яқунловчи қоидалар

45. Институтнинг халқаро ҳамкорлиги халқаро ёки хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик меморандум (битим)ларини тузиш, илмий хизмат сафарларини ташкил этиш ва ҳамкорлик дастурларини амалга ошириш орқали қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

46. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги халқаро ёки хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик тўғрисида меморандум (битим)лар тузиш ҳамда ҳамкорлик дастурларини амалга оширишда ва хорижий грантларни олишда Институтга кўмаклашади.

47. Институтнинг халқаро ёки хорижий ташкилот билан ҳамкорлик тўғрисидаги меморандуми (битими) қуйидаги тартибда тузилади:

халқаро ёки хорижий ташкилот билан ҳамкорлик тўғрисида меморандум (битим) тузиш учун тўғридан-тўғри музокаралар олиб борилади;

музокаралар натижасига кўра меморандум (битим) лойиҳаси ишлаб чиқилади ва манфаатдор давлат органлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан белгиланган тартибда келишилади;

келишилган ва ҳамкорликда ишланган меморандум (битим) имзоланади.

48. Институт делегациясининг халқаро ёки хорижий ташкилотга илмий хизмат сафари қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Институт халқаро ёки хорижий ташкилот билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш орқали хизмат сафарининг мақсади, вазифалари, муддати ва бошқа ташкилий жиҳатлари ишлаб чиқилади;

Институт делегацияси таркиби ва унинг хизмат сафарига юборилиши Вазирлар Маҳкамаси билан белгиланган тартибда келишилади, ташкилий



ҳамда бошқа масалалар масъул давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда ишланади;

Институт делегациясини хизмат сафарига юбориш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи қабул қилинади;

Институт делегациясининг хизмат сафари натижалари бўйича таклифларни ўз ичига олган ҳисобот Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритилади.

49. Ушбу Низомда назарда тутилмаган Институт фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ички идоравий ҳужжатлар билан белгиланади.

50. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил 24 июлдаги 445-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## Криминология соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш МЕТОДИКАСИ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Методика криминология соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти (кейинги ўринларда — Институт) криминология соҳаси бўйича таянч илмий ташкилот ҳисобланади ҳамда криминологик фаолиятни экспертлик ва илмий таъминлаш ишларини ваколати доирасида мувофиқлаштиради.

3. Ушбу Методикада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**«E-kriminologiya.uz» ахборот тизими** — жиноятчилик тенденцияларини комплекс илмий таҳлил ва прогноз асосида ҳамда жиноятчилик омилларини комплекс илмий диагноз асосида аниқлаш, шунингдек, криминологик фаолиятга жорий этилган илмий ишланмаларни эълон қилиб бориш ва Институт фаолиятини рақамлаштиришга мўлжалланган мустақил ахборот тизими;

**жиноятчилик омиллари** — жиноятларнинг содир этилишига таъсир кўрсатган (сабаб бўлган, имкон берган, кўмаклашган, шарт-шароит яратган) ижтимоий, иқтисодий, психологик, маънавий-маърифий, ҳуқуқий, тиббий ва ташкилий ҳолатлар мажмуи;

**жиноятчилик тенденциялари** — жиноятларнинг миқдор ҳамда сифат ўзгаришларини ифодаловчи кўрсаткичлар (жиноятчилик ҳолати, даражаси, тузилиши ва географияси);

**криминологик фаолият** — жамоат хавфсизлиги соҳасининг мустақил фаолият тури бўлиб, жиноятчилик тенденциялари ва омилларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш орқали жамият манфаатларини жиноятчиликка доир таҳдидлардан ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

яқунланган жиноят ишлари (терговга қадар текширув материаллари) — суднинг ҳукми (ажрими) қонуний кучга кирган ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида қарор чиқарилган жиноят ишлари (жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарор чиқарилган терговга қадар текширув материаллари).

4. Институт суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотлари ошкор қилинишининг олдини олиш мақсадида жиноятчилик тенденцияларини комплекс илмий таҳлил ва прогноз асосида ҳамда жиноятчилик омилларини комплекс илмий диагноз асосида аниқлаш чора-тадбирларини жиноят иши бўйича суднинг ҳукми ёки ажрими қонуний кучга киргандан кейин ёхуд жиноят ишини тугатиш (жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш) тўғрисидаги қарор чиқарилгандан кейин амалга оширади.

5. Жиноятчилик тенденцияларини комплекс илмий таҳлил ва прогноз асосида ҳамда жиноятчилик омилларини комплекс илмий диагноз асосида аниқлашда фойдаланиш учун яқунланган жиноят ишларига (терговга қадар текширув материалларига) доир зарур ҳужжатлар суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларнинг ахборот тизимларини («Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика» ахборот тизими, «Электрон суриштирув ва дастлабки тергов» ягона ахборот тизими ва бошқа ахборот тизимларини) «E-kriminologiya.uz» ахборот тизимига интеграция қилиш орқали ушбу ахборот тизимида жамланади.

6. Институтга «Криминологик тадқиқотлар давлат ҳисоботи»ни тайёрлашда фойдаланиш учун ҳар йил декабрь ойида:

илмий ва олий таълим муассасалари — криминология соҳаси бўйича чоп этилган илмий, услубий ва ўқув адабиётлари нусхаларини;

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги — олий таълим муассасалари битирувчи курси магистрлари ва докторантлари сони (олий таълим муассасалари кесимида) ва олий таълим муассасалари рўйхатини;

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси — «12.00.15 — Криминология» ихтисослиги бўйича бажарилган фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) диссертациялари рўйхатини;

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги — давлат илмий муассасалари рўйхати ва криминология соҳаси бўйича бажарилган илмий-тадқиқот лойиҳалари рўйхати (ижрочи ташкилот кесимида) ҳамда тадқиқот ҳисоботлари нусхасини тақдим этади.

## **2-боб. Криминология соҳасида диссертация тадқиқотлари бажарилишини ташкил этиш**

7. «12.00.15 — Криминология» ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) диссертациялари Ўзбекистон Республикаси Кри-

минология кенгаши томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ буюртма асосида илмий ва олий таълим ташкилотларида бажарилади. Бунда магистр даражасига (магистрга тенглаштирилган даражага) эга шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда илмий ёки олий таълим ташкилотига таянч докторант, докторант ёки мустақил изланувчи сифатида қабул қилинади ва «12.00.15 — Криминология» ихтисослиги бўйича диссертация тадқиқотини бажаради.

8. Ўзбекистон Республикаси Криминология кенгаши томонидан тасдиқланган диссертация тадқиқотлари мавзулари рўйхати ҳар чорак якунида Институтнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

9. Тадқиқотчиларнинг «12.00.15 — Криминология» ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) диссертациялари мавзулари ва диссертациялари ҳимоялари ҳақидаги эълонлар «Криминология янгиликлари» илмий тўпламида чоп этилади.

10. Институт ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи муассасалараро илмий кенгаш, унинг қошидаги илмий семинар Ўзбекистон Республикаси Криминология кенгаши назорати остида фаолият кўрсатади.

11. Тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш, тадқиқот натижаларини ягона платформа доирасида самарали апробациядан ўтказиш ва комплекс тизимлаштириб бориш мақсадида «12.00.15 — Криминология» ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) диссертациялари, криминология соҳасида ташаббус ва буюртма асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳаларининг натижалари асосида тайёрланган мақолалар «Криминологик фаолият» илмий-амалий журналида, тезислар Институт томонидан ўтказиладиган республика конференцияси ҳамда халқаро форум материаллари тўпламида чоп этилади.

12. «12.00.15 — Криминология» ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси унинг натижалари бўйича тайёрланган 6 та илмий ишланма, фан доктори (DSc) диссертацияси унинг натижалари бўйича тайёрланган 12 та илмий ишланма криминологик фаолият амалиётига жорий этилганлиги ҳақида белгиланган тартибда хулоса берилганидан сўнг Институт ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи муассасалараро илмий кенгашга тақдим этилади.

«12.00.15 — Криминология» ихтисослиги бўйича бажарилган фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) диссертациялари натижаларининг жорий этилганлиги ҳақида ушбу Методика талабларига мувофиқ расмийлаштирилмаган ҳужжатлар диссертация ишини ҳимоя қилишда инobatга олинмайди.

### **3-боб. Криминология соҳасида ташаббус ва буюртма асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳаларини бажариш**

13. Криминология соҳасида ташаббус ва буюртма асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини

илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 15 январдаги ПФ–10-сон Фармони, «Криминология соҳасида илмий-амалий тадқиқот ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 15 январдаги ПҚ–22-сон қарорида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14. Криминология соҳасида буюртма асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишда қўйидаги давлат органлари буюртмачилар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари.

15. Криминология соҳасида ташаббус ва буюртма асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳалари амалга оширилишини молиялаштириш миқдорини белгилашда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бюджети маблағлари ҳисобига давлат илмий дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари ҳамда 2020 йил 9 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси тўғрисидаги низомнинг 81-бобида (9012-9013-бандлар бундан мустасно) белгиланган қоидалар инobatга олинади (бунда коллегиял орган Институт кенгаши ҳисобланади).

16. Институт ушбу Методикага 1-2-иловаларга\* мувофиқ криминология соҳасида ташаббус ва буюртма асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳаларини бажаради.

Институт томонидан криминология соҳасида ташаббус ва буюртма асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳаларини бажаришда ушбу соҳада илмий

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳамижрочи ташкилот сифатида жалб этилиши мумкин.

Мутахассисларнинг криминология соҳасида ташаббус ва буюртма асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳаларини бажариш бўйича илмий-тадқиқот гуруҳлари таркибида иштирок этган даври уларнинг меҳнат стажига (илмий стажига) қўшилади.

17. Криминология соҳасида ташаббус ёки буюртма асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳаси талабномасида лойиҳанинг мавзуси, тури, бажариш муддати, молиялаштириш ҳажми ва манбаси, тадқиқотнинг мақсади, методлари, вазифалари ва уларни бажариш бўйича календарь режа, ижрочи ва ҳамижрочи ташкилотлар, илмий-тадқиқот гуруҳи таркиби, лойиҳа бўйича харажатлар сметаси, ижрочи ташкилот, ҳамижрочи ташкилот (мавжуд бўлса) ҳамда лойиҳа раҳбарининг мажбуриятлари баён этилади.

Бунда лойиҳа бўйича харажатлар сметаси (лойиҳани амалга ошириш харажатлари) илмий-тадқиқот гуруҳига иш ҳақи тўлови, ягона ижтимоий тўлов, тадқиқот учун зарур илмий-техник воситалар, материаллар ва китобларни сотиб олиш, илмий хизмат сафари ва хорижий тил бўйича таржимонлик хизматидан фойдаланганлик учун тўлов, ҳамижрочи ташкилот устама харажатларидан иборат бўлади. Лойиҳа бўйича харажатлар сметасида бошқа харажатлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

18. Криминология соҳасида ташаббус ёки буюртма асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳасини бажариш бўйича илмий-тадқиқот гуруҳи таркиби ижрочи ташкилот ва ҳамижрочи ташкилот илмий таркиби, давлат органларининг илмий даражага эга бўлган ёки илмий ва (ёки) педагогик фаолият билан шуғулланаётган ходимлари ҳисобидан 3 — 7 кишидан иборат этиб шакллантирилади. Ушбу илмий-тадқиқот гуруҳига илмий даражага эга бўлган мутахассис раҳбарлик қилади.

Криминология соҳасида ташаббус ва буюртма асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳасининг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун ижрочи ва ҳамижрочи ташкилот ҳамда лойиҳа раҳбари масъул ва жавобгар ҳисобланади.

19. Институт криминология соҳасида ташаббус ёки буюртма асосидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳалари натижаларини Ўзбекистон Республикасининг «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда тижоратлаштириши мумкин.

#### **4-боб. Институтнинг илмий таклифлари бўйича ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар томонидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш**

20. Институтнинг илмий таклифлари илмий мақола, ахборот-таҳлилий ҳужжат, чора-тадбирлар дастури, «йўл харитаси» ёки бошқа ҳужжат лойиҳаси шаклида расмийлаштирилади.

21. Институт кенгаши томонидан маъқулланган Институтнинг илмий таклифлари криминологик фаолият амалиётига жорий этиш (қонунчилик ва

ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш) учун Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органларга расман тақдим этилади.

22. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар Институтнинг илмий таклифларини криминологик фаолият амалиётига жорий этиш бўйича ўз ваколатлари доирасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширади:

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга, шунингдек, аҳолида жиноятчиликка нисбатан муросасиз муносабатда бўлишни шакллантиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирларини ташкил этади;

жиноятчиликнинг салбий тенденциялари ва омилларини бартараф этиш бўйича идоравий чора-тадбирлар дастурларини («йўл харита»ларини) ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда жиноятчилик салбий тенденциялари ва омилларини бартараф этиш бўйича қўшма чора-тадбирларни амалга оширади;

криминологик фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўлиқ ва самарали ижросига тўсқинлик қилаётган тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чораларни кўради;

зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни самарали амалга оширишига салбий таъсир кўрсатаётган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш чораларини кўради.

23. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар томонидан зарур ҳолларда, Институтнинг илмий таклифлари тажриба тариқасида синовдан ўтказилиши мумкин. Бунда Институтнинг илмий таркиби илмий таклифларни криминологик фаолият амалиётига жорий этиш жараёнида экспертлик ёрдамини кўрсатади.

24. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар Институтнинг илмий таклифлари криминологик фаолият амалиётига жорий этилганлиги, шу жумладан, илмий таклифлар жорий этилгандан сўнг эришилган натижалар ҳақида Институтга ёзма маълумот тақдим этади. Ушбу маълумот асосида Ўзбекистон Республикаси Криминология кенгаши илмий ишланманинг криминологик фаолият амалиётига жорий этилганлиги ҳақида хулосани расмийлаштиради ва муаллифга тақдим этади.

Илмий ишланмани криминологик фаолият амалиётига жорий этилганлиги ҳақидаги хулоса «E-criminologiya.uz» ахборот тизимида Ўзбекистон Республикаси Криминология кенгашининг бланкасида расмийлаштирилади ва ушбу кенгаш раиси томонидан имзоланади.

25. Институт кенгаши илмий котиби илмий ишланмани криминологик фаолият амалиётига жорий этилганлиги ҳақидаги хулосаларнинг ҳисобини тизимли равишда юритиш учун масъул ҳисобланади.

**5-боб. «Жамоат хавфсизлиги бўйича ташаббус индекси»  
(i-indeks)ни юритиш**

26. «Жамоат хавфсизлиги бўйича ташаббус индекси» (i-indeks) Ўзбекистон Республикаси Криминология кенгаши томонидан «E-kriminologiya.uz» ахборот тизимида юритилади.

27. «Жамоат хавфсизлиги бўйича ташаббус индекси» (i-indeks) қуйидаги тартибда ҳисобланади:

криминология соҳаси бўйича ишлаб чиқилган илмий таъриф учун 0,6 балл;  
криминология соҳаси бўйича ишлаб чиқилган илмий тасниф учун 0,4 балл;  
криминология соҳаси бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф учун 0,2 балл

берилади.

Илмий таъриф, тасниф ва таклифлар ҳаммуаллифликда тайёрланган бўлса, белгиланган балл муаллифлар ўртасида тенг тақсимланади.

28. «Жамоат хавфсизлиги бўйича ташаббус индекси» (i-indeks) илмий ишланмани криминологик фаолият амалиётига жорий этилганлиги ҳақидаги ҳулосаларда қайд этилган илмий таърифлар, таснифлар ва таклифлар асосида ҳисобланади.

**6-боб. Яқунловчи қоидалар**

29. Институтнинг «Жиноятчилик омиллари давлат ҳисоботи», «Жиноятчилик тенденциялари давлат ҳисоботи», «Криминологик тадқиқотлар давлат ҳисоботи» Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 808-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Очiq маълумотлар портали тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Очiq маълумотлар порталида эълон қилиб борилади.

«Жиноятчилик омиллари давлат ҳисоботи», «Жиноятчилик тенденциялари давлат ҳисоботи», «Криминологик тадқиқотлар давлат ҳисоботи»га давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар, шунингдек, шахсга доир маълумотлар киритилмайди.

30. Мазкур Методика талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил 24 июлдаги 445-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 июлдаги 354-сон қарори  
билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар  
органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзоларини  
ижтимоий ҳимоя қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 49-банднинг учинчи хатбошисидаги «худудий ички ишлар органларида» сўзлари «худудий ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институтида» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 117-банд «худудий ички ишлар органлари» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти» сўзлари билан тўлдирилсин.

3. 168-банднинг биринчи хатбошисидаги «ички ишлар органлари ва ҳарбий тузилмаларда» сўзлари «ички ишлар органлари, ҳарбий тузилмалар ва Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институтида ташкил этиладиган» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 177-банднинг иккинчи хатбошиси «ички ишлар органлари,» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти,» сўзлари билан тўлдирилсин.

5. 183-банднинг биринчи хатбошиси «худудий комиссияларига» сўзларидан кейин «ёхуд Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институтида ташкил этиладиган худудий комиссияга» сўзлари билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**257** Бадий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бадий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш тўғрисида» 2024 йил 4 июндаги ПҚ–205-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 июндаги ПҚ–205-сон қарорига мувофиқ Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот таъсис этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Бадий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Бадий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофотга ҳужжатларни тақдим этиш, уларни кўриб чиқиш, голибларни аниқлаш тартиби;

халқаро мукофот бериладиган йўналишлар;

Ўзбек бадий таржима мактабини ривожлантириш ҳамда халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлган таржима асарлар учун рағбатлантирувчи мукофотлар бериш.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Б. Махкамова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 24 июль,  
451-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 25 июлда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил 24 июлдаги 451-сон қарорига  
ИЛОВА

**Бадий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Огаҳий  
номидаги халқаро мукофот тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом бадий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот (кейинги ўринларда — Халқаро мукофот) учун ҳужжатларни тақдим этиш, уларни кўриб чиқиш, ғолибларни аниқлаш ва тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Халқаро мукофот ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини хорижий тилларга, жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фаол ижод қилаётган моҳир таржимонларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, бадий таржиманинг савиясини янада ошириш ҳамда мамлакатимизда адабиёт ва китобхонликни кенг оммалаштириш мақсадида жорий этилади.

3. Халқаро мукофот ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини хорижий тилларга, чет эл адабиётининг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилган таржимон ёки таржимонлар гуруҳига берилади.

Бунда асар яратилган тилдан бевосита амалга оширилган таржима асарларга аҳамият қаратилади.

Халқаро мукофот Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам берилади.

4. Халқаро мукофот танловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, бу борадаги ташкилий-молиявий масалаларни ҳал этиш, шунингдек, ушбу Низомга мувофиқ Халқаро мукофот ғолибларини аниқлаш ва тақдирлаш бўйича қарорлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 июндаги ПҚ–205-сон қарори билан тузилган Бадий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) томонидан қабул қилинади.

Кенгаш қарорлари Кенгаш йиғилишининг баёни билан расмийлаштирилади ва Кенгаш раиси ёки йиғилишга раислик қилган Кенгаш раисининг ўринбосари томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Кенгашнинг ишчи органи (кейинги ўринларда — Ишчи орган) ҳисобланади.

5. Халқаро мукофот учун танлов икки йилда бир марта ўтказилиб, ғолибларга Халқаро мукофотни тантанали топшириш санаси Кенгаш томонидан белгиланади.

6. Қуйидагилар Халқаро мукофот бериладиган йўналишлар ҳисобланади: ўзбек адабиётининг насрий асарларидан хорижий тилларга қилинган энг яхши таржима;

ўзбек адабиётининг шеърий асарларидан хорижий тилларга қилинган энг яхши таржима;

ўзбек болалар адабиёти намуналаридан хорижий тилларга қилинган энг яхши таржима;

хорижий тилларда яратилган насрий асарлардан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржима;

хорижий тилларда яратилган шеърий асарлардан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржима;

хорижий тилларда яратилган болалар адабиёти намуналаридан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржима.

Драматургияга оид таржима асарлар унинг жанрига мос равишда ушбу бандда кўрсатилган йўналишлар асосида кўриб чиқилади.

## **2-боб. Халқаро мукофотга ҳужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш тартиби**

7. Халқаро мукофот танловига талабгорларнинг (кейинги ўринларда — талабгорлар) ҳужжатларини қабул қилишни бошлаш ва яқунлаш санаси ҳамда унинг тартиби ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Халқаро мукофот танловига ҳужжатларни тақдим этиш тартиби Ишчи орган томонидан белгиланади.

8. Талабгорларнинг ҳужжатлари Халқаро мукофот танлови ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон берилган санадан бошлаб уч ой давомида Ишчи орган томонидан қабул қилинади.

9. Халқаро мукофот танловига Халқаро мукофот танлови ҳақидаги эълон берилган санадан бошлаб ўтган беш йил ичида китоб холида чоп этилган ёки босма даврий ва электрон адабий нашрларда эълон қилинган таржима асарлар қабул қилинади.

10. Халқаро мукофот танловига таржима асарлар қуйидаги йўналишлар бўйича белгиланган ҳажмдан кам бўлмаган миқдорда қабул қилинади:

ўзбек адабиётининг насрий асарларидан хорижий тилларга қилинган энг яхши таржима — камида ўн босма табоқ;

ўзбек адабиётининг шеърий асарларидан хорижий тилларга қилинган энг яхши таржима — камида беш босма табоқ;

ўзбек болалар адабиёти намуналаридан хорижий тилларга қилинган энг яхши таржима — камида беш босма табоқ;

хорижий тилларда яратилган насрий асарлардан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржима — камида ўн босма табоқ;

хорижий тилларда яратилган шеърий асарлардан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржима — камида беш босма табоқ;

хорижий тилларда яратилган болалар адабиёти намуналаридан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржима — камида беш босма табоқ.

11. Қуйидаги талаблар асосида таржима асарлар Халқаро мукофот танловига қабул қилинади:

ўзбек халқининг қадимий тарихи, бебаҳо қадрият ва анъаналари, ўзига

хос ҳаёт тарзи, олижаноб фазилатлари юқори бадий савияда акс эттирилган, миллий адабиётимиз хазинасидан муносиб жой олган асарларнинг чет тилларга таржималари;

умуминсоний қадрият ва ғоялар тараннум этилган, дунё адабиётида эътироф этилган, юқори бадий савияга эга хорижий асарларнинг ўзбек тилига таржимаси;

асарнинг мазмуни ва услубини, бадий ўзига хослигини тўла сақлаган ҳолда юксак маҳорат билан амалга оширилган таржималар;

адабий жамоатчилик орасида алоҳида эътироф этилган асарларнинг юксак савияли таржимаси.

12. Халқаро мукофот танловига таржимон ёки таржимонлар гуруҳи томонидан ҳаммуаллифликда амалга оширилган таржима асарлар қабул қилинади.

13. Халқаро мукофот танловига таржима асарлар таржимоннинг ўзи ёки таржимонлар гуруҳи, адабий-илмий ташкилотлар ва нашриётлар томонидан тақдим этилади.

14. Ишчи орган:

ушбу Низомга ва ҳужжатларни қабул қилиш тартибига мувофиқ Халқаро мукофотга тавсия этилган талабгорларнинг ҳужжатларини, шу жумладан, бир нусхадаги таржима асарни қабул қилади;

Халқаро мукофотга тавсия этилган талабгорларнинг фаолияти ва уларнинг таржима асарларини кўриб чиқиб, улар ҳақидаги маълумотларни шакллантиради;

Халқаро мукофотга тавсия этилган таржима асарлар, шу билан бирга, талабгорларнинг ижодий фаолияти муҳокама қилиниб, ҳолисона баҳоланишига кўмаклашади;

Халқаро мукофотга тавсия этилган талабгорларнинг ҳужжатлари, шу жумладан, таржима асарларни тегишли идора ва ташкилотларга таклиф-мулоҳазаларини билдириш учун тақдим этиши мумкин.

15. Қуйидаги йўналишлар бўйича Ишчи орган малакали мутахассис ва ижодкорлардан иборат таркибда ишчи гуруҳлар фаолиятини йўлга қўяди:

ўзбек адабиётининг насрий асарларидан хорижий тилларга ҳамда хорижий тилларда яратилган насрий асарлардан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржима асарлар бўйича;

ўзбек адабиётининг шеърий асарларидан хорижий тилларга ҳамда хорижий тилларда яратилган шеърий асарлардан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржима асарлар бўйича;

ўзбек болалар адабиётидан хорижий тилларга ҳамда чет эл болалар адабиётидан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржима асарлар бўйича.

16. Ишчи гуруҳлар таркиби Кенгаш раисининг ўринбосари — Ишчи орган раҳбари томонидан тасдиқланади.

Ишчи гуруҳлар аъзолари Ишчи орган томонидан белгиланган тартибда ва миқдорда моддий рағбатлантирилади.

Ишчи гуруҳлар аъзоларини моддий рағбатлантириш билан боғлиқ харажатлар Халқаро мукофотнинг харажатлар сметасида назарда тутилади.

17. Ишчи гуруҳлар Халқаро мукофотга тақдим этилган ҳужжатларни, шу жумладан, таржима асарларни кўриб чиқиб, хулосалар тайёрлайди ҳамда Ишчи органга тақдим этади.

18. Ишчи орган ишчи гуруҳлар хулосалари асосида ҳужжатларни расмийлаштиради, Кенгаш йиғилишининг баёни лойиҳасини тайёрлайди ҳамда кўриб чиқиш учун Кенгашга киритади.

19. Ишчи гуруҳларнинг хулосалари ошкор этилмайди.

20. Кенгаш Ишчи орган томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Халқаро мукофот ғолибларини аниқлаш бўйича қарор қабул қилади.

21. Кенгаш, истисно тариқасида, ўзбек бадиий таржима мактабини ривожлантириш ҳамда халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжихатлик ришталарини мустаҳкамлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлган таржима асарлар учун рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам бериши мумкин.

Рағбатлантирувчи мукофотларнинг бир марталик пул мукофоти миқдори ва молиялаштирилиши Кенгаш томонидан белгиланади.

22. Халқаро мукофот ғолиблари рўйхати оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

23. Халқаро мукофот ғолибларининг ҳар бири махсус диплом, кўкрак нишони ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 баравари миқдорида бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади.

24. Кенгаш талабгорлар орасида тегишли йўналиш бўйича Халқаро мукофот талабларига мос келувчи номзодлар мавжуд эмас деб топса, ўша йўналишдаги Халқаро мукофот топширилмайди.

25. Халқаро мукофот бир шахсга икки марта берилмайди.

26. Кенгаш ёки ишчи гуруҳлар аъзолари Халқаро танловга ўзининг таржима асарларини тақдим этган йилда Кенгаш ёки ишчи гуруҳларидаги фаолиятини тўхтатиб туради.

### **3-боб. Яқунловчи қоидалар**

27. Халқаро мукофотга тақдим этилган ҳужжатлар, шу жумладан, таржима асарлар қайтарилмайди.

28. Ишчи орган Халқаро мукофотга тақдим этилган ҳужжатларни, шу жумладан, таржима асарларни ҳамда Халқаро мукофотга оид тегишли бошқа ҳужжатларнинг ҳисобини юритади ҳамда уларнинг белгиланган муддат давомида сақланишини таъминлайди.

29. Халқаро мукофот ғолибларини тантанали тақдирлаш маросимини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, ғолиблар учун пул мукофотлари, ғолибларнинг мукофотни олиш учун хориждан келиш-кетиши, меҳмонхонада яшаш харажатлари Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасининг харажатлар сметаси бўйича Ёзувчилар уюшмасига ажратиладиган маблағлар, ташкилотчилар маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

Халқаро мукофот топшириладиган йилда унинг харажатлари учун Ишчи орган томонидан тақдим этилган ҳисоб-китоблар асосида Маънавият ва

ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасининг харажатлар сметасида қўшимча маблағ ажратиш назарда тутилади ҳамда ушбу маблағ Ёзувчилар уюшмасига ўтказиб берилади.

30. Халқаро танловнинг чет эллик ғолибларига пул мукофотлари мукофот жамғармасига тенг эквивалентда хорижий валютада тўланиши мумкин.

31. Халқаро мукофотнинг харажатлар сметаси Кенгаш томонидан тасдиқланади.

32. Халқаро мукофот билан тақдирланган таржима асарларни кенг оммалаштириш ҳамда уларнинг таржимонлари билан фаол ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиш чора-тадбирлари кўрилади.



**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING  
BUYRUG‘I****258 O‘zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti  
(15-sonli BHS) “Xizmat ko‘rsatish bo‘yicha konsessiya  
kelishuvlari”ni tasdiqlash to‘g‘risida\***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
22-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3532*

O‘zbekiston Respublikasining Budget kodeksi, O‘zbekiston Respublikasining “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq va budget hisobini davlat sektorida moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari bilan muvofiqlashtirish maqsadida, **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti (15-sonli BHS) “Xizmat ko‘rsatish bo‘yicha konsessiya kelishuvlari” ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. Mazkur buyruq 2025-yil 1-yanvardan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir****D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 4-iyun,  
129-son

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 22-iyulda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil  
4-iyundagi 129-son buyrug'iga  
ILOVA

## **O'zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti (15-sonli BHS) “Xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvlari”**

Mazkur O'zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti (15-sonli BHS) “Xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvlari” (bundan buyon matnda Standart deb yuritiladi) budget tashkilotlari, davlat maqsadli va boshqa budgetdan tashqari jamg'armalar (bundan buyon matnda tashkilotlar deb yuritiladi) tomonidan xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvlari hisobini yuritish tartibini belgilaydi.

### **1-bob. Umumiy qoidalar**

1. Mazkur Standartda quyidagi asosiy tushunchalar qo'llaniladi:

**aktivlar** — tashkilot tomonidan boshqariladigan va kelgusida iqtisodiy manfaat yoki foydali potensial keltirishi kutilayotgan resurslar;

**konsedent** — operatorga xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuviga asosan o'z aktividan foydalanish huquqini beruvchi tashkilot;

**operator** — xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuviga asosan konsedentning aktividan foydalanish huquqini oluvchi xususiy sherik;

**xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvi** — konsedent va operator o'rtasidagi kelishuv hisoblanib, unga ko'ra konsedentning aktivlaridan operator muayyan davr mobaynida konsedent nomidan xizmatlarini ko'rsatish uchun xizmat ko'rsatish konsessiyasi aktivlaridan foydalanadi.

2. Mazkur Standartning maqsadi konsedent tomonidan xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvlarini hisobga olish tartibini belgilashdan iborat.

3. Tashkilotlar xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvlarini hisobga olishda va moliyaviy hisobotlarni tayyorlashda ushbu Standart talablariga amal qilishi kerak.

### **2-bob. Xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvidagi aktivlarni hisobga olish va baholash**

4. Xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvidagi aktivlar quyidagi hollarda hisobga olinadi:

konsedent operator tomonidan ko'rsatiladigan xizmatlarni bajarishni, kimga va qanday narxlarda xizmatlar ko'rsatishni nazorat qilganda yoki tartibga solganda;

konsedent xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvi tugagan taqdirda aktivlarning qoldiq qiymatiga egalik huquqini amalga oshirganda.

5. Mazkur Standartning 4-bandi ikkinchi xatboshisi xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvida foydalaniladigan aktivga uning to'liq foydali muddati davomida tatbiq etiladi.

6. Konsedent ushbu Standartning 4-bandiga asosan xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvidagi aktivlarni hisobga olishda ularni haqqoniy qiymati bo'yicha baholaydi.

7. Konsedent o'zining mavjud aktivlarini mazkur Standartning 4-bandiga muvofiq, hisobga olganda, ularni xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvi aktivi sifatida qayta tasniflaydi.

Qayta tasniflangan aktivlar moddiy aktivlar bo'lganda, ular O'zbekiston Respublikasi budget hisobining (8-sonli BHS) "Ko'chmas mulk, bino va jihozlar" (ro'yxat raqami 3144, 2019-yil 20-mart) standarti, nomoddiy aktivlar bo'lganda esa O'zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti (9-sonli BHS) "Nomoddiy aktivlar" (ro'yxat raqami 3169, 2019-yil 24-iyun) talablariga muvofiq hisobga olinadi.

### **3-bob. Majburiyatlarni moliyaviy hisobotda tan olish**

8. Konsedent xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvida majburiyatlarni moliyaviy hisobotda tan olishi kerak.

Bunda, konsedent mavjud aktivlarini ushbu Standartning 7-bandiga muvofiq, xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvi aktivlari sifatida qayta tasniflaganda, majburiyatlarni moliyaviy hisobotda tan olmaydi.

9. Konsedentning moliyaviy hisobotda tan olingan majburiyatlari baholanadi hamda konsedentdan operatorga yoki operatoridan konsedentga amalga oshirilgan qo'shimcha to'lov miqdorini hisobga olgan holda moliyaviy hisobotda aks ettiriladi.

10. Moliyaviy hisobotda tan olingan majburiyatlar konsedent va operator o'rtasidagi xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvi mazmuniga asoslanadi.

11. Konsedent operatorga xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvidan kelib chiqib quyidagi imkoniyatlarni yaratib berishi mumkin:

- a) uchinchi shaxslardan foyda olish;
- b) aktivlardan boshqa foyda keltiruvchi aktivlar sifatida foydalanish (masalan, poliklinika binosida aholiga bepul tibbiy xizmat ko'rsatiladigan qismi bilan bir vaqtda pullik xizmatlarni tashkil etish);
- d) to'lovlarni amalga oshirish.

### **4-bob. Moliyaviy majburiyat va huquqlarni operatorga berish**

12. Konsedent xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvi aktivini qurish, sotib olish yoki modernizatsiya qilish uchun operatorga pul ko'rinishida yoki boshqa moliyaviy aktivlarni berish ko'rinishida majburiyatga ega bo'lsa, konsedent majburiyatni mazkur Standartning 9-bandiga muvofiq, moliyaviy majburiyat sifatida moliyaviy hisobotda tan oladi.

13. Konsedentning xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvi aktivining qurilishi, modernizatsiyasi, sotib olinishi uchun operatorga pul to'lovini yoki boshqa moliyaviy aktivni berish bo'yicha majburiyati bo'lmasa, shuningdek, operatorga xizmatlardan foydalanuvchi uchinchi shaxslardan yoki daromad keltiruvchi aktivlardan foyda olish huquqini bersa, konsedent majburiyatni

mazkur Standartning 9-bandiga muvofiq, konsedent va operator o'rtasida aktivlar almashishdan hosil bo'luvchi daromad sifatida hisobga oladi.

14. Konsedent xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvi aktivining qurilishi, modernizatsiyasi, uning sotib olinishi bo'yicha qarzdorlikni moliyaviy majburiyat va operatorga huquqni berish orqali qisman to'lasa, umumiy qarzdorlikning har bir qismi 8-bandga muvofiq, alohida hisobga olinadi. Majburiyatning dastlab hisobga olingan umumiy summasi mazkur Standartning 9-bandida nazarda tutilgan miqdorga teng bo'lishi kerak.

15. Agar konsedent xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvida belgilangan yoki hisoblangan to'lovlarni hamda xizmatdan foydalanuvchilar tomonidan operatorga to'lanadigan to'lovlarni kafolatlagan bo'lsa, konsedent to'lovlar bo'yicha majburiyatni olgan bo'ladi.

16. Konsedent tomonidan operatorga to'lovlarning amalga oshirilishi mazkur Standartning 8-bandiga muvofiq tan olingan majburiyatni kamaytirsam, u holda to'lovlar moliyaviy xarajat va operator tomonidan ko'rsatilgan xizmatlar uchun xarajat sifatida taqsimlanadi.

17. Xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuviga ko'ra, operator tomonidan ko'rsatiladigan xizmatlar uchun to'lovlar mazkur Standartning 8-bandiga muvofiq, moliyaviy xarajatlarni sifatida hisobga oladi.

18. Konsedent aktivlarni moliyalashtirish va xizmat ko'rsatish to'lovlarini alohida qismlarga ajrata olish imkoniyatiga ega bo'lsa, ular bilan bog'liq xarajatlarni xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvida nazarda tutilgan miqdorga mos ravishda hisobga oladi.

Agarda konsedent aktivlarni moliyalashtirish va xizmat ko'rsatish to'lovlarini alohida qismlarga ajrata olish imkoniyatiga ega bo'lmasam, ular bilan bog'liq xarajatlarni tahlil qilish orqali aniqlab hisobga oladi.

19. Konsedent xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvining iqtisodiy mazmunidan kelib chiqqan holda daromadlarni moliyaviy hisobotda aks ettiradi va mazkur Standartning 14-bandiga muvofiq, moliyaviy hisobotda tan olingan majburiyatni kamaytiradi.

20. Konsedent operatorga xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvi bo'yicha uchinchi shaxslardan yoki aktivlardan foyda olish huquqini taqdim qilishi mazkur kelishuvni foyda keltiruvchi kelishuv sifatida qaralishini anglatadi.

Konsedent tomonidan operatorga berilgan huquqlar xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvi davri mobaynida amal qilishini inobatga olib, ushbu huquqlardan tushgan daromadlar moliyaviy hisobotlarda majburiyatlar sifatida aks ettiriladi.

Xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuviga ko'ra daromadlar tan olinishi bilan majburiyat kamayadi.

## **5-bob. Axborotni ochib berish**

21. Konsedent xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuviga oid ma'lumotlarni O'zbekiston Respublikasi budget hisobining (3-sonli BHS) "Budget hisoboti" (ro'yxat raqami 3124, 2019-yil 18-yanvar) standartiga muvofiq, moliyaviy hisobotlarda taqdim etadi.

22. Konsedent moliyaviy hisobot davrida xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvining quyidagi ma'lumotlarini oshkor qilishi lozim:

- a) predmeti haqidagi;
- b) qiymati to'g'risidagi;
- d) taraflarning huquq va majburiyatlari to'g'risidagi;
- e) taraflarning o'z majburiyatlari bajarilishini ta'minlash usullari, miqdorlari va muddatlari haqidagi;
- f) kelishuvga kiritilgan o'zgartish va qo'shimchalar to'g'risidagi;
- g) kelishuvning muddati, bu muddatni belgilash tartibi haqidagi;
- h) kelishuvni tugatish asoslari, tartibi va shartlari, muddatidan oldin tugatish tartibi haqidagi.

23. Mazkur Standartning 22-bandida belgilangan oshkor qilinishi lozim bo'lgan ma'lumotlar har bir xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvi bo'yicha alohida ko'rsatiladi.

Agar, xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvlari o'xshash xizmatlarni o'z ichiga olsa ular bir guruhda ko'rsatiladi.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**259** Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (17-сонли БҲМС) «Капитал қурилишнинг пудрат шартномалари»ни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
23 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3533*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (17-сонли БҲМС) «Капитал қурилишнинг пудрат шартномалари» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 2 ноябрда 58-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (17-сон БҲМС) «Капитал қурилишнинг пудрат шартномалари» (рўйхат рақами 579, 1998 йил 23 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 йил, 6-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 14 июнь,  
140-сон

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 24 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
14 июндаги 140-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий  
стандарти (17-сонли БҲМС) «Капитал қурилишнинг пудрат  
шартномалари»**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (17-сонли БҲМС) «Капитал қурилишнинг пудрат шартномалари» (бундан буён матнда Стандарт деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига асосан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини норматив тартибга солиш тизимининг бир қисми ҳисобланади.

2. Мазкур Стандартнинг мақсади капитал қурилишнинг пудрат шартномалари билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби услубиятини белгилашдан иборат. Капитал қурилишнинг пудрат шартномалари бўйича даромадлар ва харажатларнинг тақсимланиши пудрат шартномаларини ҳисобга олишдаги асосий масала ҳисобланади, чунки капитал қурилишнинг пудрат шартномаларини бажаришнинг бошланғич ва охириги муддатлари одатда ҳар хил ҳисобот даврларига тўғри келади. Капитал қурилишнинг пудрат шартномалари бўйича даромадлар ва харажатлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда даромадлар ва харажатлар сифатида акс эттирилиши лозим бўлган пайтни белгилаш учун ушбу Стандарт молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш қоидаларида (Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асосда (рўйхат рақами 3530, 2024 йил 12 июль) белгиланган мезонлардан фойдаланади.

3. Ушбу Стандарт капитал қурилишнинг пудрат шартномалари бўйича даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботларни тайёрлашда пудратчилар томонидан қўлланилади.

Мазкур Стандарт ўз эҳтиёжлари учун капитал қурилишни амалга ошираётган қурувчи ташкилотларга тааллуқли эмас, чунки улар бундай фаолиятдан даромад олмайдилар, улар қилган харажатларнинг ҳаммаси эса капиталлаштирилади.

4. Мазкур Стандартда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**капитал қурилиш учун пудрат шартномаси** (бундан буён матнда қурилиш пудрат шартномаси деб юритилади) — пудратчи буюртмачининг топшириғига кўра, қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини таваккал қилиб зиммасига оладиган, буюртмачи эса бажарилган ишни қабул қилиб оладиган ва ҳақини тўлайдиган шартномадир. Қурилиш пудрати шартномаси бир-бири билан мустақкам боғланган ёки уларни лойиҳалаш ва улардан фойдаланиш шартлари бўйича ўзаро боғлиқ бўлган битта объектни ёки объектлар гуруҳини қуриш мақсадида тузилиши мумкин. Бундан ташқари,



қурилиш пудрати шартномаларига объектларни қуриш билан бевосита боғлиқ бўлган хизматларни кўрсатиш ишлари киритилиши мумкин;

**қатъий белгиланган нархдаги қурилиш пудрати шартномаси** — тарафлар қурилиш ишларининг қатъий белгиланган нархига (қийматига) ёки ўзгарувчан нарх ҳақида қайд этган ҳолда бажарилган ишлар бирлигининг қатъий белгиланган ставкасига розилик билдирадиган шартномадир;

**келишилган нарх бўйича қурилиш пудрати шартномаси** — қурилиш ишларини бажариш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳақиқий харажатлар буюртмачи йўл қўядиган миқдорда, шу жумладан шартномада қайд этилган мукофот пули билан бирга пудратчига тўланадиган шартномадир.

## **2-боб. Қурилиш пудрати шартномалари гуруҳлари**

5. Мазкур Стандарт талаблари ҳар бир қурилиш пудрат шартномасига нисбатан алоҳида қўлланилади. Айрим ҳолатларда мазкур Стандартни пудрат шартномасининг ёки шартномалар гуруҳининг моҳиятини акс эттириш учун битта пудрат шартномасининг айрим қисмларига нисбатан ёки пудрат шартномасининг бутун бир гуруҳига нисбатан қўллаш зарур.

6. Агар бир вақтни ўзида бир неча объектга битта қурилиш пудрат шартномаси тузилаётган бўлса, у ҳолда ҳар бир объектнинг қурилишини алоҳида қурилиш пудрат шартномаси деб ҳисоблаш керак, бунда қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

ҳар бир объект бўйича қурилиш ишларининг шартномавий қийматига доир алоҳида таклиф мавжуд бўлиши;

ҳар бир объект бўйича келишувга эришилган бўлса ва пудратчида ҳам, буюртмачида ҳам айрим объектларни қабул қилиш ёки қабул қилишдан бош тортиш имконияти бор бўлиши;

даромадлар ва харажатлар ҳар бир объект бўйича белгиланганлиги.

7. Қурилиш пудрат шартномаси буюртмачининг хоҳишига қараб қўшимча объект қурилишини назарда тутиши ёки қўшимча объект қурилиши билан тўлдирилиши мумкин. Қўшимча объект қурилишини қуйидаги ҳолларда алоҳида шартнома деб ҳисоблаш керак, агар:

объект дастлабки шартномага киритилган объект ёки объектлардан лойиҳаси, технологияси ҳамда вазифалари билан тубдан фарқ қилса;

қўшимча объект учун шартномавий қиймат дастлабки шартнома бўйича шартномавий қийматни ҳисобга олмай келишилса.

## **3-боб. Қурилиш пудрат шартномалари бўйича даромадлар**

8. Қурилиш пудрат шартномасидан олинадиган даромад қуйидагиларни ўз ичига олади:

қурилиш ишларининг дастлабки шартномавий қийматини;

шартномани ўзгартиришдан даромадлар, даъволар бўйича даромадлар ва рағбатлантириш тўловларини.

9. Қурилиш пудрат шартномасидан даромад уни ҳисоблаш пайтидаги жорий қиймат бўйича аниқланади. Келгусидаги ишларнинг натижаларига

боғлиқ бўлган кўзда тугилмаган ишлар пудрат шартномасидан олинадиган даромаднинг ўзгаришига таъсир қилади.

10. Даъволар бўйича даромадлар бу пудратчи қурилиш пудрат шартномасини бузган буюртмачидан олиш ниятида бўлган суммадир.

11. Рағбатлантириш тўловлари пудрат шартномасида белгиланган ишларни бажарганда ёки ошириб бажарганда пудратчига тўланадиган қўшимча суммалардир. Рағбатлантириш тўловлари ҳисоблаш усули билан даромадга киритилади.

#### **4-боб. Қурилиш пудрат шартномалари бўйича харажатлар**

12. Қурилиш пудрат шартномаси бўйича харажатларга қуйдагилар кирди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, мазкур пудрат шартномаси билан боғлиқ бўлган бевосита харажатлар ҳамда пудрат шартномаси бўйича умумий қурилиш ишларига тааллуқли бўлган ва пудрат шартномаси бўйича тақсимланиши ва шартнома қийматида киритилиши мумкин бўлган билвосита харажатлар (устама харажатлар);

шартнома шартларига кўра харажатларни қоплаш кўзда тугилган тажриба-конструкторлик ишлари харажатлари каби қурилиш пудрат шартномаси шартлари бўйича буюртмачи томонидан қопланадиган харажатлар.

13. Қурилиш пудрат шартномаси бўйича амалга ошириладиган фаолият билан боғлиқ бўлмаган харажатлар (пудрат шартномаси шартларида қоплаб бериш белгиланмаган харажатлар) қурилиш пудрат шартномаси бўйича харажатлардан чиқариб юборилади.

#### **5-боб. Қурилиш пудрати шартномалари бўйича даромадлар ва харажатларнинг тан олиниши**

14. Пудратчи томонидан даромадлар ва харажатлар бухгалтерия балансини тузиш санасида пудрат бўйича қурилишни якунлаш даражасини ҳисобга олган ҳолда даромадлар ва харажатлар сифатида тан олиниши керак (яъни пудрат бўйича ишларни якунлаш даражасига қараб). Даромадлар ва харажатлар улар юзага келган ҳисобот даврларида тан олиниши керак.

15. Қатъий белгиланган нархдаги қурилиш пудрат шартномасининг натижаси қуйдаги барча шартларга риоя этилганда баҳоланади, агар:

қурилиш пудрат шартномаси бўйича умумий даромадни баҳолаш мумкин бўлса;

пудратчи иқтисодий фойда олса;

қурилиш ишларини бажариш харажатлари ва фозини аниқлаш ва бухгалтерия балансига киритиш мумкин бўлса;

қурилиш пудрат шартномаси бўйича амалга оширилган харажатларни смета меъёрлари билан қиёслаш мумкин бўлса.

16. Келишилган нарх бўйича қурилиш пудрати шартномасининг натижаси қуйидаги барча шартларга риоя этилганда баҳоланади, агар:

пудратчи иқтисодий фойда олса;

қурилиш ишларини бажариш харажатлари ва фоизини аниқлаш ва бухгалтерия балансига киритиш мумкин бўлса.

17. Агар қурилиш пудрат шартномаси бўйича даромадга киритиб бўлинган ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириб бўлинган суммани олиш пайтида ноаниқлик юзага келадиган бўлса, у ҳолда олинмаган сумма ёки олиш эҳтимоли йўққа чиққан сумма қурилиш пудрат шартномаси бўйича даромад миқдорини тузатиш сифатида эмас, балки харажат сифатида ҳисобга олинади.

18. Қурилиш пудрат шартномаси бўйича бажарилган ишлар фоизи шартнома туридан келиб чиқиб қуйидаги усулларда аниқланади:

назорат ўлчовини ўтказиш орқали;

муайян санага бажарилган қурилиш ишлари бўйича харажатлар миқдорини шартнома бўйича умумий смета харажатларига солиштириш орқали;

қурилиш пудрат шартномаси бўйича ишларнинг жисмоний (физик) қисми яқунлаганлигини текшириш орқали.

Буюртмачидан олинган оралиқ тўловлар ва бўнак тўловлари бажарилган ишлар даражасини акс эттирмайди.

19. Қурилиш пудрат шартномаси бўйича натижани ишончли тарзда аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолларда:

даромад қурилиш пудрат шартномаси бўйича қилинган харажатлар қопланиши эҳтимоли бўладиган даражадагина тан олиниши керак;

қурилиш бўйича харажатлар, улар ҳақиқатда қилинган давр мобайнида бошланғич ҳисоб маълумотлари бўйича харажатлар сифатида тан олиниши керак.

### **6-боб. Кутилаётган зарарларни тан олиш**

20. Умумий харажатлар қурилиш пудрат шартномаси бўйича даромадлардан ошиб кетган ҳолларда кутилаётган зарарлар мазкур ҳисобот даври харажатлари сифатида тан олиниши керак.

Бундай зарарлар суммаси қуйидагилардан қатъий назар аниқланади:

пудрат шартномаси бўйича ишлар бошланган фактидан;

пудрат шартномаси бўйича ишларни бажариш фоизидан;

қурилиш пудратининг ягона даромади сифатида қаралаётган бошқа пудрат шартномалари бўйича кутилаётган жами даромад суммасидан.

### **7-боб. Маълумотларни ёритиб бериш**

21. Пудратчи молиявий ҳисоботларга изоҳлар қисмида қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши керак:

ҳисобот даврида ҳар бир қурилиш пудрат шартномаси бўйича даромад миқдорини;

ҳисобот даврида қурилиш пудрат шартномаси бўйича тан олинадиган даромадни аниқлашда фойдаланиладиган усулларни;

қурилиш пудратининг тугалланмаган шартномаси бўйича ишларнинг ба-жарилиш фоизи босқичини аниқлашда фойдаланиладиган усулларни.

Қурилиш пудрат шартномалари бўйича даромадлар ва харажатларни баҳолаш методларидаги ўзгаришлар ҳам ҳисобот давридаги ва кейинги давр-лардаги молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинадиган ҳи-соб-китоб баҳолашларидаги ўзгаришлар каби ёритиб берилиши керак.

22. Ҳисобот санасига тугалланмаган қурилиш пудрат шартномалари бўйича пудратчи қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши керак:

ҳақиқатда қилинган харажатларнинг ва тан олинган даромаднинг (тан олинган зарарларни чиқариб ташлаган ҳолда) жами суммасини;

олдидан тўлов бўйича олинган суммани;

ушлаб қолинган суммани.

23. Пудратчи молиявий ҳисоботларда қуйидагиларни акс эттириши ке-рак:

қурилиш ишлари бўйича буюртмачиларнинг дебиторлик қарзларини;

қурилиш ишлари бўйича буюртмачиларнинг кредиторлик қарзларини.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**260** Наслдор эркак ҳайвонларни текшириш ва баҳолаш тартиби  
тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2585-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 5 сентябрдаги 449-сон «Наслчилик хўжалиги мақомини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2014 йил 28 апрелдаги 101-сон буйруғи (рўйхат рақами 2585, 2014 йил 16 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 241-модда) билан тасдиқланган Наслдор эркак ҳайвонларни текшириш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**И. АБДУРАҲМОНОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 24 июнь,  
16-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 25 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил  
24 июндаги 16-сон буйруғига  
ИЛОВА

### **Наслдор эркак ҳайвонларни текшириш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Мазкур Низом наслдор эркак ҳайвонларни текшириш ва баҳолаш тартибини белгилайди.»
2. 1-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
**«наслчилик хўжалиги** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 5 сентябрдаги 449-сон қарори билан тасдиқланган Наслчилик хўжалиги мақомини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига мувофиқ наслчилик хўжалиги мақомига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар;».
3. 39-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«39. Баҳолаш ва текшириш натижаларига мувофиқ подани яхшиловчи деб топилган наслдор эркак ҳайвонлар ҳақидаги маълумотлар Давлат наслдор ҳайвонлар китобларига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига тақдим этилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**261** Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (10-сонли БҲМС) «Давлат ёрдамнинг ҳисоби ва у тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш»ни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3534*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (10-сонли БҲМС) «Давлат ёрдамнинг ҳисоби ва у тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 19 октябрда 52-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (10-сон БҲМС) «Давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдами тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш» (1998 йил 3 декабрь, рўйхат рақами 562) (Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 й., 6-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 14 июнь,  
136-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 25 июлда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
14 июндаги 136-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий  
БҲМСи (10-сонли БҲМС) «Давлат ёрдамнинг ҳисоби ва  
у тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш»**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (бундан буён матнда БҲМС деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига асосан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини норматив тартибга солиш элементи бўлиб ҳисобланади.

2. Мазкур БҲМСнинг мақсади бюджет, банклар ва нобанк кредит ташкилотларидан ташқари мулкчилик шаклидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган юридик шахслар (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) томонидан олинган давлат ёрдами бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш тартибини белгилаш ҳисобланади.

3. Мазкур БҲМС қўйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

нархлар ўзгариши таъсирларини акс эттирадиган молиявий ҳисоботда ёки шунга ўхшаш хусусиятдаги қўшимча маълумотларда давлат ёрдами ҳисобга олишда юзага келадиган ўзига хос масалаларга;

солиқ солинадиган фойда ёки зарарни аниқлашда ёки фойда солиғи бўйича мажбурият суммаси асосида аниқланадиган ёки у билан чекланган, имтиёзлар тарзида ташкилотга тақдим этиладиган давлат ёрдамига;

ташкилотнинг устав фондида (капитали) давлатнинг иштирокига.

4. Мазкур БҲМСда давлат ёрдами деганда фойдаланиш учун ташкилот томонидан олинган бюджет субсидиялари, давлат грантлари ва мақсадли тушумлар тушунилади.

5. Мазкур БҲМСда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**активларга оид давлат ёрдами** — берилишининг асосий шarti давлат ёрдами олиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилот томонидан узоқ муддатли активларни сотиб олинишини, барпо этилишини ёки бошқа шаклларда харид қилинишини талаб этадиган давлат ёрдамидир. Бундай активлар турини ёки жойини ёки уларни харид қилиш ёки сақлаш муддатларини чегаралайдиган қўшимча шартлар киритилган бўлиши мумкин;

**даромадга оид давлат ёрдами** — активларга оид давлат ёрдамидан ташқари, бошқа ҳар қандай давлат ёрдами;

**бюджет субсидияси** — товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ва уларни реализация қилишни молиялаштириш ёки биргаликда молиялаштириш ёхуд мақсадли харажатларнинг ўрнини қисман қоплаш учун бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан юридик шахсларга бериладиган пул маблағлари;

**давлат гранти** — маълум мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан юридик шахсларга буюртмалар бўйича танлов асосида бериладиган пул маблағлари ва моддий ресурслар ҳисобланади;

**мақсадли тушумлар** — юридик шахснинг асосий фаолиятига тааллуқли маълум мақсадларга йўналтирилган ҳамда қабул қилиб олувчилар томонидан мақсадли фойдаланиладиган давлат томонидан бериладиган пул маблағлари ёки моддий ресурслар.

6. Ташкилот томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлашда давлат ёрдами ни олиш бўйича қуйидагилар аҳамиятли ҳисобланади:

агар давлат ёрдами бўйича ресурслар ташкилотга ўтказилган бўлса, мазкур ресурсларни ҳисобга олиш усули;

ҳисобот даври мобайнида ташкилот давлат ёрдамидан қай даражада наф олиши.

## **2-боб. Давлат ёрдамининг бухгалтерия ҳисоби услубиёти**

7. Ташкилот белгиланган талабларга мос эканлигига ва давлат ёрдамининг олинishiга етарлича ишонч ҳосил бўлмагунича давлат ёрдами тан олинмайди. Давлат ёрдами олиншининг ўзи у билан боғлиқ шартлар бажарилгани ёки бажарилиши бўйича ишончли далилни таъминламайди.

8. Давлат ёрдамини олиш шакли уни ҳисоботларда акс эттириш усулига таъсир қилмайди. Давлат ёрдами, у нақд шаклда ёки давлатга нисбатан мажбуриятларни камайтириш шаклида олинганлигидан қатъи назар, ҳисобга олинади.

9. Давлат ёрдамини жорий операциялар бўйича улар билан компенсация қилинадиган боғлиқ харажатларга мувофиқ даврларда тизимли равишда даромад сифатида тан олинishi керак.

10. Фойда солиғи ва бошқа солиқлар фойдадан келиб чиқиб ҳисоблашини инobatга олган ҳолда, давлат ёрдамини молия-бюджет сиёсатининг давоми сифатида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда кўриб чиқиш зарур.

11. Давлат ёрдамини мақсадли маблағлар сифатида тан олиш ҳисоблаш усули бўйича амалга оширилади.

Давлат ёрдами молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда давлат ёрдами талабларини бажариш билан боғлиқ харажатлар амалга ошириладиган ҳисобот даврлари мобайнида даромад сифатида тан олинади.

12. Амортизация қилинадиган активлар билан боғлиқ бўлган давлат ёрдами одатда ушбу активлар бўйича амортизация ҳисобланадиган ҳисобот даврлари мобайнида ва ҳисобланган амортизация миқдорларига мутаносиб равишда даромад сифатида тан олинади.

Муайян шартлар ва мажбуриятлар билан берилган амортизация қилинмайдиган активлар билан боғлиқ бўлган давлат ёрдами мазкур мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ харажатлар амалга ошириладиган даврлар мобайнида даромад сифатида тан олинади.

13. Амалга оширилган харажатлар ёки кўрилган зарарлар учун компенсация сифатида олиниши лозим бўлган ёхуд ташкилотга, келгусида у билан боғлиқ харажатлар амалга оширилмайдиган, зудлик билан молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида ажратиладиган давлат ёрдами у олиниши керак бўлган даврда, шунингдек фавқулодда вазиятлар бўйича моддалар сифатида даромад сифатида тан олинади.

14. Давлат ёрдами ташкилот томонидан олдинги даврда қилинган харажатлар ёки кўрилган зарарлар учун компенсация сифатида олиниши мумкин. Бундай давлат ёрдами у олиниши керак бўлган даврда фавқулодда вазиятлар бўйича модда сифатида даромад сифатида тан олинади ва молиявий ҳисоботларга изоҳларда унинг таъсири ёритиб берилади.

15. Давлат ёрдами ташкилот фойдаланиши учун ер ёки бошқа ресурслар каби номонетар активни ўтказиб бериш шаклида бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатларда одатда номонетар активнинг ҳаққоний қиймати аниқланади ва актив сифатида ҳам, давлат ёрдами сифатида ҳам ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олинади.

### **3-боб. Активларга оид давлат ёрдами ҳисоби**

16. Активларга оид давлат ёрдами, шу жумладан номонетар давлат ёрдами мақсадли тушумлар сифатида акс этирилади ва улар активнинг фойдали хизмат муддати давомида мунтазам равишда даромад сифатида тан олинади.

Бошқа усулга кўра давлат ёрдами келиб тушган активнинг баланс қийматини камайтиради ва амортизация қилинадиган активнинг фойдали хизмат қилиш муддати давомида ҳисобланган амортизация суммасини камайтириш йўли билан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс этирилади.

### **4-боб. Даромадга оид давлат ёрдами ҳисоби**

17. Даромадга оид давлат ёрдами молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидаги усуллар орқали акс этирилади:

«Бошқа даромадлар» моддасида;

давлат ёрдами талабларини бажариш билан боғлиқ харажатларни акс этиришда олинган давлат ёрдамининг қийматини чегириб ташлаган ҳолда.

18. Даромадга оид давлат ёрдами ҳисоби учун ҳар иккала усул ҳам мақбул ҳисобланади. давлат ёрдамини молиявий ҳисоботларга изоҳларда ёритиб бериш молиявий ҳисоботларни тўғри тушуниш учун зарур ҳисобланади. Давлат ёрдамининг даромадлар ёки харажатларнинг ҳар қандай моддасига таъсири алоҳида ёритиб бериш ўринли ҳисобланади.

### **5-боб. Давлат ёрдамини қайтариш ҳисоби**

19. Ташкилот белгиланган шартларни бажармаган ҳолларда давлат ёрдамини қайтариши лозим. Бундай ҳолларда давлат ёрдамининг қайтарилиши билан олдинги ҳисобот даврига тузатиш киритилмайди, балки бухгалтерия

сметаларидаги ҳисоб-китоб маълумотлари қайта қўриб чиқилади. Даромадга оид давлат ёрдами қайтариш операцияси қуйидагича ҳисобга олинади:

баланс пассивида акс эттирилган давлат ёрдами қолдиқлари ҳисобига;

агар қайтарилаётган давлат ёрдами бухгалтерия балансида мавжуд давлат ёрдами қолдиқларидан ошса, у ҳолда ошган сумма харажат сифатида тан олинади.

Активларга оид давлат ёрдами мақсадли тушумлар ҳисобварағидаги қолдиқни қайтарилаётган сумма миқдорига камайтириш орқали ёки активнинг баланс қийматини кўпайтириш ва қайтарилаётган сумма миқдорига нисбатан ҳисобланиши мумкин бўлган амортизацияни молиявий натижаларга олиб бориш йўли билан акс эттирилади.

### **6-боб. Маълумотларни ёритиб бериш**

20. Қуйидаги масалалар молиявий ҳисоботларга изоҳларда ёритиб берилиши керак:

давлат ёрдамига нисбатан қўлланиладиган ҳисоб сиёсати, шу жумладан молиявий ҳисоботларда қабул қилинган маълумотларни тақдим қилиш усули;

молиявий ҳисоботларда тан олинган давлат ёрдамининг мазмуни ва миқдори ҳамда ташкилот бевосита наф олган давлат ёрдамининг бошқа шакллари;

тан олинган давлат ёрдами билан боғлиқ шартларни бажармаслик ва бошқа кўзда тутилмаган мажбуриятлар.

### **7-боб. Ўтиш қоидалари**

21. Ташкилот:

маълумотларни ёритиб бериш талабларига амал қилиши;

ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ўзининг молиявий ҳисоботларини тузатиши.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**262** Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (11-сонли БҲМС) «Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича харажатлар»ни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3535*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (11-сонли БҲМС) «Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича харажатлар» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 3 декабрда 64-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (11-сон БҲМС) «Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар» (рўйхат рақами 581, 1998 йил 28 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 й., 6-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 14 июнь,  
137-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 26 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
14 июндаги 137-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий  
стандарти (11-сонли БҲМС) «Илмий-тадқиқот ва тажриба-  
конструкторлик ишлари бўйича харажатлар»**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (11-сонли БҲМС) (бундан буён матнда БҲМС деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига асосан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини норматив тартибга солиш элементи бўлиб ҳисобланади.

2. Мазкур БҲМСнинг мақсади илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига харажатларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини белгилашдан иборат. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига харажатларни ҳисобга олишнинг асосий масаласи бу харажатларни актив ёки харажат сифатида тан олишдан иборат.

3. Мазкур БҲМСда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**илмий-тадқиқот ишлари** — янги илмий ёки техник билимлар ва ғояларни олиш мақсадида ўтказиладиган оригинал (ўзига хос) ва режали излаишлар;

**тажриба-конструкторлик ишлари** — янги ёки жиддий тарзда яхшиланган материаллар, механизмлар, маҳсулотлар, технологиялар, тизимлар ёки хизматларни ишлаб чиқариш ёки тижорат мақсадларида фойдаланишдан олдин режалаштириш ёки лойиҳалаштириш учун илмий-тадқиқот ишлари натижаларини ёки бошқа билимларни қўллаш.

4. Мазкур БҲМС қазиб олиш тармоқларида нефть, газ, минерал конларни қидириш ва уларни ишлатиш бўйича харажатларга нисбатан қўлланилмайди. Бироқ, мазкур БҲМС ушбу тармоқлардаги бошқа илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига нисбатан қўлланилади.

5. Бюджет, банклар ва бошқа кредит ташкилотларидан ташқари мулкчилик шаклидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган юридик шахслар (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) шартномага мувофиқ бошқа ташкилот учун илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориши мумкин.

Шартнома шартларида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари билан боғлиқ бўлган барча хатарлар ва фойдалар бошқа ташкилотга ўтказилиши назарда тутилган бўлса, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажарадиган ташкилот харажатларни Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (4-сонли БҲМС) «Товар-моддий захиралар» (рўйхат рақами 3259, 2020 йил 30 июнь) ва Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (17-сон-

ли БҲМС) «Капитал қурилишнинг пудрат шартномалари»га (рўйхат рақами 3533, 2024 йил 23 июль) мувофиқ ҳисобга олади.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича хатарларни зиммасига оладиган ва келадиган даромадларни оладиган ташкилот ушбу харажатларни мазкур БҲМСга мувофиқ ҳисобга олади.

6. Ташкилотлар томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг турлари ва улар бўйича харажатлар таркиби ҳисоб сиёсатида белгиланади.

### **2-боб. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари харажатларининг таркиби**

7. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари харажатларига илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган ёки фаолиятнинг ушбу турларига киритилиши мумкин бўлган барча харажатлар қўшилади.

8. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига қуйидаги харажатлар қўшилади:

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари билан банд бўлган ходимларга иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича харажатлар;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларида фойдаланиладиган материаллар ва хизматлар қиймати;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларида фойдаланиладиган асосий воситаларнинг эскириши;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари билан бевосита боғлиқ бўлган устамалар;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларида фойдаланиш даражасидан келиб чиқиб ҳисобланадиган патентлар ва лицензиялар амортизацияси кўринишидаги бошқа харажатлар.

9. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари харажатларига реализация харажатлари киритилмайди.

### **3-боб. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари харажатларини тан олиш**

10. Илмий-тадқиқот ишлари бўйича харажатлар шу харажатлар амалга оширилган ҳисобот даврида харажат сифатида тан олинади ва кейинги даврларда актив сифатида тан олинмаслиги лозим.

11. Тажриба-конструкторлик ишлари бўйича харажатлар, агарда улар мазкур БҲМСнинг 12-бандида кўрсатилган активларни тан олиш мезонларига жавоб бермаса, шу харажатлар амалга оширилган ҳисобот даврида харажат сифатида тан олинади лозим.

Дастлаб харажат сифатида тан олинган тажриба-конструкторлик ишлари бўйича харажатлар кейинги ҳисобот даврларида активлар сифатида тан олинмаслиги керак.



12. Тажриба-конструкторлик ишлари бўйича харажатлар қуйидаги мезонларга жавоб берганда, актив сифатида тан олинади:

маҳсулот ёки жараён аниқ белгиланган, маҳсулот ёки жараёнга тегишли харажатлар эса алоҳида аниқланиши ва ишончли тарзда баҳоланиши мумкин бўлса;

маҳсулот ёки жараённи амалга оширишни техник имконияти мавжуд бўлса;

тажриба-конструкторлик ишлари натижасида олинган маҳсулот ёки технология ишлаб чиқариш, сотиш ёки ундан фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса;

тажриба-конструкторлик ишлари натижасида олинган маҳсулот ёки технология учун бозор мавжуд бўлса ёхуд ташкилот томонидан фойдаланилган тақдирда, у ташкилотга фойда келтириши ҳақида ишонч мавжуд бўлса;

маҳсулот ёки технология лойиҳасини ниҳоясига етказиш ва бозорга чиқариш ёхуд унинг қўлланилиши учун етарли ресурслар ва имкониятлар мавжуд бўлса.

13. Актив сифатида тан олинган тажриба-конструкторлик ишларининг харажатлари қуйидагилар чиқариб ташлангандан кейин улар бўйича келгусидаги даромадлар миқдоридан ошмаслиги керак:

тажриба-конструкторлик ишларига келгусидаги харажатлар;

тегишли ишлаб чиқариш харажатлари;

маҳсулотни реализация қилишда бевосита амалга оширилган маъмурий харажатлар ва реализация харажатлари.

14. Лойиҳанинг тажриба-конструкторлик ишлари бўйича харажатлари актив тушунчасига жавоб бериши мумкин, лекин бу харажатлар ташкилот томонидан ана шу харажатлар натижасида келгусида иқтисодий наф олишини аниқлаш учун етарли бўлмаганлиги сабабли актив сифатида тан олиш мезонларига мос келмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда тажриба-конструкторлик ишлари бўйича харажатлар шу харажатлар амалга оширилган ҳисобот даврида харажат сифатида тан олинади ва кейинги даврларда актив сифатида тан олинмайди.

#### **4-боб. Тажриба-конструкторлик ишлари харажатларининг амортизацияси**

15. Актив сифатида тан олинган тажриба-конструкторлик ишлари харажатларининг суммаси амортизация қилиниши ва мунтазамлилик асосида харажат деб тан олиниши керак. Бунда, ташкилот амортизацияни ҳисоблашда қуйидагиларга асосланади:

маҳсулот ёки технологияни сотиш ёхуд ундан фойдаланишдан келадиган даромадлар ёки бошқа манфаатларга;

маҳсулот ёки технологияни сотиш ёхуд ундан фойдаланиш кўзда тутилган даврга.

Амортизация тажриба-конструкторлик ишлари натижасида олинган маҳсулот ёки технология сотишга ёки фойдаланишга тайёр бўлган пайтдан бошланади.

16. Актив сифатида тан олинган тажриба-конструкторлик ишлари харажатларининг амортизация қилинадиган суммаси қуйидагиларнинг энг кам муддати давомида тақсимланиши лозим:

активнинг хизмат муддати;

актив тан олинган вақтдан бошлаб беш йил давомида.

17. Айрим ҳолларда тажриба-конструкторлик ишларига харажатлар натижасида олинган иқтисодий наф ташкилот томонидан бошқа активларни ишлаб чиқаришда сарфланиб кетади ва харажат сифатида тан олинмайди. Бунда, мазкур харажатлар амортизацияси бошқа актив қийматининг бир қисмини ташкил этади ва баланс қийматига қўшилади. Масалан, илгари актив сифатида тан олинган тажриба-конструкторлик ишлари харажатлари ишлаб чиқарилган материаллари қийматига қўшилиши мумкин. Бошқа активларнинг баланс қийматига киритилган тажриба-конструкторлик ишлари харажатлари мазкур активларнинг бошқа харажатлари билан бир вақтда тан олинади.

### **5-боб. Тажриба-конструкторлик ишлари харажатларининг камайтирилиши**

18. Лойиҳа бўйича тажриба-конструкторлик ишлари харажатлари суммасини тажриба-конструкторлик ишларига келгусидаги харажатларни, тегишли ишлаб чиқариш харажатларини, маъмурий харажатларни ва маҳсулот ёки технологияни бевосита реализация қилиш харажатларини, келгуси даромадлар ҳисобидан қопланиши мумкин бўлмаган харажатларни ҳисобга олиб, амортизация қилинмаган қолдиқ миқдоригача камайтириш лозим.

Агар тажриба-конструкторлик ишларига харажатларни амортизация қилинмаган қолдиғи, мазкур БҲМСнинг 12-бандида келтирилган актив сифатида тан олиш мезонларига жавоб бермаса, ҳисобдан чиқарилади. Тўла ёки қисман ҳисобдан чиқарилган сумма мазкур қисман ёки тўла ҳисобдан чиқариш амалга оширилган даврда харажат деб тан олинади лозим.

19. Мазкур БҲМСнинг 18-бандига мувофиқ қисман ёки тўла ҳисобдан чиқарилган тажриба-конструкторлик ишлари харажатлари, уларни тўла ёки қисман ҳисобдан чиқаришга сабаб бўлган ҳодиса ёки ҳолат мавжуд бўлмай қолганда ёхуд келгусида актив сифатида тан олишга сабаб бўладиган янги ҳодиса ҳамда ҳолат вужудга келишига ишончли далил мавжуд бўлганда, қайтадан тикланиши лозим. Қайта тикланган суммани, мазкур БҲМСнинг 13-бандига мувофиқ тўла ёки қисман ҳисобдан чиқарилмаган бўлса, амортизация сифатида тан олинади мумкин бўлган суммага камайтириш керак. Қайта тикланган суммани шу давр харажати сифатида тан олинган тажриба-конструкторлик ишлари харажатларининг камайтирилган суммаси сифатида тан олиш лозим.

### **6-боб. Ёритиб бериш**

20. Молиявий ҳисоботлар қуйидагиларни ёритиб бериши керак:

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига харажатлар учун қабул қилинган ҳисоб сиёсатини;

ҳисобот даврида харажат сифатида тан олинган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига харажатлар миқдорини;

фойдаланилган амортизация усулларини;

активнинг қабул қилинган фойдали хизмат муддати ёки амортизация меъёрларини;

ҳисобот даврининг бошида ва охирида тажриба-конструкторлик ишлари харажатларининг амортизация қилинмаган қолдиғи. Бунда, қуйидагилар кўрсатилиши керак:

мазкур БҲМСнинг 12-бандига мувофиқ актив сифатида тан олинган тажриба-конструкторлик ишлари харажатлари;

мазкур БҲМСнинг 15 ва 18-бандларига мувофиқ харажат деб тан олинган тажриба-конструкторлик ишлари харажатлари;

бошқа активлар счётларига ўтказилган тажриба-конструкторлик ишлари харажатлари;

мазкур БҲМСнинг 19-бандига мувофиқ қайта тикланган тажриба-конструкторлик ишлари харажатлари.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING  
QARORI

**263** Mikromoliya tashkilotlari tomonidan islomiy  
moliyalashtirishga oid xizmatlarni ko‘rsatish tartibi  
to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
26-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3536*

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi va “Nobank kredit tashkilotlari va mikromoliyalashtirish faoliyati to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. Mikromoliya tashkilotlari tomonidan islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlarni ko‘rsatish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Rais**

**M. NURMURATOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 19-iyul,  
23/4-son

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 26-iyulda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil  
19-iyuldagi 23/4-son qaroriga  
ILOVA

## Mikromoliya tashkilotlari tomonidan islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlarni ko'rsatish tartibi to'g'risidagi NIZOM

Mazkur Nizom mikromoliya tashkilotlari tomonidan islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlarni ko'rsatish tartibini belgilaydi.

### 1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

**islomiy ijara** — bu mikromoliya tashkiloti tomonidan mijozning arizasiga ko'ra sotib olingan yoki o'zining balansida bo'lgan iste'mol qilinmaydigan ashyolarni (mol-mulkni) mijozga kelishilgan muddatga vaqtincha egalik qilish va (yoki) foydalanish uchun topshirish;

**islomiy moliya masalalarini muvofiqlashtiruvchi maxsus kengash** (bundan buyon matnda maxsus kengash deb yuritiladi) — mikromoliya tashkiloti tomonidan ko'rsatiladigan islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlarning qonunchilik hujjatlari va ushbu Nizom talablari asosida ko'rsatilishi uchun mas'ul bo'lgan maxsus kengash;

**nasiya savdoga asoslangan moliyalashtirish (murobaha)** — mikromoliya tashkiloti tomonidan tovarning xarid narxi va unga ustama miqdorini qo'shgan holda, tovarni nasiyaga sotish orqali mijozni moliyalashtirish;

**oldindan to'lovga asoslangan moliyalashtirish (salam)** — kelajakda yetkazib beriladigan tovarlar haqini ushbu tovarlarni yetkazib beruvchiga (mijozga) mikromoliya tashkiloti tomonidan to'liq miqdorda oldindan to'lash orqali mijozni moliyalashtirish;

**foydani taqsimlashga asoslangan moliyalashtirish (muzoraba)** — mikromoliya tashkiloti tomonidan foyda olish maqsadida mijozning tijorat faoliyatiga pul mablag'larini ajratish orqali mijozni moliyalashtirish;

**sherikchilik** — foyda va zararlarni taqsimlashga asoslangan moliyalashtirish (mushoraka) — mikromoliya tashkiloti tomonidan bir yoki bir nechta ishtirokchilar (mijozlar) bilan birgalikda tijorat faoliyatini (sherikchilikni) amalga oshirish yoki yuridik shaxslarning ustav kapitalida ishtirok etish orqali mijozni moliyalashtirish.

2. Mikromoliya tashkiloti ushbu Nizom talablari asosida mijozlarga islomiy moliyalashtirishga oid islomiy ijara, foydani taqsimlashga asoslangan moliyalashtirish (muzoraba), nasiya savdoga asoslangan moliyalashtirish (murobaha), sherikchilik — foyda va zararlarni taqsimlashga asoslangan moliyalashtirish (mushoraka), oldindan to'lovga asoslangan moliyalashtirish (salam) xizmatlarini ko'rsatishi mumkin.

3. Mikromoliya tashkilotida islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlar ko'rsatilishi uchun maxsus kengash tashkil etilishi lozim. Mikromoliya tashkiloti

ishtirokchilarining (aksiyadorlarining) umumiy yig'ilishi qaroriga muvofiq sohaga ixtisoslashgan uyushmalar yoki birlashmalar huzurida tashkil etilgan va ushbu Nizom bilan o'rnatilgan talablarga mos keluvchi tarkibdan iborat bo'lgan maxsus kengashni shartnoma (outsorsing) asosida jalb qilishi mumkin. Bunda mikromoliya tashkiloti jalb qilingan maxsus kengash faoliyati bilan bog'liq tavakkalchiliklarni boshqarish uchun javobgar bo'ladi.

Mikromoliya tashkiloti maxsus kengash tashkil etilganligi yoki uning tarkibi o'zgartirilishi to'g'risidagi axborotni mazkur harakatlar sodir etilgan kundan boshlab 10 ish kuni ichida ishtirokchilar (aksiyadorlar) umumiy yig'ilishining tegishli qarorini hamda maxsus kengash raisi va a'zolarining mazkur Nizomning 2-bobida belgilangan talablarga muvofiqligini tasdiqlovchi hujjatlarni ilova qilgan holda Markaziy bankka taqdim etadi.

4. Mikromoliya tashkiloti tomonidan islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlar qonunchilik hujjatlari talablari hamda maxsus kengash ko'rsatmalariga rioya qilgan holda ko'rsatilishi lozim.

5. Mikromoliya tashkiloti tomonidan islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlarni ko'rsatishda qonunchilik hujjatlarida taqiqlangan va maxsus kengash ko'rsatmalariga zid bo'lgan tovarlar savdosi bilan shug'ullanish hamda faoliyat turlarini moliyalashtirish taqiqlanadi.

6. Mikromoliya tashkiloti islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlarni ko'rsatishda o'z mijozlariga islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlarning o'ziga xos xususiyatlari va ular bilan bog'liq tavakkalchiliklar haqida tushuntirish berishlari shart.

7. Islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlarni ko'rsatishga oid shartnoma tuzishdan avval mikromoliya tashkiloti va mijoz o'rtasida dastlabki shartnoma tuzilishi mumkin.

Dastlabki shartnomada mijoz tomonidan islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlar bo'yicha bo'nak to'lovi amalga oshirilishi nazarda tutilishi mumkin.

8. Mikromoliya tashkiloti tomonidan islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlar bilan bir qatorda O'zbekiston Respublikasi "Nobank kredit tashkilotlari va mikromoliyalashtirish faoliyati to'g'risida"gi Qonunining 4-moddasi birinchi qismida belgilangan boshqa xizmatlar ham ko'rsatilsa, ushbu mikromoliya tashkilotining islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlar ko'rsatish bilan bog'liq faoliyati bo'yicha buxgalteriya hisobi alohida yuritilishi lozim.

9. Mikromoliya tashkiloti tomonidan islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlar ko'rsatish doirasida tuziladigan shartnomalarning mazkur Nizomda nazarda tutilmagan boshqa shartlari taraflarning kelishuvi asosida qonunchilikka va maxsus kengash ko'rsatmalariga muvofiq belgilanadi.

10. Mikromoliya tashkiloti mijozdan to'lovlarni kechiktirganligi uchun neustoyka undirsa, undirilgan neustoykani alohida hisobvaraqda yuritishi va mijoz nomidan xayriya maqsadlariga yo'naltirishi lozim.

## **2-bob. Maxsus kengash va unga nisbatan qo'yiladigan talablar**

11. Mikromoliya tashkilotida maxsus kengash mikromoliya tashkiloti

ishtirokchilarining (aksiyadorlarining) umumiy yig‘ilishi tomonidan besh kishidan kam bo‘lmagan tarkibda tashkil etiladi.

Maxsus kengashga maxsus kengash raisi rahbarlik qiladi.

Maxsus kengash raisi va a‘zolarini tayinlash hamda ularning vakolatlarini tugatish mikromoliya tashkiloti ishtirokchilarining (aksiyadorlarining) umumiy yig‘ilishi tomonidan amalga oshiriladi.

12. Maxsus kengash raisi va a‘zolari O‘zbekiston Respublikasi “Nobank kredit tashkilotlari va mikromoliyalashtirish faoliyati to‘g‘risida”gi Qonunining 16-moddasi ikkinchi qismida belgilangan ishchanlik obro‘sigga doir talablarga muvofiq bo‘lishi kerak.

13. Maxsus kengash a‘zolarining kamida bir nafari islom huquqi sohasida oliy ma‘lumotga, bir nafari oliy yuridik ma‘lumotga, qolgan a‘zolari esa islomiy moliyalashtirishga oid xalqaro sertifikatga ega bo‘lishi lozim.

14. Maxsus kengash o‘z faoliyatini mikromoliya tashkiloti ishtirokchilarining (aksiyadorlarining) umumiy yig‘ilishi tomonidan tasdiqlangan nizom asosida amalga oshiradi.

15. Maxsus kengashning xulosa va ko‘rsatmalari mikromoliya tashkilotining ijro etuvchi organi a‘zolari yoki yakkaboshchilik asosidagi ijro etuvchi organ vazifasini amalga oshiruvchi shaxs uchun majburiy hisoblanadi.

16. Maxsus kengashning vazifalari quyidagilardan iborat:

mikromoliya tashkiloti tomonidan islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlarni amalga oshirish bilan bog‘liq namunaviy shartnomalar, ichki hujjatlar va hisobotlar loyihalarini ko‘rib chiqish hamda ma‘qullash;

mikromoliya tashkiloti tomonidan ko‘rsatiladigan islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlarning qonunchilik hujjatlariga muvofiqligini hamda islomiy moliyalashtirishni amalga oshirish standartlarida belgilangan talablarning inobatga olinishini ta‘minlash va muvofiqlik holatini baholash natijalari to‘g‘risida mikromoliya tashkilotining boshqaruv organlariga davriy hisobotlarni taqdim etish;

islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlar bilan bog‘liq tavakkalchiliklarni boshqarish va ichki nazorat tizimini joriy etishda mikromoliya tashkilotining boshqaruv hamda ijro etuvchi organlariga o‘z xulosalari va ko‘rsatmalari orqali ko‘maklashish.

### **3-bob. Islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlarni ko‘rsatish**

#### **1-§. Nasiya savdoga asoslangan moliyalashtirish (murobaha) xizmatini ko‘rsatish**

17. Nasiya savdoga asoslangan moliyalashtirish (bundan buyon matnda nasiya savdo deb yuritiladi) xizmati mikromoliya tashkiloti tomonidan mijozning tegishli arizasi asosida amalga oshiriladi. Arizada mijoz nasiya savdo obyektining nomini, uni sotib olishga rozilik bildirgan taxminiy narxni, shuningdek xarid qilish shartlarini ko‘rsatishi mumkin.

18. Mijoz mikromoliya tashkiloti bilan o‘zaro kelishgan holda nasiya savdo obyektini sotib olish mumkin bo‘lgan sotuvchini belgilashi mumkin.



Agar boshqa sotuvchilarda nasiya savdo obyektini sotib olish bo'yicha maqbulroq takliflar mavjud bo'lsa, mikromoliya tashkiloti sotuvchini mustaqil tanlash huquqiga ega.

19. Mikromoliya tashkiloti mijozdan nasiya savdo obyektini bo'yicha pul mablag'lari ko'rinishida bo'nak to'lovini amalga oshirishni talab qilishi mumkin.

Bo'nak to'lovi mijoz tomonidan nasiya savdo doirasida qaytarilishi lozim bo'lgan to'lovlarning bir qismi sifatida qabul qilinadi.

20. Nasiya savdo bo'yicha mikromoliya tashkiloti nasiya savdo obyektini sotib olish va mijozga yetkazib berish bilan bog'liq bo'lgan barcha tavakkalchiliklarni o'z zimmasiga oladi.

Mikromoliya tashkiloti o'zining mulkida bo'lmagan tovarni nasiya savdo obyektini sifatida mijozga sotishga haqli emas.

21. Nasiya savdo obyektini mijozning o'zidan, uning vakildan yoki mijoz ellik foizidan ortiq qismiga (ulushiga, aksiyasiga) egalik qiluvchi tashkilotdan sotib olinishi mumkin emas.

22. Agar mijoz va nasiya savdo obyektini mikromoliya tashkilotiga sotayotgan sotuvchi o'rtasida nasiya savdo obyektini sotib olish bo'yicha shartnomaviy majburiyatlar mavjud bo'lsa, ushbu mijozga mazkur obyektning nasiya savdo asosida sotilishi mumkin emas.

23. Nasiya savdo doirasida nasiya savdo obyektining narxi va uning ustiga qo'yilgan ustama haq miqdori aniq ko'rsatilishi lozim.

Nasiya savdo obyektining narxi yoki uning ustiga qo'yilgan ustama haqning noaniq yoki kelgusida qiymatlari aniqlanadigan ko'rsatkichlarga bog'langan holda belgilanishiga yo'l qo'yilmaydi.

24. Nasiya savdo obyektini sotib olish, uni mijozga yetkazib berish va sug'urtalash bilan bog'liq xarajatlar mikromoliya tashkiloti hisobidan amalga oshiriladi.

Nasiya savdo obyektini sotib olish, yetkazib berish va sug'urtalash bilan bog'liq xarajatlar nasiya savdo obyektining xarid narxiga kiritilgan taqdirda, mikromoliya tashkiloti mazkur xarajatlar to'g'risidagi tafsilotlarni mijozga batafsil ochiqlashi lozim.

25. Agar sotuvchi mikromoliya tashkilotiga nasiya savdo obyektini bo'yicha chegirma taqdim qilsa, mikromoliya tashkiloti nasiya savdo obyektini mijozga sotilgan narxini chegirmaga mutanosib ravishda kamaytirishi lozim.

26. Mikromoliya tashkiloti o'z nomidan nasiya savdo obyektini sotib olish uchun mijozni yoki uchinchi shaxsni vakil sifatida belgilashi mumkin. Bunda mikromoliya tashkiloti nasiya savdo obyektini uchun to'lovlarni to'g'ridan-to'g'ri sotuvchiga to'lab berishi va tovar sotilganligini tasdiqlovchi hujjatlarni qabul qilib olishi lozim.

Mikromoliya tashkiloti va uning nomidan ish ko'ruvchi vakil ular o'rtasida tuziladigan vakillik shartnomasida nasiya savdo obyektini sotib olish bilan bog'liq tavakkalchiliklar bo'yicha majburiyatlarni aniq belgilab olishlari shart.

27. Agar mijoz nasiya savdo obyektini sotib olishni rad etsa, mikromoliya tashkiloti ushbu obyektini uchinchi shaxsga sotishga haqli.

Mijoz nasiya savdo obyektini sotib olishni rad etgan taqdirda, mikromoliya

tashkiloti nasiya savdo obyektini uchinchi shaxsga sotish bilan bog'liq haqiqatda ko'rgan zararlarini mijoz tomonidan qoplab berilishini talab qilishga haqli.

Haqiqatda ko'rilgan zarar deganda mikromoliya tashkiloti tomonidan mijozning talabiga ko'ra sotib olingan tovarning xarid narxi va mazkur tovarni mijoz tomonidan qabul qilish rad etilishi sababli uni uchinchi shaxsga sotilgan narxi o'rtasidagi salbiy farq tushuniladi.

Mikromoliya tashkilotining nasiya savdo obyektini uchinchi shaxsga sotishi bilan bog'liq haqiqatda ko'rgan zararlarini mijoz taqdim qilgan bo'nak to'lovidan chegirib tashlanishi mumkin. Bunda bo'nakning qolgan qismi mijozga qaytarilishi lozim.

28. Nasiya savdo bo'yicha to'lovlar muddatining uzaytirib berilganligi uchun mijozdan mikromoliya tashkiloti foydasiga qo'shimcha haq undirilishiga yo'l qo'yilmaydi.

29. Mikromoliya tashkilotiga mijozlarga nasiya savdo xizmatini ko'rsatganligi uchun ulardan vositachilik haqlari va (yoki) boshqa turdagi yig'implarni undirish taqiqlanadi.

30. Pul mablag'lari (valyuta), kripto-aktivlar, oltin va kumush nasiya savdo obyektini bo'lishi mumkin emas.

31. Mikromoliya tashkiloti va mijoz o'rtasida amalda bo'lgan shartnoma bo'yicha nasiya savdo obyektini ayni shu mijozga yangi nasiya savdo shartnomasi asosida sotilishiga (qayta moliyalashtirilishiga) yo'l qo'yilmaydi.

32. Nasiya savdo bo'yicha to'lovlar mijoz tomonidan muddatidan avval to'langan taqdirda, mikromoliya tashkiloti mijoz to'lashi kerak bo'lgan summaning bir qismidan voz kechishi mumkin. Biroq, mazkur shart nasiya savdo shartnomasining bir qismi sifatida belgilanmasligi lozim.

## **2-§. Islomiy ijara xizmatini ko'rsatish**

33. Islomiy ijara xizmati mikromoliya tashkiloti tomonidan mijozning tegishli arizasi asosida ko'rsatiladi. Arizada mijoz islomiy ijaraga olishni rejalashtirayotgan obyekt va unga tegishli xususiyatlarni ko'rsatishi mumkin.

34. Mikromoliya tashkiloti mijozdan islomiy ijara obyektini bo'yicha pul mablag'lari ko'rinishida bo'nak to'lovini amalga oshirishni talab qilishi mumkin.

Mazkur bo'nak to'lovi islomiy ijara shartnomasi bo'yicha oldindan to'lov sifatida hisobga olinishi va/yoki mijozning islomiy ijara obyektini qabul qilishdan bosh tortganligi natijasida mikromoliya tashkiloti haqiqatda ko'rgan zararlarini qoplash uchun yo'naltirilishi mumkin.

35. Mikromoliya tashkiloti mijozni yoki uchinchi shaxsni islomiy ijara obyektini sotib olish uchun vakil sifatida belgilashi mumkin.

36. Mikromoliya tashkiloti mijozga islomiy ijaraga berilgan mol-mulkdan foydalanish imkoniyatlarini cheklovchi har qanday nuqsonlar bo'yicha javobgarlikni o'z zimmasiga oladi.

37. Mikromoliya tashkiloti tomonidan taqdim etilgan islomiy ijara obyektini islomiy ijara shartnomasida nazarda tutilgan xususiyatlarga mos kelmasa, mijoz islomiy ijara obyektini qabul qilishni rad etishi mumkin.

38. Mikromoliya tashkiloti zaruratga ko'ra islomiy ijara obyektini sug'urta

qildirishi mumkin. Bunda sug'urtalash bilan bog'liq barcha xarajatlar mikromoliya tashkiloti hisobidan amalga oshiriladi va ushbu xarajatlar islomiy ijara to'lovlari tarkibiga kiritilishi mumkin.

Mikromoliya tashkiloti va mijoz o'rtasida islomiy ijara shartnomasi tuzilganidan so'ng, islomiy ijara to'lovlari summasini oshiruvchi qo'shimcha xarajatlarni mijoz zimmasiga yuklatilishi taqiqlanadi.

Taraflarning kelishuviga asosan islomiy ijara obyektini sug'urtalash mikromoliya tashkilotining vakili sifatida mijoz tomonidan amalga oshirilishi mumkin.

39. Mikromoliya tashkiloti islomiy ijarani amalga oshirishi uchun islomiy ijara obyektiga nisbatan mulk huquqi mikromoliya tashkilotiga tegishli bo'lishi lozim.

Mikromoliya tashkiloti islomiy ijara obyektini o'z mijozidan sotib olishi va uni yana ushbu mijozga islomiy ijaraga berishi mumkin. Bunda mikromoliya tashkiloti va mijoz o'rtasida tuziladigan oldi-sotdi shartnomasida shartnoma obyektining keyinchalik islomiy ijaraga berilishi sharti nazarda tutilmasligi lozim.

40. Islomiy ijara objekti mijoz tomonidan mikromoliya tashkiloti bilan kelishgan holda ikkilamchi islomiy ijaraga berilishi mumkin.

41. Islomiy ijara bo'yicha shartnoma muddati va to'lovlar jadvali (grafik) aniq belgilangan bo'lishi lozim.

Islomiy ijara to'lovlari davriy yoki bir yo'la to'lanadigan bir martalik to'lov shaklida belgilanishi mumkin.

42. Mikromoliya tashkiloti islomiy ijara bo'yicha mijozning shartnomada belgilangan majburiyatlarini bajarishi va ehtimoliy insofsiz harakatlari (harakatsizligi) natijasida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan tavakkalchiliklarni kamaytirish maqsadida mijozdan ta'minot taqdim etishni talab qilishi mumkin.

Mikromoliya tashkiloti tomonidan mijoz taqdim etgan ta'minotga nisbatan undiruv qaratilgan taqdirda, mikromoliya tashkiloti ta'minot qiymatidan faqat o'tgan davrlar uchun hisoblangan to'lovlarni va mijoz o'z majburiyatlarini bajarmaganligi natijasida haqiqatda ko'rgan zararlari summasini ushlab qolishi mumkin.

Bunda mikromoliya tashkiloti mijoz tomonidan islomiy ijara obyektidan foydalanilmagan kelgusi davrlar uchun to'lovlar undirishi taqiqlanadi.

43. Mikromoliya tashkiloti islomiy ijara bo'yicha to'lovlarni islomiy ijara objekti mijozga topshirilgan kundan boshlab hisoblashi lozim.

Islomiy ijara shartnomasi tuzilgan va islomiy ijara objekti mijozga topshirilgan sanalar o'rtasida tafovut bo'lgan taqdirda, mikromoliya tashkiloti tomonidan mazkur tafovut bo'lgan muddat uchun mijozdan to'lovlar undirilishi taqiqlanadi.

44. Islomiy ijara objekti mikromoliya tashkiloti tomonidan mijoz bilan birgalikda umumiy ulushli mulk sifatida ham sotib olinishi mumkin. Bunda islomiy ijara bo'yicha to'lovlar mikromoliya tashkilotining umumiy mulkdagi ulushidan kelib chiqqan holda hisoblanadi.

45. Mijoz tomonidan islomiy ijara bo'yicha to'lovlar kechiktirilsa, mikromoliya tashkiloti belgilangan muddatda islomiy ijara to'lovlarining kechiktirilgan qismini bir yo'la to'lash lozimligi haqida mijozga xabar berib, xabarnomada ko'rsatilgan

muddat tugaganidan so'ng islomiy ijara to'lovlarining qolgan qismini bir yo'la to'lashni mijozdan talab qilishi mumkin.

46. Mijoz islomiy ijara to'lovlarini kechiktirganligi uchun mikromoliya tashkiloti islomiy ijara to'lovlarini oshirmasligi lozim. Mikromoliya tashkiloti islomiy ijara to'lovlarini kechiktirganligi uchun mijozdan neustoyka undirishga haqli.

47. Mikromoliya tashkiloti islomiy ijara obyektiga nisbatan mulk huquqini uchinchi shaxsga o'tkazishi mumkin.

Bunda mikromoliya tashkiloti islomiy ijara obyektiga nisbatan mulk huquqi o'tayotgan shaxsni mazkur mulkka nisbatan islomiy ijara shartnomasi mavjudligi to'g'risida xabardor qilishi lozim.

48. Islomiy ijara obyektini kapital ta'mirlash xarajatlari mikromoliya tashkiloti hisobidan, joriy ta'mirlash va davriy texnik xizmat ko'rsatish bilan bog'liq xarajatlar esa mijoz hisobidan qoplanadi. Taraflar kelishuviga asosan mijoz tomonidan kapital ta'mirlash ishlari amalga oshirilishi mumkin. Bunda kapital ta'mirlash bilan bog'liq xarajatlar islomiy ijara to'lovlari summasidan chegirib tashlanadi.

49. Agar mijozning insofsiz harakatlari (harakatsizligi) yoki islomiy ijara shartnomasining shartlariga rioya etmaganligi natijasida islomiy ijara obyektini but saqlangan holda undan foydalanish imkoniyati to'liq yoki qisman yo'qolsa, mikromoliya tashkiloti mijozdan islomiy ijara obyektidan foydalanish imkoniyatini qayta tiklab berishini talab qilishga haqli.

Bunda mikromoliya tashkiloti islomiy ijara obyektidan foydalanishidan qat'iy nazar obyektini ta'mirlash davri uchun mijozdan islomiy ijara to'lovlarini to'lashni talab qilishi mumkin.

50. Mijoz islomiy ijara obyektiga uning aybi bilan yetkazilgan zarar uchun javobgardir. Bunda mijoz yetkazilgan zararlarni qoplab berishi yoki islomiy ijara obyektini unga mos keluvchi boshqa obyektga almashtirib berishi lozim.

51. Islomiy ijara obyektiga mijozga bog'liq bo'lmagan sabablarga ko'ra qisman zarar yetkazilsa va ushbu zarar islomiy ijara obyektidan to'liq foydalanish imkoniyatini cheklasa, mijoz islomiy ijara shartnomasini bekor qilishi yoki mikromoliya tashkiloti bilan islomiy ijara to'lovlari miqdorini o'zgartirish to'g'risida kelishib olishi mumkin. Bunda islomiy ijara obyektidan foydalanilmagan davr uchun mikromoliya tashkiloti tomonidan islomiy ijara to'lovlari undirilmaydi.

52. Islomiy ijara obyektini nobud bo'lgan taqdirda, islomiy ijara bo'yicha shartnoma bekor qilinadi va keyingi islomiy ijara to'lovlari to'lanmaydi, bundan islomiy ijara obyektini mijozning ehtiyotsizligi yoki o'z majburiyatlarini bajarishi chog'ida insofsiz harakatlari (harakatsizligi) natijasida nobud bo'lishi holatlari mustasno.

53. Agar mijoz islomiy ijara obyektini shartnomada belgilangan muddatdan avval mikromoliya tashkilotiga uning rozilgisiz qaytarib bersa, mikromoliya tashkiloti mijozdan islomiy ijara shartnomasining qolgan davri uchun islomiy ijara to'lovlarini talab qilishga haqli.

Islomiy ijara shartnomasining qolgan davri uchun islomiy ijara to'lovlari mijoz tomonidan to'lab berilgan taqdirda, islomiy ijara obyektiga nisbatan ijara

huquqi mijozda qoladi va mikromoliya tashkiloti tomonidan mazkur islomiy ijara obyektini shartnoma muddati tugagunga qadar uchinchi shaxsga islomiy ijaraga berilishiga yo'l qo'yilmaydi.

### **3-§. Ijara obyektini keyinchalik sotib olish sharti asosida (ijara muntahiyya bittamlik) islomiy ijara xizmatini ko'rsatish**

54. Mikromoliya tashkiloti va mijoz ijara obyektini mijoz tomonidan keyinchalik sotib olinishi sharti bilan (ijara muntahiyya bittamlik) islomiy ijara shartnomasini tuzishlari mumkin.

55. Ushbu Nizomning 2-paragrafida belgilangan talablar va qoidalar ijara obyektini keyinchalik sotib olish sharti asosida islomiy ijara xizmatiga nisbatan ham tatbiq qilinadi.

56. Ijara obyektini keyinchalik sotib olish sharti asosida islomiy ijara xizmati doirasida ijara obyektiga nisbatan mulk huquqining mijozga o'tkazilishi alohida shartnoma asosida amalga oshirilishi lozim. Bunda mulk huquqini mijozga o'tkazish ijara obyektini mijozga sotish yoki hadya qilish orqali amalga oshirilishi mumkin.

57. Ijara obyektini keyinchalik sotib olish sharti asosida islomiy ijara xizmati bo'yicha islomiy ijara obyektini nobud bo'lsa yoki islomiy ijara obyektining yaroqsiz holatga kelishi natijasida islomiy ijara obyektiga nisbatan shartnomaviy munosabatlarni davom ettirish imkoniyati mavjud bo'lmasa va mazkur holat mijozning aybi bilan sodir etilmagan bo'lsa, ijara to'lovlari, shu jumladan o'tgan davr uchun amalga oshirilgan to'lovlar miqdori ijara to'lovlarining o'rtacha bozor qiymatidan kelib chiqqan holda qayta hisoblanishi hamda o'rtadagi ijobiy farq mijozga qaytarib berilishi lozim.

### **4-§. Oldindan to'lovga asoslangan moliyalashtirish (salam) xizmatini ko'rsatish**

58. Oldindan to'lovga asoslangan moliyalashtirish (bundan buyon matnda oldindan to'lov deb yuritiladi) xizmati mikromoliya tashkiloti tomonidan mijozning tegishli arizasi asosida ko'rsatiladi.

59. Vaznini tortish, o'lchash yoki sanash imkoniyati mavjud bo'lgan va boshqasi bilan o'zaro almashtirsa bo'ladigan ashyolar (tovarlar) oldindan to'lov obyektini sifatida olinishi mumkin. Bunda oldindan to'lov obyektini xususiyatlariga ko'ra oson aniqlash imkoniyati mavjud bo'lgan ashyo (tovar) bo'lishi lozim.

60. Oldindan to'lov bo'yicha to'lovlarni mikromoliya tashkiloti mijozga shartnoma tuzilgan kundan boshlab uch ish kunidan kechikmagan holda to'liq to'lab berishi lozim.

61. Pul mablag'lari (valyuta), kripto-aktivlar, oltin va kumush oldindan to'lov obyektini bo'lishi mumkin emas.

62. Oldindan to'lov bo'yicha tuzilgan shartnomada mijoz tomonidan mikromoliya tashkilotiga oldindan to'lov obyektini yetkazib berish vaqti/muddati aniq ko'rsatilishi lozim.

63. Mikromoliya tashkiloti oldindan to'lov xizmati bo'yicha shartnoma

shartlarining bajarilishini ta'minlash maqsadida mijozdan qonunchilikda belgilangan tartibda ta'minot talab qilishi mumkin.

64. Oldindan to'lov doirasida mijoz tomonidan oldindan to'lov xizmati shartnomasida belgilangan tovardan ko'ra sifatliroq (yaxshiroq) tovar yetkazib berish taklif qilinsa va ushbu taklif uchun tovar narxi oshirilmasa (qo'shimcha haq talab etilmasa), mikromoliya tashkiloti ushbu taklifni qabul qilishi lozim.

65. Agar mijoz tomonidan yetkazib berilgan oldindan to'lov obyektining sifati shartnomada ko'rsatilgan talablardan past bo'lsa, mikromoliya tashkiloti oldindan to'lov obyektini qabul qilishni rad etishi yoki shu holatda qabul qilishi mumkin.

66. Oldindan to'lov obyektini shartnomada belgilangan muddatdan oldin yetkazib berilsa va oldindan to'lov obyektini qabul qilishni rad etish uchun mikromoliya tashkilotida yetarli asoslar mavjud bo'lsa, mikromoliya tashkiloti oldindan to'lov obyektini qabul qilmaslik huquqiga ega.

67. Mijoz tomonidan oldindan to'lov shartnomasi bo'yicha majburiyatlar o'z muddatida bajarilmasa, mikromoliya tashkiloti oldindan to'lov obyektini yetkazib berish bo'yicha qo'shimcha vaqt belgilashga yoki oldindan to'lov shartnomasini bekor qilgan holda oldindan to'lov obyektini uchun to'langan to'lovlarni qaytarishni talab qilishga haqli.

68. Mikromoliya tashkiloti va mijoz o'zaro kelishgan holda to'lovlar summasini to'liq qaytarish sharti bilan oldindan to'lov obyektining yetkazib berilishini bekor qilishlari mumkin.

Agar taraflar oldindan to'lov obyektini yetkazib berishni qisman bekor qilishga kelishsa, bekor qilingan oldindan to'lov obyektini qismining qiymatiga muvofiq ravishdagi to'lov summasi mijoz tomonidan mikromoliya tashkilotiga qaytarilishi lozim.

69. Mikromoliya tashkiloti oldindan to'lov obyektini yetkazib berish muddatlari kechiktirilganligi uchun mijozga nisbatan neustoyka qo'llashi mumkin.

70. Mikromoliya tashkilotida oldindan to'lov obyektiga nisbatan mulk huquqi vujudga kelguniga qadar, mikromoliya tashkiloti ushbu obyektini sotish bo'yicha shartnoma tuzishi mumkin emas.

### **5-§. Foydani taqsimlashga asoslangan moliyalashtirish (muzoraba) xizmatini ko'rsatish**

71. Foydani taqsimlashga asoslangan moliyalashtirish xizmati mikromoliya tashkiloti tomonidan mijozning tegishli arizasi asosida ko'rsatiladi.

Foydani taqsimlashga asoslangan moliyalashtirish xizmati doirasida mijozning yoki uchinchi shaxsning mikromoliya tashkiloti oldidagi qarzi kapital sifatida taqdim etilishi mumkin emas.

72. Mikromoliya tashkiloti foydani taqsimlashga asoslangan moliyalashtirish xizmati bo'yicha shartnoma shartlarining bajarilishini ta'minlash maqsadida mijozdan qonunchilikda belgilangan tartibda ta'minot talab qilishi mumkin.

Agar mijoz tomonidan amalga oshirilgan insofsiz harakatlar (harakatsizlik) natijasida mikromoliya tashkiloti zarar ko'rgan taqdirda, mikromoliya tashkiloti ushbu zararni ta'minot hisobidan qoplashi mumkin.

73. Foydani taqsimlashga asoslangan moliyalashtirish xizmati bo'yicha mijozga kapital mikromoliya tashkiloti tomonidan moddiy aktivlar shaklida taqdim etilsa, mazkur moddiy aktivlarning qiymati aniq ko'rsatilishi lozim.

74. Foydani taqsimlashga asoslangan moliyalashtirish xizmati bo'yicha mikromoliya tashkiloti tomonidan olinadigan foyda mikromoliya tashkiloti va mijoz o'rtasida tuzilgan shartnoma shartlariga muvofiq olinadigan foydadan ulush ajratish shaklida taqsimlanadi.

Foydani taqsimlashga asoslangan moliyalashtirish xizmati doirasida tuzilgan shartnomaga taraflarning olingan foydadan qat'iy belgilangan summa ko'rinishida foyda olishi yuzasidan shartlar kiritilishi mumkin emas.

75. Mikromoliya tashkiloti va mijoz o'rtasida tuzilgan shartnoma muddati yakunlanganda yoki taraflar kelishuviga asosan muddatidan avval tugatilganda, foydani taqsimlashga asoslangan moliyalashtirish xizmati doirasida olingan umumiy daromadlar summasi umumiy xarajatlar summasiga teng bo'lsa, kiritilgan kapital (pul mablag'lari) mikromoliya tashkilotiga qaytariladi.

76. Mikromoliya tashkiloti foydani taqsimlashga asoslangan moliyalashtirish xizmati doirasida zarar ko'rgan taqdirda, mazkur zararni mijozdan undirishga ruxsat etilmaydi, bundan mijozning o'z majburiyatlarini bajarishida insofsiz harakatlari (harakatsizligi) natijasida yetkazilgan zararlar mustasno.

77. Agar mijoz foydani taqsimlashga asoslangan moliyalashtirish xizmati doirasida tuzilgan shartnoma shartlarini bajarishga kirishgan yoki mazkur shartnoma muddati hali yakunlanmagan bo'lsa, ushbu shartnoma mikromoliya tashkiloti tomonidan bir tomonlama bekor qilinishiga yo'l qo'yilmaydi, bundan shartnoma shartlarida nazarda tutilgan hollar mustasno.

#### **6-§. Sherikchilik — foyda va zararlarni taqsimlashga asoslangan moliyalashtirish (mushoraka) xizmatini ko'rsatish**

78. Sherikchilik — foyda va zararlarni taqsimlashga asoslangan moliyalashtirish xizmati (bundan buyon matnda sherikchilik deb yuritiladi) doirasida mikromoliya tashkiloti va uning mijozlari ma'lum bir miqdordagi pul mablag'larini yoki o'zaro kelishuvga asosan moddiy aktivlarni yuridik shaxs tashkil etmasdan birgalikdagi faoliyatga yoxud yuridik shaxs tashkil etgan holda uning kapitaliga ulush sifatida kiritadilar.

79. Sherikchilik doirasida sheriklar sheriklik faoliyatini boshqarish huquqini bir necha sheriklarga yoki bitta sherikka topshirish bo'yicha kelishib olishlari mumkin.

80. Sherikchilik doirasida kapitalga moddiy aktivlar pulsiz hissa sifatida kiritilganda, mazkur aktivlarning pul ekvivalentidagi qiymati baholanishi va mazkur qiymat asosida sherikchilik ishtirokchilarining umumiy kapitaldagi ulushi qat'iy belgilab qo'yilishi lozim.

81. Sherikchilik kapitaliga debitorlik qarzlarni hissa sifatida kiritilishiga ruxsat berilmaydi, bundan kiritilayotgan kapitalning ajralmas qismi bo'lgan debitorlik qarzlari mustasno.

82. Mikromoliya tashkiloti va uning mijoz(lar)i sherikchilik doirasida tuziladigan shartnomani muayyan muddat uchun cheklangan yoki cheklanmagan



muddatga tuzishlari, shuningdek shartnomani to'xtatish yoki bekor qilish uchun asos bo'luvchi shartlarni o'zaro kelishib olishlari mumkin.

83. Mikromoliya tashkiloti sherikchilik xizmati bo'yicha mijozning shartnomada belgilangan majburiyatlarini bajarishi uchun va ehtimoliy insofsiz harakatlari (harakatsizligi) natijasida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan tavakkalchiliklarni kamaytirish maqsadida mijozdan ta'minot taqdim etishni talab qilishi mumkin.

84. Sherikchilik doirasida shartnoma tuzilayotgan vaqtda mikromoliya tashkiloti va uning mijoz(lar)i foydani taqsimlashdagi ulushlar miqdorini aniq belgilab olishlari lozim.

Foyda taqsimlanayotgan vaqtga kelib mikromoliya tashkiloti va mijoz foyda taqsimotidagi ulushlar nisbatini o'zgartirish yoki bir taraf ikkinchi taraf foydasiga o'z foydasining bir qismidan yoki hammasidan voz kechishi bo'yicha kelishib olishlari mumkin.

85. Agar shartnomada boshqacha tartib belgilanmagan bo'lsa, sherikchilik doirasida olingan foyda mikromoliya tashkiloti va mijoz(lar) o'rtasida har bir tarafning kapitaldagi ulushidan kelib chiqqan holda taqsimlanadi.

Bunda olinadigan foyda qat'iy belgilangan summa ko'rinishida belgilanishiga yo'l qo'yilmaydi.

86. Mikromoliya tashkiloti va mijoz(lar) o'rtasidagi foyda taqsimoti kelajakda olinishi kutilayotgan daromad va xarajatlarga bog'lanmagan bo'lishi va faoliyatning haqiqiy moliyaviy natijalaridan kelib chiqib amalga oshirilishi kerak.

87. Taraflar o'rtasida sherikchilik doirasida olingan foydaning yakuniy taqsimoti foydadan operatsion xarajatlar, komission yig'imlar, soliqlar va to'lovlar chegirib tashlanganidan hamda dastlabki kiritilgan kapital qaytarilgandan so'ng amalga oshirilishi mumkin.

88. Sherikchilik xizmati doirasida ko'rilgan zararlar taqsimoti ishtirokchilar o'rtasida ularning kapitaldagi ulushidan kelib chiqqan holda taqsimlanishi lozim.

Mikromoliya tashkiloti va uning mijoz(lar)i sherikchilik bo'yicha ko'rilgan zararlarni bir taraf zimmasiga yuklash yoki ishtirokchi zimmasiga u kiritgan kapital miqdoridan ortiq zararlarni yuklash yuzasidan o'zaro kelishib olishlari mumkin emas.

Mijoz(lar) oldindan kelishib olmagan holda sherikchilik doirasida ko'rilgan zararlarni ixtiyoriy ravishda o'z zimmasiga olishi mumkin.

89. Sherikchilik doirasida mikromoliya tashkiloti kapitaldagi o'ziga tegishli bo'lgan ulushni alohida shartnoma asosida mijozga sotishi mumkin.

90. Sherikchilik doirasida tuzilgan shartnomaning har bir tarafi (ishtirokchisi) boshqa taraflarni xabardor qilgan holda shartnomadan chiqish huquqiga ega. Bunda shartnomadan chiqayotgan taraf o'zining kapitalga qo'shgan ulushini (hissasini) talab qilishi mumkin.

Shartnomadan bir yoki bir necha taraflarning (ishtirokchilarning) chiqib ketishi qolgan taraflarning sherikchilik munosabatlarini to'xtatilishiga olib kelmaydi.

91. Sheriklik faoliyati sherikchilik xizmati bo'yicha tuzilgan shartnoma



muddati yakunlanganligi sababli tugatilgan taqdirda, sherikchilikning barcha aktivlari joriy bozor qiymatlari asosida sotilishi va undan tushgan tushum qonunchilik hujjatlari va shartnoma shartlarida belgilangan tartibda taqsimlanishi lozim.

#### **4-bob. Yakuniy qoidalar**

92. Mikromoliya tashkiloti va uning mijozlari o'rtasida vujudga keladigan nizolar qonunchilikda belgilangan tartibda hal etiladi.

93. Ushbu Nizom talablarining buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda javobgar bo'ladi.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**264** Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (8-сонли БҲМС) «Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби»ни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
26 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3537*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (8-сонли) БҲМС «Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 октябрь 50-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (8-сон БҲМС) «Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби» (рўйхат рақами 580, 1998 йил 28 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 й., 6-сон, 150-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 14 июнь,  
135-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 26 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
14 июндаги 135-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий  
стандарти (8-сонли БҲМС) «Консолидациялашган молиявий  
ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар  
ҳисоби»**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (бундан буён матнда БҲМС деб юритилади) «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини норматив тартибга солиш элементи бўлиб ҳисобланади.

2. Мазкур БҲМСнинг мақсади хўжалик юритувчи жамият (бундан буён матнда бош ташкилот деб юритилади) томонидан у назорат қиладиган хўжалик юритувчи жамиятлар (бундан буён матнда шуъба хўжалик жамияти деб юритилади) гуруҳининг консолидациялашган молиявий ҳисоботини тузиш ва тақдим этиш тартибини белгилаб бериш ҳисобланади.

Мазкур БҲМСда шуъба хўжалик жамиятларга инвестицияларни бош ташкилотнинг алоҳида молиявий ҳисоботида ҳисобга олиш тартиби ҳам кўриб чиқилади.

3. Ушбу БҲМС қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:  
биргаликда фаолиятдаги инвестицияларни ҳисобга олишга;  
таъсир остидаги (қарам) ташкилотларга инвестицияларни ҳисобга олишга;  
вазирликлар, идоралар ва бюджет ташкилотларининг жамланма молиявий ҳисоботиغا.

4. Ушбу БҲМСда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**бош ташкилот** — бир ёки бир нечта шуъба хўжалик жамиятларни назорат қилувчи хўжалик юритувчи субъект. Бунда, назорат қилиш деганда шуъба хўжалик жамиятидаги иштирокидан даромадлар ўзгариши рискига мойил бўлган ёки бундай даромадларни олиш ҳуқуқига эга бўлган бош ташкилотнинг шуъба хўжалик жамиятига бўлган ваколатларини амалга ошириш натижасида ушбу даромадларга таъсир кўрсатиши тушунилади;

**шуъба хўжалик жамияти** — агар бир (бош) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши туфайли ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ё бўлмаса бошқача тарзда иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имконига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шуъба хўжалик жамияти ҳисобланади.

**гуруҳ** — бош ташкилот ва унга қарашли барча шуъба хўжалик жамиятларидир;

**консолидациялашган молиявий ҳисоботлар** — ҳисобот даври учун тузиладиган гуруҳнинг молиявий ҳисоботларидир;

**алоҳида молиявий ҳисоботлар** — консолидацияланиши лозим бўлган ҳар бир гуруҳ аъзосининг ҳисоботидир;

**назорат кучига эга бўлмаган улуш** — шуъба хўжалик жамияти хусусий капиталининг бевосита ёки билвосита бош ташкилотга тегишли бўлмаган улуши.

## **2-боб. Консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш**

5. Бош ташкилот консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тақдим этиши лозим, бундан мазкур БҲМСнинг 6-бандида назарда тутилган ҳолат мустасно.

6. Бошқа бир жамиятга шуъба бўлган ва бошқа жамият мулки ҳисобланган бош ташкилот, агар ўзининг бош ташкилоти консолидациялашган ҳисобот тақдим этишни талаб қилмаса ва бунга назорат кучига эга бўлмаган улуш эгаларининг розилиги бўлса, консолидациялашган ҳисобот тақдим этмаслиги мумкин.

Бундай бош ташкилот ўзининг алоҳида молиявий ҳисоботларига изоҳларда қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:

а) консолидациялашган молиявий ҳисобот тақдим этилмагани сабабини;

б) шуъба хўжалик жамиятига киритилган инвестицияларни ҳисобга олиш усулини;

в) консолидациялашган молиявий ҳисобот тақдим этадиган ўзининг бош ташкилоти номи ва унинг рўйхатга олинган жойини.

7. Консолидациялашган молиявий ҳисобот тузадиган бош ташкилот барча хорижий ва маҳаллий шуъба хўжалик жамиятларининг консолидациясини амалга ошириши лозим.

## **3-боб. Консолидациялашган ҳисоботларни тузиш услуги**

8. Консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлашда бош ташкилот ва унинг барча консолидация қилинадиган шуъба хўжалик жамиятлари молиявий ҳисоботлари активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромадлар ва харажатларнинг бир хил моддаларини сатрма-сатр қўшиш йўли билан бирлаштирилади.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тузиш учун:

а) қуйидагилар чиқариб ташланиши:

ҳар бир шуъба хўжалик жамиятига бош ташкилот инвестицияларининг баланс қиймати ва бош ташкилотнинг ҳар бир шуъба хўжалик жамияти хусусий капиталидаги улуши;

бош ташкилот ва шуъба хўжалик жамиятлари ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиш счётлари бўйича сальдолар;

даромадлар, харажатлар, дивидендлар бўйича гуруҳ ичидаги ҳисоб-китоб операциялари, шунингдек ушбу операциялар натижасида юзага келган реа-

лизация қилинмаган фойда ва зарарлар, бундан қопланиши мумкин бўлмаган зарарлар мустасно;

б) бош ташкилотга тегишли соф даромад суммасини аниқлашда гуруҳнинг даромадини камайтирадиган шуъба хўжалик жамиятининг соф даромадида назорат кучига эга бўлмаган улуши аниқланиши;

в) қуйидагиларни қўшган ҳолда шуъба хўжалик жамияти соф активларидаги назорат кучига эга бўлмаган улушни аниқланиши ва уни ҳисобот даври учун консолидациялашган бухгалтерия балансида бош ташкилотнинг мажбуриятлари ва хусусий капиталидан алоҳида кўрсатилиши лозим:

шуъба ташкилот дастлаб харид қилинган пайтда ҳисобланган назорат кучига эга бўлмаган улуш суммаси;

шуъба ташкилот харид қилинган пайтдан ҳисобот санасигача бўлган даврда унинг хусусий капитали ўзгаришида назорат кучига эга бўлмаган улушнинг салмоғи.

9. Бир хил ҳисобот даври учун ва бир хил ҳисобот санасига тузилган бош ташкилотнинг ва шуъба хўжалик жамиятларнинг молиявий ҳисоботлари ҳамда назорат кучига эга бўлмаган улушлари консолидациялашган молиявий ҳисоботда бирлаштирилади.

Агар бош ташкилот ҳисобот даврининг охири шуъба хўжалик жамиятлари ҳисобот даврининг охиридан фарқ қилса, бош ташкилот шуъба хўжалик жамиятларнинг молиявий маълумотларини консолидациялаш имкониятига эга бўлиши учун қўшимча молиявий маълумотларни бош ташкилотнинг молиявий ҳисоботи билан айна бир санага тайёрлайди.

Агар буни бажаришнинг имкони бўлмаса, бош ташкилот шуъба хўжалик жамиятларнинг молиявий маълумотларини консолидациялашни мазкур субъектнинг энг сўнги молиявий ҳисоботига, уларнинг тузилган санаси ва консолидациялашган молиявий ҳисобот санаси оралигидаги даврда содир бўлган аҳамиятли ҳодисалар ёки операцияларнинг таъсирини ҳисобга олиб, тузатишлар киритган ҳолда амалга ошириши лозим. Ҳар қандай ҳолда ҳам шуъба хўжалик жамиятларнинг молиявий ҳисоботи санаси ва консолидациялашган молиявий ҳисобот санаси ўртасидаги фарқ уч ойдан ошмаслиги, ҳисобот даврлари муддати ҳамда молиявий ҳисоботлар саналари ўртасидаги фарқ эса даврдан даврга мос келиши лозим.

10. Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар тайёрланиши учун бош ташкилот ва шуъба хўжалик жамиятлари ўхшаш операциялар ва молия-хўжалик фаолиятининг бошқа ҳодисалари учун ягона ҳисоб сиёсатидан фойдаланиши лозим.

Агар гуруҳ иштирокчиларидан бири ўхшаш операциялар бўйича консолидациялашган молиявий ҳисобот тузишда қабул қилинган ҳисоб сиёсатидан фарқ қиладиган ҳисоб сиёсатидан фойдаланса, у ҳолда ушбу молиявий ҳисоботларга консолидациялаш жараёнида тегишли тузатишлар киритилади. Агар консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ягона ҳисоб сиёсатидан фойдаланишнинг имконияти бўлмаса, ушбу факт консолидациялашган молиявий ҳисоботга изоҳлар қисмида ёритиб берилиши лозим.

11. Шуъба хўжалик жамиятлари хўжалик фаолиятининг натижалари

у харид қилинган санадан бошлаб, яъни харид қилинган шуъба хўжалик жамияти устидан назорат қилиш харидорга ҳақиқатда берилган санадан бошлаб, чиқиб кетган шуъба хўжалик жамиятлари бўйича эса чиқиб кетган санагача консолидациялашган молиявий ҳисоботга киритилади.

12. Шуъба хўжалик жамиятини сотишдан тушум ва сотиш санасидаги мажбуриятларни айириб ташлаган ҳолда унинг активларининг баланс қиймати ўртасидаги фарқ консолидациялашган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда шуъба хўжалик жамиятини сотишдан олинган фойда ва зарар сифатида акс этирилади.

13. Шуъба хўжалик жамиятига киритилган инвестициялар бош ташкилот шуъба хўжалик жамияти устидан назоратни йўқотган ва шуъба хўжалик жамияти таърифига мос келмайдиган санадан бошлаб Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (12-сонли БҲМС) «Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш»га (рўйхат рақами 3531, 2024 йил 18 июль) мувофиқ акс этирилиши лозим.

14. Назорат кучига эга бўлмаган улуш консолидациялашган бухгалтерия балансида мажбуриятлар ва хусусий капиталдан алоҳида кўрсатилиши лозим. Гуруҳ даромадида ҳам назорат кучига эга бўлмаган улуш алоҳида кўрсатилиши лозим.

#### **4-боб. Шуъба хўжалик жамиятларига инвестицияларни бош ташкилотнинг алоҳида молиявий ҳисоботида акс этириш**

15. Консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тузишда ҳисобга олинган шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар бош ташкилотнинг алоҳида (мустақил) молиявий ҳисоботларида қуйидагилардан фойдаланиб акс этирилади:

хусусий капитални ҳисобга олиш усули (улушли қатнашиш усули);

узоқ муддатли инвестициялар қийматини ҳисобга олиш бўйича усули.

16. Консолидациялашган молиявий ҳисоботга киритилмаган шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар бош ташкилотнинг алоҳида молиявий ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (12-сонли БҲМС) «Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш»га (рўйхат рақами 3531, 2024 йил 18 июль) мувофиқ акс этирилиши лозим.

#### **5-боб. Маълумотларни ёритиб бериш**

17. Мазкур БҲМСнинг 6 ва 10-бандларида ёритиб бериш талаб қилинган ахборотларга қўшимча равишда қуйидаги маълумотларни ҳам ёритиб бериш лозим:

жойлашган жойи ёки рўйхатга олган мамлакатлар номи, мулкка эгалик улушини ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялар сонини (агар улар мулкка эгалик улушига мос келмаса) кўрсатган ҳолда йирик шуъба хўжалик жамиятлари рўйхатини;

шуъба хўжалик жамиятининг ҳисоботи консолидациялашган ҳисоботга киритилмаганлигининг сабабларини;

бош ташкилот бевосита ёки билвосита овозлар сонининг ярмидан кўпроғига эга бўлмаган ҳолларда, бош ташкилотга шуъба хўжалик жамияти устидан уни назорат қилишга имкон берадиган ўзаро муносабатлар тавсифини;

бевосита ёки билвосита овозларнинг ярмидан кўпроғига эгаллик қиладиган, лекин назорат йўқлиги сабабли шуъба хўжалик жамияти ҳисобланмайдиган жамиятларнинг номларини;

жамиятни харид қилиш (ташкил этиш) ва сотиш (тугатиш)нинг ҳисобот йилидаги молиявий ҳолатга, ҳисобот давридаги молиявий натижаларга ва олдинги даврнинг тегишли суммаларига таъсирини;

бош ташкилот алоҳида молиявий ҳисоботида шуъба хўжалик жамиятига инвестицияларни ҳисобга олиш учун фойдаланадиган усулни.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 4-iyundagi 129-son "O'zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (15-sonli BHS) "Xizmat ko'rsatish bo'yicha konsessiya kelishuvlari"ni tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i.

***2024-yil 22-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3532.***

2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 140-сон "Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (17-сонли БҲМС) "Капитал қурилишнинг пудрат шартномалари"ни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

***2024 йил 23 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3533.***

3. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил 24 июндаги 16-сон "Наслдор эркак ҳайвонларни текшириш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

***2024 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2585-1.***

4. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 136-сон "Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (10-сонли БҲМС) "Давлат ёрдамнинг ҳисоби ва у тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш"ни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

***2024 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3534.***

5. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 137-сон "Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (11-сонли БҲМС) "Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича харажатлар"ни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

***2024 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3535.***

6. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 19-iyuldagi 23/4-son "Mikromoliya tashkilotlari tomonidan islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlarni ko'rsatish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori.

***2024 yil 26-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3536.***

7. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 135-сон "Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг мил-



лий стандарти (8-сонли БҲМС) “Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби”ни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

*2024 йил 26 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3537.*

### **II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 2 ноябрда 58-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (17-сон БҲМС) «Капитал қурилишининг пудрат шартномалари» (рўйхат рақами 579, 1998 йил 23 декабрь).

*2024 йил 23 июлда давлат реестридан чиқарилди.*

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 19 октябрда 52-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (10-сон БҲМС) “Давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдами тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш” (рўйхат рақами 562, 1998 йил 3 декабрь).

*2024 йил 24 июлда давлат реестридан чиқарилди.*

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 3 декабрда 64-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (11-сон БҲМС) “Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар” (рўйхат рақами 581, 1998 йил 28 декабрь).

*2024 йил 25 июлда давлат реестридан чиқарилди.*

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 октябр 50-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (8-сон БҲМС) «Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби» (рўйхат рақами 580, 1998 йил 28 декабрь).

*2024 йил 26 июлда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**